

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

«САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ БОШҚАРИШ» факультети

«ИҚТИСОДИЁТИ ВА МАРКЕТИНГ» КАФЕДРАСИ

“СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ”

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**БАКАЛАВРИАТУРА НОИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШЛАРИ УЧУН**

ТОШКЕНТ - 2015 й.

«Солиқлар ва солиққа тортиш» фанидан маърузалар матнида солиқларнинг иқтисодий моҳияти, солиқларнинг турлари, уларни объекти ва субъекти, ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш тартиби, солиқ турлари бўйича белгиланган имтиёзлар, солиқларни тўлаш муддатлари шунингдек солиқ тизимининг макроиқтисодий барқороликка таъсири ва бошқа масалалар ўз аксини топган.

Тузувчилар: доц., и.ф.н. Хусаинов Р.Р.; кат.ўқ.Урманова Д.Т.

Такризчилар: проф., и.ф.д. Турсунходжаев М.Л.; и.ф.н.;
доц., и.ф.н. Султонходжаев О.А.

«Солиқлар ва солиққа тортиш» фанидан маърузалар матни «Саноат тармоқларини бошқариш» факультетининг «Иқтисодиёт ва маркетинг» кафедраси мажлисида муҳокама этилди ва факультетнинг ўқув-услубий кенгашига тавсия этилди.

Кафедра мудири _____ проф.Махкамова М.А.

Котиба _____ кат.ўқ.Ташходжаева М.Д.

«Солиқлар ва солиққа тортиш» фанидан маърузалар матни «Саноат тармоқларини бошқариш» факультетининг ўқув-услубий кенгашида мақулланди.

Ўқув-услубий кенгаш раиси _____ проф.Алимходжаев С.Р.

Котиба _____ доц.Ибрагимова С.А.

МУНДАРИЖА

1. “Солиқлар ва солиққа тортиш” махсус курсни ўқитишнинг зарурлиги, Мақсади ва вазифалари. Солиқнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	4
2. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	32
3. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	61
4. Қўшилган қиймат солиғи	84
5. Акциз солиғи	111
6. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқлар ва махсус тўловлар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	121
7. Юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	138
8. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби	175
9. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар	198
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	212

**1-маъруза. “СОЛИҚЛАР ВА КУРСНИ ЎҚИТИШНИНГ
ЗАРУРЛИГИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. СОЛИҚНИНГ
ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИ
СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ (2-соат)**

Режа:

- 1.1. «Солиқлар ва солиққа тортиш» махсус курсини солиққа тортиш»
махсус
ўқитишнинг зарурияти мақсад ва вазифалари.
- 1.2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва зарурлиги.
- 1.3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар элементлари.
- 1.4. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари.
- 1.5. Солиққа тортиш тамойиллари.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг ривожланиш
босқичлари.
- 1.7. Солиқ тизимини гуруҳлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва унинг асосий
йўналишлари.
- 1.9. Солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари.
- 1.10. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

**1.1. «Солиқлар ва солиққа тортиш» махсус курсини ўқитишнинг
зарурияти мақсад ва вазифалари**

Мамлакатимизда иқтисодиётни юксалтириш даврида солиқлар ва уларга тенглаштирилган мажбурий тўловлар давлат хазинасининг асосий даромад манбаси ҳисобланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслардан солиқ қонунчилигига кўра белгиланган тартибда ундирилади. Ўзбекистон Республикаси бош қомуси-мамлакат конституциясининг 5-чи ва 23-чи моддаларида ҳам фуқароларнинг бурч ва мажбуриятларидан бири сифатида қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашнинг мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Ушбу мажбуриятларни бажариш учун эса ҳар бир фуқаро солиқлар ва солиққа тортиш муносабатларига доир етарли даражада билим ва кўникмага эга бўлишлари лозим бўлади.

Бу курсни ўқитишнинг зарурлиги бозор иқтисодиёти муносабатлари ичида солиқ муносабатларининг аҳамияти ўсиб бораётганлигидан келиб чиқади. “Солиқлар ва солиққа тортиш» махсус курси солиқ воқеликларини (ҳаракатларини) чуқур ўрганиш асосида зарурий ҳулосалар чиқариб, уларни амалиётга тадбиқ этиш йўллари ўргатади.

Ҳар қандай фан ёки курс ўзининг предметига эга бўлиши керак. Ушбу махсус курснинг **предмети** солиқ ҳаракатини ўрганишдир. Солиққа тортишда солиқ механизми ишга солинади. Унинг ҳаракатланиши пул муносабатлари

орқали содир бўлади. Бу пул муносабатлари солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан солиқ ундирувчи (олувчи) давлат ўртасида бўлади.

«Солиқлар ва солиққа тортиш» махсус курсини ўргатишдан мақсад талабаларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги тасаввурни ҳосил қилиш ва солиқ тўловчилардан ундириладиган солиқ ҳамда мажбурий тўловларнинг ҳуқуқий асосларини, солиқ мажбурияти, солиқ назорати, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва уларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари бўйича билимларни шакллантиришдан иборатдир.

Махсус курс олдида қўйилган **асосий вазифалар** солиқларнинг моҳиятини, уламинг зарурлигини, солиқ элементлари ва функцияларини, солиқ сиёсатини, солиққа тортиш ва тўлаш тартибларини, хорижий мамалакатлар солиқ тизимларини, солиқ тизимининг назарий жиҳатларини ўргатиш ва амалий қўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

1.2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва зарурлиги

Солиқлар деганда Солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлари деганда Солиқ кодексида белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади.

Солиқ тушунчаси иқтисодий категория сифатида давлатнинг пайдо бўлиши ва унинг фаолияти давомийлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу ўринда солиқ категорияси давлат иқтисодий сиёсати орқали иқтисодий воқелик сифатида юзага чиқишини таъкидлаш лозим. Солиқ тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солиқ тўловчилардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини ифодалайди.

Маълумки, солиқлар бевосита давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир, яъни давлат ўзининг ваколатига кирувчи вазифаларни бажариш учун молиявий манба сифатида солиқлардан фойдаланади. Солиқларнинг амал қилиши объектив заруратдир, чунки жамиятни ташкил этувчи барча субъектлар ҳам реал секторда, яъни ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатмайди. Жамиятда бошқалар томонидан рад этилган ёки фаолияти иқтисодий самарасиз бўлган соҳалар ҳам мавжудки, улар солиқларнинг объектив амал қилишини талаб этади. Аниқроқ қилиб айтганда жамиятнинг норентабел (мудофаа, тиббиёт, фан, маориф, маданият ва бошқалар) ва рентабел соҳага ажралиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришнинг табиий зарурлиги солиқлар объектив амал қилишини зарур қилиб қўяди. Ваҳоланки, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари асосан давлат томонидан амалга ошириладики, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чиқувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

Солиқларнинг амал қилишини бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида икки ҳолат билан ифодалаш мумкин: **биринчидан**, давлатнинг қатор вазифаларини маблағ билан таъминлаш зарурлиги, **иккинчидан**, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари.

Давлатнинг бажарадиган функциялари ва вазифалари кўп бўлиб, бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатларига мос келмайдиган вазифалар йўқола борса, янги вазифалар пайдо бўла бошлайди. Буларга бизнинг республикамизда кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ташкил қилиш кабилар киради. Давлат кучли ижтимоий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш учун пенсионерлар, талабалар, кўп болали оналар ва бошқаларни маблағ билан таъминлаш зарурлигини англаб, айрим чекланган товарлар баҳосидаги фарқни бюджет ҳисобидан қоплайди, бундан ташқари маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатади. Шу билан бирга, давлат жамият аъзолари осойишталигини сақлаш мақсадида ўзининг мудофаа қобилиятини сақлаб ва мустаҳкамлаб туришга ҳам маблағ сарфлайди, қолаверса, фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, мамлакатда тартиб-интизом ўрнатиш, уни бошқариш функцияларини бажариш учун ҳам кўплаб маблағ йўналтиришга мажбурдир. Бундай харажатларни амалга оширишнинг мажбурийлиги улар учун манба бўлган солиқларни объектив зарур қилиб қўяди.

Қайд этиш лозимки, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Демак, ҳукмрон куч сифатида давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар амал қилади. Маълумки, жамият иқтисодий ҳаёти жуда мураккаб иқтисодий ҳодисалардан иборат бўлиб, ана шу мураккаблик бевосита солиқларга ҳам тегишли, бу ҳолат солиқларнинг иқтисодий моҳиятини теран англашни тақозо этади.

Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пуллик муносабатларни билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Давлат учун бюджет даромадларининг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга.

Солиқлар тўғрисидаги қарашлар тарихан объектив ва субъектив омилларнинг таъсирида шаклланган. Солиқларга доир турли таърифлар таҳлил қилиш, уларнинг конкрет иқтисодий-ижтимоий тараққиёт жараёнидаги моҳиятини асослаш, солиқларнинг иқтисодий ролини ва солиқ қонунчилигига асос бўлган солиқ тамойилларини белгилаш ҳамда солиқ тизимида, жамият тараққиётида мавжуд бўлган солиқларнинг тутган ўрнини аниқлаш зарурдир. Чунки давлат пайдо бўлиши билан солиқлар жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарурий талабларидан бири бўлиб ҳисобланиб келган. Давлат тузилиши шакллари ривожланиши билан бир вақтда солиқ тизими ўзгарган ва такомиллаштирилган. Солиқ тизимининг ўзгариши ва такомиллаштирилиши солиқларнинг турлари, миқдорлари ва йиғиб олиш усуллари хилма-хил бўлганлиги билан асосланиб келган. Масалан. Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти тарихида солиқлар аҳолидан шахсий мол-мулк, ердан олинган ҳосил, уй ҳайвонлари ва бошқалар учун «закот» сифатида олинган.

Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир. Солиқ тизимини тартибга солиш ва мукаммаллаштириш молиявий тизимни ривожлантиришга ёрдам беради. Иқтисодиётни давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджети даромадларини шакллантириш солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усул ҳисобланади. Давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи ҳисобланади.

Инсоният тарихида йирик давлат арбобларидан бири, ўрта асрларда буюк салтанат барпо қилган Амир Темури солиқларга катта эътибор қаратган. У давлатни идора қилиш тизимини юзага келтиришда асосан солиқларга таянган. Ўша даврнинг давлат молияси бу тизимнинг энг муҳим унсурларидан бири эканлиги, у давлатни бошқаришдаги барча жиҳатларга узвий боғланганлиги билан тубдан фарқ қилиб тургани ва аynи шу хусусиятига кўра бошқарувнинг барча таркибий қисмлари орасида марказий ўринни эгаллаганлиги бугунги кунга келиб ҳаммага аён бўлмоқда.

Тарихан солиқлар, давлатни сақлаб туриш учун зарур бўлган мажбурий тўловлар сифатида, давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган. Солиқлар давлат фаолият кўрсатишининг моддий асосини ташкил этади, уларнинг иқтисодий табиати худди шу ердан келиб чиқади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солишнинг ҳам билвосита курали ҳисобланади.

Солиқни тўлаш хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар билан давлат ўртасида янгидан яратилган қийматни тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бирор-бир жамиятни солиқ тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки солиқлар бюджет даромадлари (пул фонди)ни ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда инвестицияларни кўпайтиришга, рақобатбардош маҳсулотни кўпайтиришга, кичик бизнесни ривожлантиришга, хусусий корхоналар очиш билан боғлиқ бўлган бозор имфратузилмасини барпо қилишга, умумдавлат эҳдиёжларини қондиришга ва шу кабиларга хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларини, ҳар хил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларининг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий негиз яратади, солиқ тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир кўрсаилади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради, имтиёзлар ёрдамида эса аҳолининг кам

таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этишга ёрдам беради.

1.3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар элементлари.

Солиққа тортиш тизимининг асосий бўғини ҳисобланган солиқ элементлари солиқ солишда ифодаланадиган тушунчалар бўлиб, улар солиқ тўловчилар ва давлат бюджети ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади.

Солиқ назариясида солиққа оид муносабатларни тўлиқ ва теранроқ ифода этиш учун иқтисодий воқеликларнинг ҳар бир кичик гуруҳлари муайян номдаги иборалар билан изоҳланади. Солиқ элементлари ҳам худди шундай солиққа оид иқтисодий ҳодисаларни изоҳлашга хизмат қилувчи яхлит тушунча ҳисобланади. Солиқ элементлари тушунчаси солиқ солиш тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ўзи ҳам кичик тизимни ташкил этади, яъни солиқ элементлари ҳам бир неча иқтисодий категорияларнинг яхлит ҳолдаги ҳаракатини билдиради.

Солиқ элементлари бир нечта тушунчалардан иборат боииб, уларнинг асосийлари солиқ солиш объекти, солиқ солиш базаси, солиқ ставкаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ даври, солиқни тўлаш муддатлари ва тартиблари, солиқ имтиёзлари, солиқ солиш усуллари, солиқ юки каби тушунчалари қамраб олади.

Солиқ солиш объекти - солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижасидир.

Солиқ солиш объектига фойда ёки даромад, муайян товарлар қиймати, ер майдони, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулклари, табиий ресурслардан фойдаланиш миқдори ва бошқалар киради. Солиқ солиш объекти аслида жамиятдаги мавжуд моддий ва маънавий бойликларнинг айримларига қонун йўли билан улардан фойдаланувчи, эгалик қилувчи ва тасарруф қилувчи солиқ субъектларининг ҳуқуқларига солиқ солишни ифодалайди. Бинобарин, моддий ёки маънавий бойликларга мулкӣ ҳуқуққа эга бўлгандагина солиқ солиш объекти юзага келади. Масалан, эгасиз иморатга солиқ солинмайди, чунки эгасиз иморатга нисбатан солиқ субъекти мавжуд эмас, ваҳоланки, бўлган тақдирда ҳам солиқ солиш объекти сифатида иморат эмас, балки ушбу иморатга бўлган мулкӣ ҳуқуққа солиқ солинади. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, солиқ солиш объекти аслида юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқи ва даромадига қаратилади.

Солиқ солинадиган база - солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифларини ифодалайди.

Ҳисобланадиган солиқ миқдори нафақат солиқ ставкаларининг миқдорига, шу билан биргаликда солиқ ставкаси қопланиладиган объектнинг миқдорига ҳам боғлиқ, Солиқ солинадиган базанинг миқдори қонунчиликда солиққа тортилиши лозим бўлган солиқ солиш объектидан рухсат этиладиган чегирмаларга боғлиқ равишда ўзгариб туриши мумкин. Солиқ солиш базасини

солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифасига тақдим этиладиган солиқ имтиёзларига мувофиқ равишда камайтиришга рухсат этилади.

Солиқ ставкаси - солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлоқ суммадаги миқдорни ифодалайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари, агар ушбу Кодекста бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Солиқ ставкалари фоизларда ёки мутлоқ суммада белгиланиши мумкин. Солиқ ставкаси солиқ элементлари ичида энг кўп амалий аҳамиятга эга бўлган унсудур. Чунки солиқ ставкаларини ўзгартириш орқали давлат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига таъсир этади.

Солиқ ставкалари, ундирилишга, моҳиятига ва амал қилиши нуктаи назаридан бир неча турларига ажратилади:

Солиқ ставкаларининг бири **пропорционал солиқ ставкаси** бўлиб бу солиқ ставкасининг асосий моҳияти шундан иборатки, юридик ёки жисмоний шахслардан обороти, фойдаси ёки бошқа бир солиқ объектининг бир хил турида янги қўллашдан муҳим хусусияти шундаки, солиқ тўловчи эга бўлган фойда (даромад), дивиденд, оборот ёки мол-мулк қийматини ҳажми (суммаси) қанақа бўлишидан қатъи назар бир хил тартибда, яъни бир хил фоизда солиқ ставкаси қўлланилади.

Солиқ ставкаларининг кейинги тури **прогрессив солиқ ставкаси** ҳисобланади. Прогрессив солиқ ставкаси, моҳияти жиҳатидан пропорционал солиқ ставкасига нисбатан тескари ҳолатда амал қилиб, унга мувофиқ солиқ тўловчиларнинг даромадлари, фойдаси ёки обороти ортиб боришига мувофиқ тарзда солиқ ставкасининг ҳам ортиб бориши тушунилади. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи мисолида кўришимиз мумкин. Бунга мувофиқ, жисмоний шахсларнинг олган даромади ошиб бориши билан бирга белгиланган шкала асосида солиқ ставкаси ошиб боради.

Регрессив солиқ ставкаси солиқ тўловчининг солиққа тортиладиган даромади, обороти, мол-мулк қиймати каби солиқ объектининг ортиб бориши билан солиқ ставкасининг камайиб бориши ифодаланади. Бундан кўринадики, регрессив солиқ ставкаси прогрессив солиқ ставкасига нисбатан тескари иқтисодий ҳодисани ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида регрессив солиқ ставкаси асосан солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш мақсадида қўлланилиб, бу асосан корхоналарнинг маҳсулот (хизмат, иш)ни четга экспорт қилишини рағбатлантириш мақсадида жорий этилган. Жумладан: юридик шахслардан олиннадиган фойда ва мол-мулк солиғида кўриш мумкин.

Солиқ имтиёзлари ~ солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин. Солиқ имтиёзларининг турлари, амал қилиш механизмлари, мезонлари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби - солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек солиқ имтиёзларидан келиб чиқиб, солиқ суммасини ҳисоблаш қоидаларини белгилайди.

Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ миқдори ҳисоблаб чиқариладиган даврдир.

Солиқ даври бир нсча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин. Ҳисобот даврлари якунланганда солиқ ҳисоботларини тақдим этиш лозим бўлади. Жорий аванс (бўнак) тўловларини тўлаш даври ҳисобот даври бўлмайди.

Солиқларни тўлаш муддатлари ва тартиби. Солиқ қонунчилигида ҳар бир солиқ турини бюджетга тўлаш муддати белгиланган. Солиқни тўлаш муддатлари деганда солиқ тўловчиларнинг давлат бюджети олдида солиқ мажбуриятларини бажариш муддати ифодаланади. Солиқни тўлаш муддатлари ўз моҳиятига кўра икки хил кўринишга эга: жорий аванс (бўнак) тўловлари ва ҳақиқий даромад олингандан кейинги тўловлар.

Солиқни тўлаш тартиби эса солиқнинг йўналтирилганлиги (бюджетга ёки бюджетдан ташқари фондларга), солиқни тўлаш воситаси (миллий валюта - сўмда ёки бошқа мамлакатлар миллий валютасида. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқлар фақат миллий валюта - сўмда тўланиши мумкин) ҳамда солиқни тўлаш шаклларида (нақд пул ёки нақд пулсиз) ифодаланади.

Солиқ солиш усуллари уч хил кўринишда амалга оширилиб, улар қуйидагиларга: солиқ солишнинг *кадастрли, декларация* ва *манба олди*дан *солиқ солиш* усулларига ажратилади.

Солиқ юки - солиқ тўловчи муайян вақт оралиғидаги фаолияти натижасида тўлаган солиқларининг йиғиндисини ифодалайди.

Бунда солиқ тўловчилар тўлайдиган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси ифодаланади. Солиқ юкининг аниқ солиқ тўловчилар зиммасига қанча тўғри келганлигини аниқлаш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Бироқ тўғри (бевосита) солиқларда солиқ оғирлиги айнан солиқни бюджетга ҳисоблаб ўтказувчи солиқ тўловчилар зиммасига тушса, эгри (билвосита) солиқларда эса солиқ юки солиқни тўловчилар эмас, балки товар (иш, хизмат)ларни истеъмол қилувчилар зиммасига тушади. Муайян турдаги юридик ва жисмоний шахслар бўйича солиқ юкини бир йилда бюджетга тўланган барча мажбурий тўловлар йиғиндиси билан аниқлаш мумкин. Солиқ юкини ифодалашнинг бир қанча кўринишлари мавжуд: макродаражадаги солиқ юки, мезодаражадаги солиқ юки ва микродаражадаги солиқ юки. Солиқ юки макродаражада ифодаланганда бутун мамлакат миқёсида ифодаланиб, асосий кўрсаткич сифатида муайян вақт оралиғида давлат бюджетига келиб тушган солиқлар йиғиндисининг ана шу вақт оралиғида яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки миллий даромад (МД)га нисбати олинади. Мезодаражада ифодаланганда алоҳида олинган соҳа, тармоқ ёки секторга тўғри келадиган солиқ юки ифодаланса, микродаражада эса аниқ бир олинган субъектга тўғри келадиган солиқ юки ифодаланади.

1.4. Солиқларнинг функциялари ва вазифалари

Солиқларнинг функциялари тўғрисида турли хил қарашлар мавжуд. Собиқ социалистик мамлакатлар иқтисодчилари ўртасида солиқлар икки функцияни бажаради, деган қараш кенг тарқалган эди. Бу икки функция сифатида фискал ва назорат функциялари тан олинарди. Уларнинг фикрига кўра энг асосий функция бу солиқларнинг фискал функциясидир, чунки бусиз назорат функциясининг мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Солиқларнинг функциялари уларнинг моҳиятини амалиётда ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Шундай экан, функция доимо яшаб, солиқ моҳиятини кўрсатиб туриши зарур. Бугун пайдо бўлиб эртага йўқ бўлиб кетадиган ҳатолар солиқ функцияси бўла олмайди. Демак, функция категорияси доимий, қатъий такрорланиб турадиган воқеликни ифодалайди. Шундай услубий ёндошишдан келиб чиқиб солиқлар функциясини аниқлаш керак.

Солиқларнинг функциялари масаласида катта баҳслашувлар мавжуд, лекин ягона бир фикрга келтирган эмас. Кўпчилик иқтисодчилар солиқларга фискал, бошқарувчи, рағбатлантирувчи, назорат функциялари хос деб таъриф беришади.

Фикримизча, солиқларнинг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- Солиқнинг фискал функцияси;
- Тартибга солиш функцияси;
- Рағбатлантириш функцияси;
- Солиқнинг назорат функцияси;
- Солиқни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси.

1. Солиқларнинг асосий функцияси - **фискал функция** ҳисобланиб (лотинча фискус сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони англатади), бу функциянинг моҳияли шундан иборатки, солиқлар ёрдамида давлатнинг молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаолият кўрсатиши учун моддий шароит яратилади. Солиқлар орқали корхоналар ва фуқаролар даромадининг бир бўлагини давлат аппарати, мамлакат мудофааси, ноишлаб чиқариш соҳасининг умуман ўз даромадлари манбаига эга бўлмаган қисмини (кўпгина маданият муассасалари, жумладан, кутубхоналар, архивлар ва бошқалар) ёки лозим даражада ривожланишини таъминлаш учун ўзининг маблағи етишмайдиган тармоқларни (фундаментал орган, театрлар, музейлар, кўплаб ўқув юртлари ва хоказо) сақлаб туриш мақсадида ундириб олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш солиқлар фискал функциясининг энг муҳим элементи ҳисобланади,

Солиқларнинг ушбу функцияси орқали ҳосил бўладиган пул ресурслари давлат фонди (давлат бюджети) орқали қайта тақсимланади, улар ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, устувор тармоқларни инвестициялашга йўналтирилади.

2. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида солиқларнинг иккинчи муҳим функцияси уларнинг иқтисодиётдаги **тартибга солувчилик** роли ҳисобланади, яъни давлат солиқлар орқали товарлар, хизматлари ишлаб чиқариш ва сотишнинг иқтисодий шарт-шароитини тартибга

солади ва бу билан халқ хўжалиги тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайян «солиқ муҳити»ни яратади. Ушбу функция орқали солиқ тизимига таъсир кўрсатади, яъни муайян тармоқда ишлаб чиқариш суръатларини рағбатлантиради ёки жиловлаб туради, сармоянинг бир тармоқдан солиқ муҳити энг маъқул бўлган бошқа тармоққа кўйилишини кучайтиради ёки пасайтиради, шунингдек аҳолининг толовга қобил талабини кенгайтиради ёки камайтиради.

Солиқларнинг тартибга солувчи сифатидаги функциясининг аҳамияти бозор шароитида ўсиб боради, бу даврда тадбиркорларни маъмурий қарам қилиш усуллари йўқ бўлиб кетади ёки жуда оз ҳолда қолади, корхоналар фаолиятини фармойишлар, кўрсатмалар ва буйруқлар ёрдамида идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган «юқори ташкилот» тушунчасининг ўзи аста-секин йўқола боради. Бироқ иқтисодий фаолликни изга солиб туриш, унинг ривожланишини жамият учун маъқул бўлган йўналишда рағбатлантириш зарурати сақланиб қолади.

3. Рағбатлантириш функцияси солиқ тизимининг энг муҳим функцияларидан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом-ашё ресурслари, шунингдек молиявий ва меҳнат ресурслари, жамғарилган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, яъни солиқ юкини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, молиявий аҳволни мустаҳкамлашга ва инвестиция фаолиятини жонлантиришга рағбатлантиради. Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси орқали давлат халқ хўжалиги тараққиётини рағбатлантиради, бу билан фискал функцияни бажариш учун базани кенгайтиради, ишлаб чиқаришни солиқларнинг рағбатлантириш функцияси орқали рағбатлантириб, давлат оқилона солиқ сиёсатини олиб бориш билан солиқ юкини кучайтирмасдан хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият кўрсатиши таъминланади.

4. Солиқларнинг назорат функцияси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиладиган база, имтиёзлар сингари ва ҳоказо тегишли солиқ кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини текширишдек анча мураккаб жараёндан иборат. Солиқ ҳисоби солиқ идораларига белгиланган солиқ ҳисоби шакллари орқали солиқ тўловчилар ўзларининг солиқ мажбуриятларини қандай бажараётганликларини янада самарали назорат қилиш имконини беради.

5. Солиқларни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бу функция орқали харажатлар ҳажми ва конкрет солиқлар давлатнинг қандай ижтимоий-иқтисодий функцияларини бажаришга сарфланганлиги тўғрисида ахборот бериб турилиши жуда зарур. Шундай қилинса, солиқларнинг бюджетга тушиши тўлиқ, ўз вақтида ва осон кечади.

Биз солиқ функцияларини қисқача кўриб чиқишимиз солиқлар молия ресурсларини тиклаш, хўжалик фаолиятини тартибга солиш ва даромадларни ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли мақсадлар учун қайта тақсимлаш бўйича муҳим вазифаларни бажаради деб хулоса чиқаришимиз учун имкон беради.

Солиқлар иқтисодиётнинг тарихий ривожланиши босқичларида ушбу ривожланиш жараёнларини таъминлаш мақсадига бўйсунувчи вазифаларни бажаради. Солиқларнинг функциялари эса ана шу вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Демак, солиқларнинг функциялари, вазифалари бажарилишидан келиб чиқадими ёки солиқларнинг вазифалари функцияларининг мавжудлигидан келиб чиқиб бажариладими каби аниқлаш лозим бўлган муаммолар мавжуд. Шундай экан солиқларнинг функциялари ва вазифалари ўртасидаги аниқ фарқли жиҳатларни ўрганиш ва солиқ муносабатларини ташкил этиш мобайнида бу чегараларни асослаш муаммоси мавжудлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Солиқлар бажарадиган вазифалар кўпчилик мамлакатларнинг солиқ қонунчилигида умумий ўхшашликларга эга. Ана шундай анъанавий **солиқ вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:**

1. Умумдават вазифаларини ҳал қилиш учун давлатга зарурий молиявий ресурслар таъминлаб бериш. Солиқларнинг фискаллик функцияси ушбу вазифани ҳал қилиш мақсадларига хизмат қиладди. Бу вазифани ҳал қилиш давлатнинг иқтисодиётга қай даражада аралашувига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, солиқларнинг фискаллик функцияси шунчалик фаол бўлади. Аммо солиқларнинг ушбу вазифаси фақат иқтисодий жараёнларни қамраб олмайди, балки давлатнинг ноишлаб чиқариш харажатлари кўпайиши ҳам давлатнинг ортқча молиявий ресурсларга муҳтожлигини келтириб чиқаради.

2. Мамлакат иқтисодиётида қулай инвестиция муҳитини яратишга кўмаклашиш. Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг ушбу вазифасини бажариши ўзига хос хусусиятларга эга. Асосий хусусиятларидан бири шундаки, ҳозирги кунда сармояларнинг асосий қисми савдо ва хизматлар соҳасига йўналтирилаётганлиги ташвишли ҳолдир. Бунинг асосий сабаби фойда нормаларининг бу соҳаларда катталигидир. Солиқлар сармояларни бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига йўналтиришнинг қудратли воситаси бўлиши керак.

3. Аҳолининг меҳнат фаоллигини рағбатлантириш. Солиқлар деярли барча мамлакатларда ушбу вазифани бажаради. Чунки улар аҳоли даромадларини тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Даромадлардан олинадиган солиқ ставкаларининг энг юқори чегарасини сезиларли даражада пасайтириш ишчи кучининг таклифи билан боғлиқ салбий оқибатларнинг олдини олиши мумкин. 70-80 йилларда Швецияда солиқ ставкаларини аҳоли даромадларига прогрессив равишда қоплаш малакали ишчиларнинг бошқа мамлакатлар томон миграциясига олиб келган.

4. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида даромадларни тақсимлашнинг самандорлик ва адолат принциплари ўртасидаги мувофиқликка эришиш. Амалдаги солиқларга барқарорлик ва мосланувчан солиқ ставкаларининг ҳослиги солиқларнинг узок муддатли вазифаларини амалга оширишга замин яратади. Миллий ва хорижий инвесторлар капитал қўйилмаларини амалга оширар экан, улар ўзларининг солиқ мажбуриятларини аниқ билиши керак. Солиқ турлари ва ставкалари барқарор ва тез-тез

ўзгармайдиган бўлиши керак. Солиқ тизимига мустаҳкам ишонч бўлмаган тақдирда узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳаракати сусаяди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, солиқларнинг бюджетга ижобий таъсиридан ташқари, муҳим иқтисодий ислохотларни амалга ошириш соҳасида ҳам улардан фаол фойдаланиш мумкин. Нарх-навонинг ислоҳ қилиниши, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши, меҳнат бозорининг ислоҳ қилиниши ва ҳоказолар янги пайдо бўлган тижорат тузилмаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш заруратини юзага келтиради. Бу вазифани солиқ ставкаларини табақалаштириш йўли орқали ҳал этиш мумкин.

Шундай қилиб, солиқларнинг вазифалари уларни амалга ошириш муддатига қараб, қисқа муддатли, ўрта ва узоқ муддатли вазифаларга бўлинади. Бу вазифалар мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади, Солиқлар нафақат давлат бюджетининг тушумларига бўлган эҳтиёжларни қондиришга балки давлат даромадларини бюджетнинг ўрта муддатли режада ҳаётийлигини яхшилаш мақсадида мослашувчанлигини амалга оширишга ҳам хизмат қилиши мумкин.

1.5. Солиққа тортиш тамойиллари.

Солиқ солиш тамойиллари солиқ муносабатларини амалиётда ташкил этиш, солиқ солиш, уни ундириш амалиётининг мазмунини очиб беради¹. Солиқ солиш тамойилларини А. Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) илк бор асослаб берган ва унда:

- давлат фуқаролари давлат харажатларини қоплашда ўзлари ҳукумат муҳофазасида фойдаланаётган даромадларига мувофиқ тарзда қатнашишлари лозим.

- ҳар бир одам тўлайдиган солиқ аниқ белгилаб қўйилган болиши керак, бунда ўзбошимчалик кетмайди. Солиқ миқдори, тўланадиган вақти ва тартиби уни тўловчига ҳам, бошқа ҳар қандай одамга ҳам бирдай аниқ ва малум бўлиши зарур.

- ҳар бир солиқ тўловчига ҳар жиҳатдан қулай бўлган вақтда ва тартибда ундирилиши керак.

- ҳар бир солиқ шундай тарзда ўрналилиши керакки, бунда солиқ тўловчининг ҳамёнидан кетадиган пул давлат бюджетига келиб тушадиган маблағга нисбатан ортиқ бўлишига мумкин қадар йўл қўйилмасин, деб таъкидлаб ўтилган.

Ҳозирги шароитга татбиқан олганда, солиқ солиш тизимининг қуйидаги тамойилларини келтириб ўтиш мумкин:

- **Солиқ солишнинг етарлилик тамойили.** Солиқ солишнинг етарлилик тамойилига мувофиқ солиқ солиш даражаси шундай бўлиши лозимки, у давлат интилаётган халқ хўжалиги самарадорлигига эришишни кафолатлай олсин. Солиққа тортиш тизими иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, муҳофаа қобиляти ва бошқа соҳалардаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган молия ресурслари тўпланишини таъминлаши лозим. Шунини ҳам

¹ Jo'racv A., Toshmatov Sh., Abduraxmonov O. Soliqlar va soliqqa tortish. O'quv qo'llanma. Tashkent, 2011. 111 b. -TAA 1.1.1-11.1

таъкидлаб ўтиш лозимки, солиқ ставкалари солиқ юки кўрсаткичи ҳисобланмайди, чунки солиқ тўловчи солиқ тўлар экан, давлат томонидан бепул хизматлардан баҳраманд бўлгани ҳолда айтиш чоғда ўзининг баъзи харажатларини қисқартиради. Умуман олганда, етарлилик тамойили солиқ сиёсатини белгилаётганда уни давлатнинг қабул қилинган ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан қатъий равишда уйғунлаштиришни тақозо этади.

- **Солиқ солишнинг тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш тамойили.** Солиқ тизими хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқаришини ривожлантириш, ускуналар ва замонавий технологиялар сотиб олиш учун маблағ йўналтириш, яъни капитал жамғариш ва шу йўл билан технологияларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириши лозим.

Солиқ солишнинг иқтисодий омилларга таъсири икки хил кўринишда бўлади, яъни қиёсий оқибат ва даромад оқибати шаклида ифодаланади. Қиёсий оқибат меҳнат натижалари, жамғариш, инвестициялаш, янги ғояларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа хил кўринишлари билан шуғулланиш учун нисбатан камроқ даражада рағбатлантиришда намоён бўлади. Айниқса, прогрессив (ошиб боровчи) солиқ солишда бундай оқибатнинг рағбатлантиришга зид таъсири яққол ифодаланади.

Солиқларнинг таъсири инвестициялар таркибида ҳам яққол сезилади. Турли кўринишдаги активлар учун жорий этилган ҳар хил солиқ тартиблари инвестиция имкониятлари ва сармоядорларнинг портфели таркибида сезилиб қолади. Солиқ тизимидаги камчилик ва нуқсонлар иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу ҳол пировард натижада давлат бюджети даромадларининг ўзгаришига ҳам таъсир этмай қолмайди.

Солиқ солишнинг адолатлилик тамойили. Солиқ солишнинг адолатлилик тамойилига мувофиқ, солиқлар жамият томонидан оқилона ва адолатли деб тан олинган умумий объектив қоидаларга биноан белгиланиши лозим. Адолатлилик тамойили бир қанча асосий гуруҳдаги солиқ солиш тамойилларига бўлинади. Буларни икки гуруҳга бўлган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бунда горизонтал ва вертикал адолатни бир-биридан фарқлаш лозим. Горизонтал адолат тамойили даромад олишнинг турли шароитларида солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ солишнинг тахминан тенг шартларини қўллашни кўзда тутди.

Вертикал адолат деганда хўжалик юритишнинг бирмунча оғир шароитларида ишлаётган субъектлар учун солиқ солишнинг бир қадар юмшоқроқ шартларини, енгил даромад олиш имкониятига эга бўлган субъектлар учун эса оғирроқ шартларни қўллаш тушунилади. Солиқларнинг рағбатлантириш функциясини бажариш доирасида иккинчи тамойил бузилиши мумкин. Масалан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида уларни ишлаб чиқариш бўйича солиқ солишда бир қадар имтиёзли шартлар ёки, аксинча, вино-ароқ ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни чеклаш учун улардан олинadиган эгри солиқларнинг юқори ставкалари белгиланган ҳоллар ҳам бўлади.

Солиқ солишнинг оддийлик ва холислик тамойили. Бу тамойил солиқ солиш базасини аниқлашда, солиқларни ҳисоблаб чиқишда оддийлик бўлишини, тақдим этиладиган ҳисоботларнинг мазмунини соддалаштиришни, шунингдек солиқларнинг энг муҳим турлари бўйича ягона ставкалар белгилашни, бериладиган имтиёзларни иложи борица камайтиришни кўзда тутди. Бу ўринда назарда тутилаётган нарсаси шуки, солиқларнинг рағбатлантириш функцияси доирасида бериладиган имтиёзлар яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлмаслиги, балки муайян фаолият турларини рағбатлантиришга, солиқ тўловчиларнинг мулкчилик шакли ва қайси идорага мансублигидан қатъи назар, маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Солиқ имтиёзларининг ҳаддан ташқари кўплиги қонунларни мураккаблаштириб юборади, тушунишни қийинлаштиради ҳамда турлича талқин қилинишига олиб келади, бу ҳол пировард натижада солиқ тўловчиларнинг солиқларга нисбатан муносабатларига салбий таъсир қилади. Шу билан бирга аниқ қилиб белгиланган имтиёзлар солиқ юкини бошқа солиқ тўловчилар зиммасига ўтказиб, ижтимоий адолатсизлик рўй беришига олиб келади.

Солиқ солишнинг бошқаришга қулайлик тамойили. Самарали солиқ тизимига қўйиладиган муҳим талаблардан бири бошқарувга қулай бўлишидир. Солиқларни ундириб олишда самарадорликка эришиш кўп ҳолларда солиқларнинг солиқ тўловчиларга яхши тушунарли бўлишига боғлиқ.

Айрим мамлакаларда солиқ солишнинг ниҳоятда мураккаб тартиби амал қилади, айтайлик, шкала ва ставкалар тури, солиқлар таркиби, уларни тўлаш қоидалари ва тартиблари ҳаддан ташқари кўп бўлади. Бунинг устига улар солиқ тушумларининг кўпайишига ҳеч қандай ёрдам бермайди ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси бажарилишида рол ўйнамайди.

Солиқ солишнинг солиқларни йиғиш жараёнини имкон қадар арзонлаштириш тамойили. Ушбу тамойил давлат ва солиқ тўловчилар томонидан солиқларни йиғиш учун кетадиган харажатларни мумкин қадар камайтиришни кўзда тутди. Бунинг учун республикада солиқ солиш тартибини такомиллаштириш билан бир қаторда солиқларни мақбуллаштириш, компьютер технологиялари, солиқ ахборотларининг тўғрилигини бевосита назорат қилиш усуллари қўллаш орқали солиқ тўловчиларнинг харажатларини камайтириш мақсадида давлат ҳисобидан сақланадиган сервис-марказлар, солиқ солиш масалалари хусусида солиқ органлари томонидан бепул маслаҳатхоналар ташкил этилган.

Солиқ солишнинг солиқ ставкаларини қиёслаш тамойили Солиқ ставкалари бошқа давлатлардаги худди шундай солиқларнинг ставкалари билан қиёсланиши, яъни минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда бошқа мамлакатлар билан тенг бўлган ҳўжалик фаолияти шарт-шароитлари вужудга келтирилиши лозим. Агар қаттиқ шартлар белгилаб қўйилгудек бўлса, бу ҳол республика иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни мушкуллаштириб юборади, аксинча, енгил шароит яратилса, мамлакат бюджетига салбий таъсир қилади.

Солиқ солиш тамойиллари ва солиқ қонунчилиги тамойиллари муайян ўхшашликка эга ва уларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида келтирилган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари принциплари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир шахс Кодексида белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга мажбурдир (6-модда), яъни солиқ тўлаш қонун билан мажбур қилиб қўйилади. Аслида мажбурийлик солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади;

2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва мажбурий тўловларни қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак (7-модда);

3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёزلарни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак (8-модда). Ҳуқуқий шахсларга солиқ солиш мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний шахслар эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар;

4. Солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан яғонадир (9- модда);

5. Солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт эканлигининг белгилаб қўйилиши солиқ қонунчилигининг ошкоралик принципини ифода этади (10-модда) ;

6. мамлакатимизда солиқ қонунчилиги қўлланиши натижасида юзага келадиган барча қарама-қаршилиқлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига ҳал этилиши солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпсияси принципини англатади (11-модда).

1.6. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, йиғимлар, божлар ва мажбурий тўловлар ҳамда уларнинг тузилиш тамойиллари, усуллари, солиқ назоратининг йиғиндиси **солиқ тизимини** ташкил этади.

Солиқ тизими бозор муносабатларининг энг муҳим элементларидан бўлиб, мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришларнинг муваффақияти кўп жihatдан унга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда яратилган солиқ тизимини кескин қайта ўзгартириш тўғрисидаги таклифларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Бундай ҳолларда фақат бир дақиқалик самарани ҳисобга олмасдан, балки бу таклифларнинг мамлакат иқтисодиёти ва молиясининг барча томонларига қай даражада таъсир этиши, албатта инобатга олинмоғи лозим.

Табиийки, идеал солиқ тизимини жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ундаги яратилган илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олувчи муҳим назарий асос ёрдамидагина яратиш

мумкин. Солиқ тизими хўжаликлардаги бозор муносабатларини ривожланишига таъсир қилиши, тадбиркорликнинг тараққий этишига ёрдам бериши ва бир вақтнинг ўзида аҳолининг кам таъминланган қатлами турмуш тарзининг пасайиб кетишига тўсқинлик қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси солиқлар тизими умумдават солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизимидан иборат.

Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдават солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Солиқларга қуйидагилар киради:

1. юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
2. жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
3. қўшилган қиймат солиғи;
4. аксиз солиғи;
5. ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
6. сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
7. мол-мулк солиғи;
8. ер солиғи;
9. ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
10. жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси

ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

- 1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар;
- 2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар;
- 3) давлат божи;
- 4) божхона тўловлари;
- 5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

- 6) ягона солиқ тўлови;
- 7) ягона ер солиғи;
- 8) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Мустақиллик йилларида солиқ тизими ислоҳоти ривожланишини тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босқич 1991-1994 йиллар - Ўзбекистоннинг ўз солиқ тизимини ташкил этиш ва солиқларнинг хазинавий аҳамиятини ошириш босқичидир.

Солиқ ислохотларининг **иккинчи босқичи** солиқларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратиш давридир. Бу давр 1995-1997 йиллари ўз ичига олади. Ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелдаги қарорига асосан мамлакатимизининг биринчи Солиқ кодекси қабул қилинди ва 1998 йил 1 январдан амалга киритилди.

Солиқ ислохотининг **учинчи босқичи** 1998-2004 йилларни ўз ичига олади. Бу босқични солиқ тизимида солиқларни ихчамлаштириш концепциясининг бошланиш даври деб аташ мумкин.

Солиқ ислохотининг **тўртинчи босқичи** 2005 йилдан то ҳозирги вақтгача бўлган давр. Бу босқични солиқ тизимида тадбиркорлик субъектларини бар томонлама рағбатлантириш, улар фаолиятини қўллаб қувватлаш, солиқ тизимини соддалаштириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш даври деб аташ мумкин.

1.7. Солиқ тизимини гуруҳлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбекистон солиқ тизимида солиқларни объекти, иқтисодий моҳияти бюджетга тушиши ва тўловчилари нуктаи-назари бўйича гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Солиқлар солиқ солиш объектига қараб тўрт гуруҳга бўлинади:

1.Оборотдан олинадиган солиқлар.

2.Даромаддан олинадиган солиқлар.

3.Мол-мулкдан қийматидан олинадиган солиқлар.

Оборотдан олинадиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, аксиз солиғи, божхона божи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун олинадиган солиқлар киради. Лекин оборот (айланма) тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаригидек маҳсулот реализацияси оборотидан эмас, балки юклаб юборилган маҳсулотлар қиймати билан ўлчанади. Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ тўлови ҳам оборотдан олинадиган солиқларга киради.

Даромаддан олинадиган солиқларга юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, ихтисослаштирилган улгуржи савдо корхоналарининг ялпи даромадидан олинадиган солиқ киради.

Мол-мулк қийматидан олинадиган солиқларга юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг ягона ер солиғи ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиқларини киритиш мумкин.

Иқтисодий моҳиятига қараб солиқлар эгри (билвосита), тўғри (бевосита) солиқларга бўлинади. Тўғри солиқлар тўғридан-тўғри солиқ тўловчиларнинг ўзи тўлайди, яъни солиқнинг ҳуқуқий тўловчиси ҳам, ҳақиқий тўловчиси ҳам битта шахс бўлади. **Бу солиқлар таркибига** барча даромаддан тўланадиган солиқлар ҳамда мол-мулк ва ресурс солиқлари киради. Ресурс солиқлари таркибига ер солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар киради.

Тўғри солиқларда тўғридан-тўғри даромаддан солиқ тўланганлиги учун солиқлар ставкасининг камайтирилиши корхоналар даромадининг кўп қисмини уларга қолдириб, инвестиция фаолиятини кенгайтириш имконини яратиб, бозор иқтисодиётини ривожлантиради. Бу солиқларнинг ставкалари оширилса, корхоналарнинг молиявий имкониятлари камая боради. Демак, бу гуруҳ таркибига қирувчи солиқларнинг ставкалари иқтисодий ривожланиш билан бевосита боғлиқдир.

Эгри солиқларнинг ҳуқуқий тўловчилари маҳсулот (иш, хизмат)ни юклаб юборувчилар ҳисобланади. Лекин, солиқ оғирлиги ҳақиқатан ҳам товар (иш, хизмат)ни истеъмол қилувчилар, яъни бевосита истеъмолчилар зиммасига тушади. Бу солиқлар товар (иш, хизмат) қиймати устига қўшимча равишда қўйилади.

Эгри солиқларнинг ижобий томони шундаки, улар республикада ишлаб чиқарилган товарлар республикадан ташқарига чиқиб кетишини чегаралайди, мамлакат ичида товарларнинг сероб бўлишига ёрдам беради ҳамда инфляция даражасини (муомаладаги ортиқча пул массасини) бирмунча жиловлаб туради.

Эгри солиқлар таркибига қўшилган қиймат солиғи, аксиз солиғи, божхона божи, жисмоний шахсларнинг транспорт воситалари учун бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун солиқлари киради.

Чунки қўшилган қиймат солиғи ва аксиз солиғи иқтисодий конъюктуранинг ўзгаришларига бевосита боғлиқ бўлмаган барқарор даромад манбалари ҳисобланади ва эгри солиқлар бўйича тушумларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ижтимоий харажатлари ўсиш тенденциясига эга эканлиги давлат бюджети даромадлари ҳажмини узлуксиз ошириб боришни тақозо қилади. Бу эса қўшилган қиймат солиғи, аксиз солиғи каби барқарор даромад манбаларини, бюджет даромадларини узлуксиз таъминлашни тақозо қилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, тўғри ва эгри солиқлар ягона солиқ тизимини ташкил этиб, бир-бири билан ўзаро боғлангандир. Европа мамлакатларида эгри солиқларнинг роли АҚШ, Япония, Канада ва Австралияга қараганда юқоридир. Европа мамлакатларида жами солиқ тушумларининг ҳажмида эгри солиқларнинг салмоғи 40 фоиздан юқори бўлиб, айрим мамлакатларда 50 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига Мексика, Туркия ва Корея киради. АҚШ, Япония, Канада ва Австралияда эса ушбу кўрсаткич 25- 30 фоизни ташкил қилади.²

Бюджетга тушишига қараб солиқлар умумдават ва маҳаллий солиқларга бўлинади.

Умумдават солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар таркибига қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) аксиз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаианувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдават солиқлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги молия йили учун макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети бўйича чиқадиган қарори асосида белгиланган нормативлар бўйича тегишли маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланади;

² Panskov V.P., Knyazev V. G. Nalogi i nalogooblojenie. - M.: MTSFER, 2003. -s. 57-59.

7) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

- ягона ижтимоий тўлов;
- фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

8) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

- Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

- Республика йўл жамғармасига йиғимлар.

9) давлат божи. Давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар, шунингдек мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир. Бундай ваколатли муассасаларга мисол қилиб суд ва нотариал идораларни, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси ва унинг консуллик муассасаларини келтириш мумкин. Давлат божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

10) божхона тўловлари. Божхона органлари божхона ишини амалга оширишда белгиланган тартибда божхона тўловларини ундиради. Божхона тўловиарининг қуйидаги турлари мавжуд:

- божхона божи;
- импорт қилинаётган товарлар учун ундирилаган қўшилган қиймат солиғи;
- импорт қилинаётган товарлар учун ундириладиган аксиз солиғи;
- божхона йиғимлари.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган умумдавлат солиқлари:

11) ягона солиқ тўлови;

12) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1) мол-мулк солиғи;

2) ер солиғи;

3) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

6) ягона ер солиғи (соддалаштирилган тартибдаги солиқ).

Умумдавлат солиқлари асосан республика бюджети даромадларини шакллантиришга қаратилган бўлса, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради.

Тўловчилар нуқтаи-назаридан солиқларни **юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган** солиқларга ажратишимиз мумкин.

Солиқ тўлашига кўра юридик шахсларни қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) умумий тартибда солиқ тўловчи юридик шахслар;
- 2) микрофирмалар ва кичик корхоналар;
- 3) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари;
- 4) савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;
- 5) лотореялар, толализраторлар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказишга ихтисослашган юридик шахслар;
- 6) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланувчи юридик шахслар.

Умумий тартибда солиқ тўловчи юридик шахслар қуйидаги солиқларни тўлайди:

1. Фойда солиғи;
2. Қўшилган қиймат солиғи;
3. Аксиз солиғи;
4. Мол-мулк солиғи;
5. Ер солиғи;
6. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
8. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган юридик шахслар қуйидаги солиқларни тўлайди:

1. Ягона солиқ тўлови;
2. Ягона ер солиғи;
3. Қатъий белгиланган солиқ;
4. Қўшилган қиймат солиғи (ихтиёрий);
5. Аксиз солиғи (аксиз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарганда);

Шунингдек юқоридаги барча юридик шахслар қуйидаги йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам тўлайдилар:

1. Божхона тўловлари (божхона божлари ва йиғимлари, аксиз солиғи ва товарларни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи);
2. Давлат божлари;
3. Товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимлар;
4. Давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига);

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар таркиби қуйидагилардан иборат:

1. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ;
2. Мол-мулк солиғи;
3. Ер солиғи;
4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

5. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
6. Божхона тўловлари (божхона божлари ва йиғимлари, товарларни импорт қилишда аксиз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи);
7. Давлат божи;
8. Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим;

1.8. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва унинг асосий йўналишлари.

Солиқ сиёсати - бу иқтисодий сиёсатнинг ажралмас бир қисми бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган солиқ соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан солиқларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқлар ва солиқсиз тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йиғиндисидир. Мамлакат солиқ тизими хусусиятлари, йўналишлари, қандай солиқларнинг жорий этилиши, улар ўртасидаги нисбатни таъминлаш каби масалаларни солиқ сиёсати белгилаб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги роли кучайиб, ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда солиқ сиёсати инухим восита бўлиб хизмат қилади. Солиқ сиёсати амалда давлат бошқарувининг бошқа унсурлари: пул-кредит сиёсати, баҳо сиёсати кабилар билан биргаликда мамлакатнинг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига фаол таъсир этади. Давлат солиқ сиёсати орқали иқтисодий ривожланишни рағбатлантиради ёки чеклайди. Зеро Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: - «Солиқ сиёсатининг вазифаси-бир томондан, бюджет даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчи томондан - корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат»³. Солиқ сиёсатининг асосий вазифаси охир-оқибат иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилиши лозим.

Амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусиятини эътиборга олиб солиқ сиёсати: солиқ сиёсати стратегияси солиқ сиёсати тактикасига бўлинади.

Солиқ сиёсати стратегияси - солиқ сиёсатининг узоқ муддатли йўналиши бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий стратегия белгилаб берган улкан масшабли вазифаларни келажакда бажарилишини таъминлаш кўзда тутилган солиққа доир молиявий тадбирлар йиғиндисидир.

Солиқ сиёсати тактикаси эса белгиланган солиқ сиёсати стратегияси ижросини таъминловчи, тез-тез ўзгариб турувчи сайи-ҳаракатларни билдириб, қисқа муддатли ва кичик масшабдаги молиявий чора-тадбирларни ҳал қилишга қаратилган йўналишлар мажмуаси ҳисобланади.

Солиқ сиёсати таркибий жиҳатдан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

³ Karimov [I.A. O'zbekiston buyiik kciajak sari. T.; "O'zbekiston", 1998. 52-bet.

- мамлакат миқёсида амал қилувчи солиқлар ва солиқсиз тўловларни қонуний жорий этиш;
- амал қилаётган солиқларни самарали ишлашини таъминловчи механизмини шакллантириш ва такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;
- солиқ сиёсатини амалга оширувчи тегишли ваколатли органларни ташкил этиш ва уларни ушбу соҳадаги вазифаларини белгилаш;
- солиққа тортиш тизимини шакллантиришга қаратилган чуқур илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва уларни жорий этишни ташкил этиш.

1.9. Солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиби ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Солиқ кодекси⁶, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни⁷ ва шу каби бевосита солиққа оид қонун ҳужжатлари орқали тартибга солиб турилади.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидан ўрин олган нормалари Солиқ кодексига мувофиқ бўлиши лозим. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Солиқ кодексидан бошқача қоидалар белгиланган ёки назарда тутилган бўлса, унда халқаро шартнома қоидаларида белгиланган шартлар амалда қўлланилади.

Солиқ солиш - юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Белгиланаётган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида эркин муомалада бўлишини бевосила ёки билвосита чеклаб қўйиши ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга ғов бўлиши мумкин эмас. Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши лозим, солиқ имтиёзларини белгилашда эса албатта ижтимоий адолат принципларига риоя этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги-сўмда ҳисоблаб чиқарилади.

1.10. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Амалдаги Солиқ кодексига кўра солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

1. Давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлардан амалдаги солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида ахборот олиш.

Солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар ўзлари рўйхатдан ўтган қуйи давлат солиқ хизмати органларига бориб, бюджет олдидаги ўз

мажбуриятларини хатоларсиз бажариш мақсадида тегишли ахборотларни ёки маслаҳатларни бепул олиш имкониятларига эга.

2. Ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан давлат солиқ хизмати органлари ҳамда бошқа ваколатли органлардаги мавжуд маълумотларни олиш.

Бунга мувофиқ солиқ тўловчилар қуйи солиқ идораларидан хўжалик ва молиявий фаолиятларига тегишли бўлган солиқ солиш масалалари бўйича маслаҳат олиш ва маълумотлар билан танишиш имкониятига эгадирлар.

3. Солиқ муносабатлари масалалари юзасидан ўз манфаатларини шахсан ёки ўз вакили орқали ифода этиш.

4. Солиқ кодексида, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳамда тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш.

Солиқ тўловчилар нафақат Сотиқ кодексида, балки Вазирлар Маҳкамасининг ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарор ва фармонларида кўзда тутилган имтиёзлардан ҳам фойдаланиш ҳуқуқларига эгадирлар. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1047-сонли қарорига асосан 2012 йил 1 январига қадар бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек хом ашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш шарти билан асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлаш бўйича имтиёз берилган.

5. Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ундирилган суммаларини ҳисобга олиш ёки қайтариб олиш.

Бюджетга ортиқча ундирилган солиқлар 30 иш куни ичида солиқ тўловчиларга қайтарилиши ёки бошқа солиқлар ва йиғимлардан қарзи мавжуд бўлган ҳолда ўша қарзни қоплашга йўналтирилиши имконияти пайдо бўлади.

6. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни иўлашни кечиктириш ва (ёки) боийб-бўлиб тўлаш.

7. Солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб эҳиқариш ҳамда тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоб-китобини қуйи солиқ идораларига қонунчиликда белгиланган муддатларда топширгандан сўнг хато ва камеҳиликиарни аниқлашса, уни тузатиб, дарҳол солиқ идораларига солиқ ҳисоб-китобларини қайта топширишлари лозим бўлади. Акс ҳолда қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади.

8. Солиқ текширувлари материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш.

Солиқ тўловчилар фаолияти солиқ органлари томонидан текширилганда аниқланган хато ва камчиликлар, қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, ҳисобланган молиявий жарималар тўғрисида тузилган далолатнома корхона мансабдор шахсларига (бо.ш ҳисобчисига) таништирилиши шарт. Текшириш натижаларини корхона раҳбарияти нотўғри деб ҳисоблаши ҳамда эътироз билдириши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда солиқ тўловчи солиқ идораси раҳбарияти номига ёхуд юқори солиқ идораларига ёзма мурожаат қилиши мумкин. Солиқ идораларида эксперт комиссияси тузилган бўлиб, ушбу комиссия томонидан солиқ тўловчиларнинг ёзма эътирозлари бир ой муддат ичида кўриб чиқилади ва натижаси аризачига билдирилади. Бундай ҳолатда текшириш натижасида солиқ тўловчига нисбатан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий жарималарни бюджетга ундириш тўхтатилмайди.

9. Солиқ текширувларини амалга ошираётган давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бажаришга доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш.

10. Давлат солиқ хизмати органларининг, бошқа ваколатли органлар ва улар мансабдор шахсларининг Солиқ кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари ҳамда талабларини бажармаслик.

11. Давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли орган ларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (фтаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

Солиқ органлари ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари айрим ҳолларда солиқ тўловчиларнинг эътирозларини келтириб чиқариши ёки улар мансабдор шахсларининг ҳатти-ҳаракатларини солиқ тўловчи қонунга зид деб ҳисоблаши ва уларга барҳам бериш мақсадида юқори солиқ органлари (Давлат солиқ бошқармаси, Давлат солиқ қўмитаси)га ёхуд судга шикоят билан даъво қилиши мумкин. Бундай ҳолат амалиётда баъзида учраб туради.

12. Давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қонунга ҳилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш.

Солиқ тўловчилар Солиқ кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Солиқ кодексига кўра солиқ тўловчилар қуйидаги мажбуриятларга эгадирлар:

1. Ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши.

Солиқ тўловчилар ҳар бир солиқ тури бўйича ҳисоб-китобларини белгиланган муддатлардан кечиктирмасдан солиқ идораларига тақдим этади. Акс ҳолда корхонага ва корхонанинг мансабдор шахсларига нисбатан молиявий ва маъмурий жазо чоралари қўлланилади.

2. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши.

Корхона ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини юритишда қонунчилик билан белгилаб берилган ҳисоб ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини юритишга мажбурдир. Корхонада бухгалтерия ҳисобини юритиш тегишли қонунчилик нормалари асосида амалга оширилади.

3. Давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши.

Солиқ тўловчиларга Солиқ кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида ёки бошқа қонун ҳужжатларида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан имтиёзлар кўзда тутилган ҳолда, улар имтиёз олиш ҳуқуқини тасдиқловчи тегишли қонун ҳужжатларини қуйи солиқ идораларига тақдим этишлари шарт. Имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлгандагина улар имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

4. Солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиши.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг текширув режасига асосан давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчилар фаолияти текширилганда корхоналар солиқ солиш объекти билан боғлиқ бўлган барча объектларини кўздан кечириш ва текширишга шароит яратиб беришлари лозим. Акс ҳолда солиқ идораларининг қонуний талаблари бажарилмаган ҳисобланади ва уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган тегишли жазо чоралари қўлланилади

5. Давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек мазкур органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ёки уларнинг бошқа ваколат доирасидаги қонуний талаблари солиқ тўловчилар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Солиқ агентлари юқорида қайд этилган мажбуриятлардан ташқари:

- солиқ тўловчиларга тўланадиган маблағлардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқариши, ушлаб қолиши ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиши;

- солиқ тўловчиларга тўланган даромадларнинг, ушлаб қолingan ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобини юритиши, шу жумладан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича алоҳида- алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Солиқ тўловчилар Солиқ кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз зиммаларига юклатилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ҳисоботларни ўз вақтида топширмаганлик, шунингдек нотўғри маълумотларни кўрсатганлик ва бюджетга солиқларни тўламаганлик учун юридик шахсларга Солиқ кодексида назарда тутилган молиявий жазо чоралари қўлланилади, юридик шахсларнинг мансабдор шахслари эса, шунингдек қонун

хужжатларига мувофиқ маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар (Солиқ кодексининг 132- моддаси).

Солиқ кодексининг 114-моддасига мувофиқ яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш мақсадида ҳисобга олинмайди ҳамда мазкур солиққа оид ҳуқуқбузарлик юзасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб қуйидагилар эътироф этилади:

- товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги ҳоллари ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги;

- товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжаларнинг алмаштирилганлиги, сохталашти- рилганлиги ёки йўқ қилинганлиги;

- ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги.

Жаримани тўлаганлик солиқ тўловчини бухгалтерия ҳисобини тиклаш мажбуриятидан озод қилмайди,

Бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Пеня ундирилиши солиқ тўловчини солиқ мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди. Юридик шахс — тадбиркорлик субъёкти ихтиёрий тугатилган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пенялар ҳисоблаш тўхтатилади. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, пеня белгиланган тартибда қўшиб ҳисобланади ҳамда ҳисоблашлар то тўхтатиб турилган бутун давр учун ундирилади.

Маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт.

Хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин календар йил тугагунига қадар мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ундиришга сабаб бўлади. Хўжалик юритувчи субъектнинг охириги ҳисобот санасидага жорий активлари суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш унга ундириладиган суммасини ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ҳисобот мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади. Жариманинг тўланиши хўжалик юритувчи субъектни

мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказишдан озод қилмайди (Ўзбекистон Республикасининг 09.12.1992йилдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги).

Назорат саволлари

1. Солиқлар ва солиққа тортиш махсус курсини ўқитишнинг зарурлиги нимада?
2. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти деганда нимани тушунасиз?
3. Солиқларнинг объектив зарурлиги нималарда кўринади?
4. Солиқларнинг хусусиятларини тушунтириб беринг.
5. Солиқ элементлари таркибига нималар киради?
6. Солиқ солиш объекти нима?
7. Солиқни қандай ундириш усуллари мавжуд?
8. Солиқ тизими нима?
9. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг қандай ривожланиш босқичлари мавжуд?
10. Ҳозирги кунда қандай солиқлар ва бошқа мажбурий тоМовлар мавжуд?
11. Солиқ сиёсатининг қандай йўналишлари мавжуд?
12. Солиқ кодексининг аҳамияти нимада?
13. Солиқ тўловчилар қандай ҳуқуқларга эга?
14. Солиқ тўловчилар қандай мажбуриятларга эга?

\

Маъруза 2. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ (2-соат)

Режа:

1. Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва бюджет даромадларида тутган урни.
2. Фойда солиғи тўловчилари
3. Солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, жами даромад таркиби
4. Жами даромаднинг таркиби
5. Жами даромаддан чегирмалар
6. Фойда солиғи ставкалари
7. Солиқдан бериладиган имтиёзлар.
8. Фойда солиғини ҳисоблаш, ҳисобот топшириш ва тўлаш муддатлари

1. Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғининг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва бюджет даромадларида тутган ўрни

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва солиқ соҳасидаги ислохатларни амалга оширишда солиқ муносабатларини такомиллаштириш солиқларнинг турлари ва уларнинг амал қилиш механизмини илмий таҳлил қилиш муҳим ва долзарб муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви мамлакатда солиқлар ва солиққа тортиш билан боғлиқ муносабатларни жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан бирлигини таъминлаш, миллий кўрсаткичларни илғор ривожланган

мамлакатларнинг тажрибалари ва кўрсаткичлари билан қиёслаб олишни талаб этади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, суверен давлатнинг энг мухим хусусиятларидан бир бўлган солиқларни, бошқарув тизимини аста-секин миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда ўзлаштирмоқда. Бир неча йил давомида солиқлар иккинчи даражали иқтисодий воситадан давлатнинг жамият иқтисодий турмушига, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг хўжалик юритиш тизимига таъсир ўтказишнинг қудратли омилига айланди.

Охирги йилларда жамиятимизда давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги эркинлаштириш сиёсати солиқлар тизимини ҳам ҳар томонлама эркинлаштиришга шароит яратмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохатларни чуқурлаштириш давлатнинг солиқ сиёсатига ҳам чамбарчас боғлиқдир. Солиқларни чуқур ўрганиш ва уларни такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича чуқур изланишлар олиб борилиши лозим.

Солиқлар муайян мақсадларни кўзлашдан ташқари жамиятнинг ижтимоий таркибига таъсир ўтказиш имкониятини яратади, улар воситасида аҳолининг даромадлари даражаси бошқариб турилади, кам таъминланган ва ёрдамга мухтож табақалар химояланганлари ҳолда жуда кўп даромад олувчи табақалар даромадларининг салмоқли қисми бюджетга жалб этиб борилади.

Солиқлар тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги энг долзарб муаммолардан бўлиб, Республика иқтисодиётидаги янги ходисалар, бозор иқтисодиётига ўтиш томон йўналтирилганлиги иқтисодиётни бошқаришнинг молиявий усулларида, шу жумладан солиқлардан феолик ва омилкорлик билан фойдаланишни тақозо этади.

Солиқларнинг пайдо бўлиши давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳамда ҳозирги ўзбекистонда ижтимоий химояланган бозор иқтисодиёти шароитида давлат уни ташкилотчиси эканлигидан солиқлар ва солиққа тортиш фани давлатнинг ўта зарур бўлган хилма - хил вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ва уларга асосланади. Давлат мамлакатда яратилган ижтимоий махсулот ишлаб чиқариш уни тақсимлашнинг қонун - қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тақсимлашдаги муносабат бозор иқтисодиёти шароитида пул орқали амалга оширилганлигидан давлат уни тақсимлашни ҳам пул муносабатлари орқали, яъни солиқ, пул ва кредит орқали амалга оширади. Давлатнинг бундай фаолиятини ўрганиш - солиқлар ва солиққа тортиш фанининг диққат - марказида туради.

Бозор иқтисодиёти талаб ва тақлиф, рақобат, қиймат ва бошқа қонунлар орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти - эркин иқтисодиёт, пулли муносабатлар иқтисодиётидир. Солиқлар ҳам пул муносабатларини ифода этганлиги учун бозор иқтисодиёти таркибига киради, унинг ажралмас қисмидир.

Бозор иқтисодиёти қонунлари - солиқлар ва солиққа тортиш фанининг асосини ташкил этади. У қонунларни чуқур англамасдан туриб солиқлар ва солиққа тортиш механизмини тушуниб бўлмайди.

Бозор иқтисодиёти қонунларини ўрганиб чиқиб, давлат ялпи ички маҳсулот қийматини солиқлар орқали тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Шундай экан, давлат тўғрисидаги таълимот - давлат иқтисодиётни бошқаришда бош роль ўйнаши солиқлар ва солиққа тортиш фанининг асоси бўлади хизмат килади. Давлат бозор иқтисодиётини бошқаришда етакчилик, бошқарувчилик ролини ўйнайди. Давлат солиқларни иқтисодий моҳияти ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, уни амалиётга тадбиқ қилишни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикасида юридик шахслардан ундириладиган даромад (фойда) солиғи бўйича солиққа тортиш системанинг ривожланишини 1991 йилдан шу кунга қадар назар ташлайдиган бўлсак қуйидагиларни кузатиш мумкин бўлади:

- умумий тартибда барча солиқ тўловчилар учун даромадларни ҳисобга олиш усули жорий қилинди;
- солиқ ставкаси 37 фоиздан то 7,5 фоизгача туширилди;
- солиқ тўловчилар мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиққа тортиш усуллари қўллаш ҳуқуқига эга бўлдилар;
- чет эллик юридик шахсларни солиққа тортиш тартиби аниқланди, бунда уларни резидентлик ва доимий муассаса хусусиятларига қараб бўлиб чиқилди;
- «Солиқ тўловчининг идентификация рақами», «лизинг», «шубхали қарзлар» ва шунга ўхшаш кўпгана тушунчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари 1991 йилга қадар асосан давлат корхоналари фойдасидан ажратиладиган ажратмалар ҳисобидан шаклланади. Ушбу фойдадан ажратма давлат томонидан белгиланган мажбурий тўлов бўлиб, у корхоналар баланс фойдасининг 90 фоизгача бўлган қисмини бюджетга олиб кетар эди. Қолган маблағлар эса корхона томонидан эмас, балки юқори ташкилот топшириғига кўра тегишли фондларга тақсимланади.

Республикаимиз маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтиши туфайли мамлакатимиз ҳўжалик турмушида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Натижада мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши, корхоналарнинг имкониятини ошиши, бозор инфраструктураси ривожланиши билан мажбурий ажратмаларнинг аввалги тизими корхоналарнинг ҳўжалик юритиш самарадорлигини таъминлай олмай қолди ҳамда улар бевосита ва билвосита инвестиция дастурларига тўсқинлик қила бошлади. Чунки, фойдадан ажратма ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра фақат давлат корхоналари фойдасидан ажратилиши лозим эди.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан иқтисодиётни солиқлар ёрдамида тартибга солиш хусусан, фойдадан ажратмалар ўрнига даромад

солиғини жорий этиш зарурати пайдо бўлди ва 1992 йилдан бошлаб барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар “Даромад” солиғини тўлашга ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси рубл минтақасида қолиб турган вақтда даромад солиғини олишга ўтиш пул кадрсизланиши туфайли иш ҳақи ўсишини чеклаш учун давлат томонидан мажбурий чора бўлди. Бундай шароитда ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволи ёмонлаша бошлади. Натижада маҳсулотга талаб пасайиб, сотишдан олинган тушум ҳажми камайгани ҳолда, улар ўз ишлаб чиқаришлари йўналишини ўзгартиришга, фойда олмасалар ҳам жуда катта миқдорда ишчиларга иш ҳақи тўлашга мажбур бўлдилар. Бундай ҳолатда амалиётда корхоналар ҳисобот даврида фойда билан фаолиятларини якунламасада даромад солиғини иш ҳақи фондидан белгиланган ставкада тўлашга мажбур эдилар.

1995 йил январ ойидан бошлаб солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ жорий этилди. 2008 йил 1 январдан кучга кирган Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи умумдавлат солиқлари таркибига кириб, у давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий манбалардан бири ҳисобланади.

2. Фойда солиғи тўловчилари

Юридик шахслар даромадларидан ундириладиган солиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Фойда солиғи тўловчи юридик шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Қуйидагилар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўловчилар бўлмайди:

- нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда нотижорат ташкилотлар ўзи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдадан солиқ тўловчи бўлади;

- солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

2. Солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, жами даромад таркиби.

Солиқ солиш объекти

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон

Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси;

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Солиқ бўлимга мувофиқ чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари.

Солиқ солинадиган база

Солиқ солинадиган база жами даромад чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади.

Ўтган солиқ даврларига тегишли, жорий солиқ даврига ўтказилиши лозим бўлган зарарлар мавжуд бўлса, солиқ солинадиган база ўтказиладиган зарарлар суммасига камайтирилади.

4. Жами даромаднинг таркиби

Жами даромадга қўйидагилар қиради:

- товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар;
- бошқа даромадлар.

Солиқ тўловчининг қиймати чет эл валютасида ифодаланган даромадлари миллий валютада олинган даромадлар билан жамланган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

Қўйидагилар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун оддий ширкат шартномаси бўйича бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқиладиганда (чиқариладиганда), шунингдек тугатиладиган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланадиганда устав фондига (устав капиталига) ҳисса доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк хуқуқлар);

3) оддий ширкат шартномаси шеригининг (иштирокчисининг) шартнома шериклари (иштирокчилари) умумий мулкдаги улуши қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк хуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк хуқуқлар);

5) қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш тариқасида гаров ёки закат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк хуқуқлар) уларга бўлган мулк хуқуқи бошқа шахсга ўтадиган пайтга қадар;

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар;

9) юридик шахснинг – акциядорнинг қўшимча акциялар қиймати ёки устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш учун ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдани йўналтиришда акциялар номинал қийматининг кўпайиши тарзида олинган даромадлари;

10) нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар;

11) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

12) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топширик шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек воситачи ёки комитент ёхуд бошқа ишончли бошқарувчи учун бошқа ишончли вакил томонидан қилинган чиқимларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (пул мукофотлари бундан мустасно);

13) ижарага берувчи (лизинг берувчи) ижара (лизинг) тўловининг қисми тариқасида олган объект қийматининг қопламаси;

14) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар;

15) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, Солиқ маблағлар жами даромад таркибига киритилади ҳамда солиққа тортилади;

16) инвестор ва давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фойзалар жами даромаддан чегириб ташланади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан, шу жумладан ёрдамчи хизматлар томонидан реализация қилишдан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чегириб ташланган ҳолда олинган тушум товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган

даромаддир.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган тушум юклаб жўнатишган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Воситачилик фаолиятдан даромадлар оладиган юридик шахслар учун тушум дейилганда кўрсатилган хизматлар учун олинган лозим бўлган ҳақ суммаси тушунилади.

Узоқ муддатли контрактларни бажаришдан олинадиган даромадлар уларнинг ҳақиқатда босқичма-босқич бажарилишига тааллуқли қисмида ҳисобот даври мобайнида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли контрактнинг ҳисобот даври охирида ҳақиқатда бажарилганлиги контрактни бажаришга киришилганидан эътиборан қилинган харажатларнинг контрактни бажариш учун кетадиган харажатларнинг умумий суммасидаги солиштирма салмоғини ҳисоб-китоб қилиш асосида белгиланади.

Ҳисобот даври охиридаги даромад контракт бўйича қилинган харажатларнинг ҳисобланган солиштирма салмоғи ва жами даромад суммасининг (контракт баҳосининг) ҳосиласи сифатида аниқланади. Мазкур контракт бўйича илгари ҳисобга олинган даромадлар жорий ҳисобот даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадни аниқлашда чегириб ташланади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар (хизматлар) бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр қилиб қуриш чоғида шартномавий баҳолардан келиб чиқиб ҳақ тўлаш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган, буюртмачилар томонидан бажарилган (кўрсатилган) ва тасдиқланган ишларнинг (хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати даромадга қўшилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган баҳосидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) реализация қилинганда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул топширилганда солиқ солиш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки товарлар олинган баҳо асосида (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) аниқланади.

Бошқа даромадлар

Бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар киради, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар;
- 2) мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар;
- 3) асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага

беришдан олинадиган даромадлар;

4) текин олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;

5) инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;

6) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;

7) мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар;

8) талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар;

9) жами даромаддан илгари чегириб ташланган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинган даромадлар;

10) хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар;

11) биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар;

12) ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеня;

13) валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги ижобий фарқ, шунингдек чет эл валютасидаги операциялар бўйича олинган даромадлар;

14) дивидендлар ва фоизлар;

15) роялти;

16) товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган бошқа даромадлар.

5. Жами даромаддан чегирмалар

Солиқ солинадиган даромадни (фойдани) аниқлашда жами даромаддан қуйидаги **чегирмалар** айириб ташланади:

1) моддий харажатлар;

2) меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

3) амортизация харажатлари;

4) бошқа харажатлар;

5) Солиқ Кодекснинг 146-моддасига мувофиқ келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот давридаги харажатлар.

Солиқ тўловчининг Солиқ модданинг олтинчи қисмида кўрсатиб ўтилган харажатлари, агар улар Солиқ Кодекснинг 147-моддасида кўрсатилган чегириб ташланмайдиган бирон бир харажат таркибида ҳисобга олинса (унинг бир қисми бўлса), чегириб ташланадиган харажатлар бўлмайди.

Моддий харажатларга қуйидагилар киради:

1) хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

2) ишлаб чиқарилган ва (ёки) реализация қилинадиган товарларни ўраш ва бошқача тайёрлаш учун, шу жумладан сотув олдидан тайёрлаш учун, бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун материаллар, ускуналар ҳамда бошқа мол-мулкни таъмирлаш учун материаллар ва эҳтиёт қисмлар;

3) инвентарь, хўжалик анжомлари, амортизация қилинадиган мол-мулк бўлмаган бошқа мол-мулк;

4) солиқ тўловчининг технологик, транспорт, бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланадиган барча турдаги ёкилғи, энергия, шу жумладан солиқ тўловчининг ўзи томонидан ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик эҳтиёжлари учун барча турдаги энергияни ҳосил қилиш, биноларни иситиш, шунингдек энергияни бир шаклдан ўзга шаклга ўтказиш ва узатиш харажатлари;

5) ерларни рекультивация қилиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг бошқа тадбирлари учун харажатлар;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар доирасида сув хўжалиги тизимларидан солиқ тўловчилар томонидан истеъмол қилинадиган сув учун тўлов;

7) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли орган ёки солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалар доирасида ишлаб чиқариш ва (ёки) ташиш чоғидаги технологик йўқотишлар;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли орган ёки солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган табиий камайиш нормалари доирасида товар-моддий захираларни сақлаш ҳамда ташиш чоғидаги йўқотишлар ва бузилишлар.

Моддий харажатларга киритиладиган товар-моддий захираларнинг қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Агар етказиб берувчидан қабул қилинган қайтариладиган тара қиймати олинган товар-моддий захиралар нархига қўшилган бўлса, қайтариладиган тара қиймати уларнинг эҳтимол тутилган фойдаланилиши ёки уларни реализация қилиш нархи бўйича уларни сотиб олиш учун қилинган харажатларнинг умумий суммасидан чиқариб ташланади. Маҳсулот етказиб берувчидан товар-моддий захиралар билан қабул қилинган ҳамда қайтарилмайдиган тара ва ўров идишлари қиймати уларни сотиб олиш харажатлари суммасига киритилади. Тарани қайтариладиган ёки қайтарилмайдиган тара жумласига киритиш товар-моддий захираларни сотиб олиш шартномаси (контракти) шартлари билан белгиланади.

Моддий харажатлар суммаси қайтариладиган чиқиндилар қийматига камайитирилади. Солиқ модданинг қўлланилиши мақсадида қайтариладиган чиқиндилар деганда хом ашё (материаллар), ярим тайёр маҳсулотлар, иссиқлик берувчи ва бошқа турдаги моддий ресурсларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган, бошланғич ресурсларнинг истеъмолбоплик хусусиятларини (кимёвий ёки физик хоссаларини) қисман йўқотган ва шу туфайли харажатлар ошиб кетган (маҳсулот чиқиши камайиб кетган) ҳолда фойдаланиладиган ёки белгиланган мақсади бўйича фойдаланилмайдиган қолдиқлари тушунилади.

Товар-моддий захираларнинг технология жараёнига мувофиқ бошқа бўлинмаларга бошқа турдаги товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш учун тўлақонли хом ашё (материаллар) сифатида ўтказиладиган

колдиқлари, шунингдек технология жараёнини амалга ошириш натижасида олинадиган қўшимча (йўл-йўлакай олинган) маҳсулот қайтариладиган чиқиндилар жумласига кирмайди.

Қайтариладиган чиқиндилар қуйидаги тартибда баҳоланади:

агар бу чиқиндилардан асосий ёки ёрдамчи ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлсаю, лекин бунда харажатлар ошиб кетса (тайёр маҳсулот чиқиши камайиб кетса), эҳтимол тутилган фойдаланиш нархида;

агар бу чиқиндилар четга реализация қилинса, реализация қилиш нархида.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидагилар киради:

1) ҳақиқатда бажарилган иш учун, солиқ тўловчида қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган иш ҳақи;

2) касб маҳорати, мураббийлик, илмий даража, фахрий унвон учун тариф ставкалари ва маошларга устамалар;

3) иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ устамалар ҳамда қўшимча тўловлар, шу жумладан:

а) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкалари ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

б) кўп сменали режимда ишлаганлик, бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик ва муайян лавозимда вақтинча ишлаб турганлик, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирганлик учун устамалар;

в) оғир, зарарли, ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат шароитларида ҳамда табиий иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойларда ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақиға қўшиладиган устамалар;

г) алоқа, темир йўл, дарё, автомобиль транспорти ходимларининг ва доимий иши йўлда кечадиган ёки кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган ходимларнинг иш ҳақиға, солиқ тўловчининг жойлашган еридан жўнаб кетиш пайтидан у ерга қайтиб келиш пайтигача йўлдаги ҳар бир сутка учун тўланадиган устамалар;

д) қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда вахта усулида ишларни бажаришда бевосита банд бўлган ходимларга ҳаракатланиш ва жойдан жойга кўчиб юриш хусусиятига эга бўлган ишлар учун устама;

е) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг тўкинди уюмдан (отвалдан) ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

ж) меҳнатга ҳақ тўлашни ҳудудий жиҳатдан тартибга солиш, шу жумладан ҳудудий коэффициентлар ҳамда чўл, сувсиз ва баланд тоғли

худудларда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ишлар учун коэффициентлар билан боғлиқ тўловлар;

з) солиқ тўловчи жойлашган ердан (йиғилиш пунктдан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган (ишлар вахта усулида бажарилганда) йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдорида тўланадиган суммалар;

и) ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганликлари муносабати билан уларга бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

4) ишланмаган вақт учун тўланадиган ҳақ:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътиллارга ҳақ тўлаш, шунингдек улардан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда компенсациялар тўлаш, ўсмирларнинг имтиёзли соатларига, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

б) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитларида ишлаганлик учун айрим тармоқларнинг ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган қўшимча таътилларга ҳақ тўлаш;

в) оналар болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга ҳақ тўлаш;

г) асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга тўловлар;

д) донор ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

е) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;

ж) бошқа юридик шахслардан аввалги иш жойи бўйича мансаб маоши миқдорлари маълум бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда ишга олинган, шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турганда ходимларга маошлардаги фарқни тўлаш;

з) ходимнинг айби билан юз бермаган бекор туриб қолишлар, яроқсиз маҳсулот учун ҳақ тўлаш;

и) ходимларга малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқиган вақтларида асосий иш жойи бўйича иш ҳақи тўлаш харажатлари;

к) меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки солиқ тўловчининг қарорига биноан мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

л) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти

ёшга тўлмаган ногирон боласи бўлган аёлларга берилган қўшимча таътилга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўлаш;

м) вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ тўлаш;

н) касб касалликлари билан боғлиқ нафақалар тўлаш;

5) рағбатлантириш тусидаги қуйидаги тўловлар:

солиқ тўловчининг мукофотлаш тўғрисидаги низомларида назарда тутилган тўловлар;

йиллик иш якунлари бўйича тақдирлаш, кўп йил ишлаганлик учун тақдирлаш ва тўловлар;

6) солиқ тўловчининг штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар, шу жумладан агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб солиқ тўловчи томонидан амалга оширилса, пудрат шартномаси бўйича ишлар бажарганлиги учун ҳақ тўлаш;

7) ногиронларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча тўловлар;

8) қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул бериладиган, шахсий фойдаланишда қоладиган буюмларнинг (шу жумладан формали кийим-бош, махсус овқатланиш) қиймати ёки улар пасайтирилган нархларда сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси;

9) ходим билан меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий ёрдам сифатида бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар.

Амортизация харажатлари

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олинадиган асосий воситалар ва номоддий активлар Солиқ модданинг қўлланилиши мақсадида амортизация қилинадиган мол-мулк деб эътироф этилади.

Қуйидагилар амортизация қилинмайди:

1) ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

2) маҳсулдор чорва моллари;

3) кутубхона фонди;

4) музей қимматликлари;

5) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар;

6) архитектура ёдгорликлари;

7) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлақлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфидаги бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

8) қиймати илгари тўлиқ чегирилган мол-мулк;

9) асосий воситалар ва номоддий активлар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар.

Солиқ солиш мақсадида амортизация қилиниши керак бўлган мол-

мулк амортизациянинг қуйидаги энг юқори нормалари билан гуруҳларга тақсимланади:

Бошқа харажатларга қуйидагилар киради:

1) солиқ тўловчининг фаолиятини амалга ошириш учун чет юридик ёки жисмоний шахслар бажарган ишлар ва хизматлар қиймати, буларга қуйидагилар киради:

маҳсулот ишлаб чиқариш (тайёрлаш) бўйича айрим операцияларни бажариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, хом ашёга (материалларга) ишлов бериш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий воситаларга техник хизмат кўрсатиш ва бошқа шу каби ишлар;

чет юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт хизматлари;

ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш учун ёки солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажариш учун чет юридик шахслар томонидан ходимларни (техник персонални) тақдим этишга доир хизматлар учун харажатлари;

2) асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ҳамда буткул таъмирлаш харажатлари). Асосий воситаларни капитал таъмирлашни амалга ошириш харажатларининг бир маромда киритиб борилишини таъминлаш учун солиқ тўловчи асосий воситаларнинг келгуси таъмирланиши учун белгиланган тартибда захиралар ташкил этишга ҳақли;

3) ижара тўловлари, шунингдек ижарага олинган асосий воситаларни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар;

4) консервацияга қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари);

5) маҳсулотни сертификатлаштириш, лицензияларга ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларга ҳақ тўлаш харажатлари, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

6) маҳсулотни сотиш бозорларини ўрганиш харажатлари;

7) инвентарни, хўжалик анжомларини ва махсус иш кийимларини ювиш, тузатиш ҳамда дезинфекция қилиш харажатлари суммаси ёки уларга тўланган ҳақ;

8) қатъий ҳисоботдаги бланкларни, қвитанқиялар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш харажатлари суммаси ёки уларни олиш учун тўланган ҳақ;

9) тушумни инкассация қилиш харажатлари;

10) реклама учун харажатлар;

11) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини киритган ҳолда маҳсулотни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш тушуми ҳажмининг бир фоизи доирасида вакиллик харажатлари. Вакиллик харажатларига солиқ тўловчининг ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш ёки уни сақлаб туриш, шунингдек солиқ тўловчининг бошқарув ва назорат органлари мажлисларига келган иштирокчиларни қабул қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш мақсадларида

киладиган харажатлари киради. Бу харажатлар мазкур шахсларнинг расмий қабулини ўтказиш, уларни транспорт билан таъминлаш, музокаралар вақтида буфет (фуршет) хизмати кўрсатиш харажатлари, зиёфатлар ва бўш вақтни ташкил этиш, солиқ тўловчининг штатида турмаган таржимонлар хизматида ҳақ тўлаш харажатларидир;

12) кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли таъмирлаш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

13) телекоммуникациялар ва почта хизматлари учун тўланадиган ҳақ;

14) хизмат сафарлари учун харажатлар:

а) тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафарлари жойига бориш ва қайтиб келиш учун ҳақиқатда қилинган харажатлар, шу жумладан жойни банд қилиб қўйиш ҳақи. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, харажатлар темир йўл транспортидаги (ёки агар темир йўл алоқаси бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, лекин авиачипта қийматининг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириб ташланади;

б) Ўзбекистон Республикаси доирасида тасдиқловчи ҳужжатлар асосида жойни ижарага олиш учун ҳақиқатда қилинган харажатлар, шу жумладан жойни банд қилиб қўйиш харажатлари. Яшаганликни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса, мазкур харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида чегириб ташланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқилганда жойни ижарага олиш учун қилинган харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида чегирилади;

в) хизмат сафарида бўлинган вақт учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

г) қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа харажатлар;

15) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган компенсация тўловлари;

16) солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этиладиган бошқа шаҳарлик, чет эллик мутахассисларни ишга таклиф қилиш билан боғлиқ харажатлар;

17) агар Солиқ Кодекс 147-моддасининг 7-бандида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, аудиторлик текширувлари бўйича харажатлар;

18) маслаҳат, ахборот хизматларига, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва қайта тиклаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш;

19) банк ва депозитарий хизматларига ҳақ тўлаш;

20) солиқ тўловчининг фаолиятида зарур бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари;

21) қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ҳамда солиқ тўловчининг харажатларига киритиладиган бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар;

22) халқаро ташкилотларга тўланадиган бадаллар, агар бундай бадалларни тўлаш солиқ тўловчи фаолиятни амалга ошириши учун ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига биноан мажбурий шарт

бўлса;

23) меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш, техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши ва соқчилик муҳофазасини ҳамда техникавий фойдаланиш қоидаларида назарда тутилган бошқа махсус талабларни таъминлаш харажатлари;

24) лицензия битимларига кўра ҳуқуқ эгаси билан шартнома бўйича электрон-ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базалари дастурларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш билан боғлиқ харажатлар. Мазкур харажатларга электрон-ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базалари учун дастурларни янгилашга доир харажатлар ҳам киради;

25) интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлардан ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалардан (хусусан, ихтироларга, саноат намуналарига ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларига бўлган патентлардан юзага келадиган ҳуқуқлардан) фойдаланганлик учун даврий (жорий) тўловлар;

26) бухгалтерия ҳисоботини эълон қилиш, шунингдек бошқа ахборотни, агар қонун ҳужжатларида уларни эълон қилишни (ошкор қилишни) амалга ошириш мажбурияти солиқ тўловчининг зиммасига юкланган бўлса, эълон қилиш ва бошқача тарзда ошкор қилиш харажатлари;

27) ходимнинг меҳнатда жароҳатланиши ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ходим оила аъзосининг вафоти муносабати билан бериладиган ёки ходимнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига бериладиган моддий ёрдам;

28) қонун ҳужжатларига мувофиқ болани икки ёшга тўлгунига қадар парваришлаш бўйича ҳар ойлик нафақани тўлаш харажатлари;

29) қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ташкил этилиши, ходимлар (штатлар) сонининг қисқариши муносабати билан озод этиладиган ходимларга тўловлар;

30) тиббий ёрдам пунктини сақлаб туриш харажатлари, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказганлик ва профилактика тадбирлари учун тиббиёт муассасаларига тўланадиган ҳақ;

31) соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, соғломлаштириш оромгоҳлари, маданият ҳамда спорт объектлари, халқ таълими объектлари, шунингдек, уй-жой фонди объектлари таъминотига доир харажатлар (шу жумладан, амортизация ажратмалари ва барча турдаги таъмирлаш ишларини ўтказиш харажатлари);

32) ихтиёрий суғурта учун маҳсулотни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан қўшилган қиймат солиғи ва Акциз солиғини қўшган ҳолда тушган тушум ҳажмининг 2 фоизи доирасидаги ажратмалар, Солиқ модданинг 33-бандида назарда тутилган суғурта мукофотлари суммалари бундан мустасно;

33) мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари суммалари;

34) суғуртанинг мажбурий турларига ажратмалар;

35) атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни

жойлаштирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида компенсация тўловлари;

36) фаолият билан боғлиқ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари учун харажатлар, бундан асосий воситаларни сотиб олиш, уларни ўрнатиш ҳамда капитал тусдаги бошқа харажатлар мустасно. Лойиҳа-смета ҳужжатлари, бажарилган ишлар далолатномаси ва тегишли илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, изланиш ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари ўтказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар бундай харажатларни чегирмалар жумласига киритиш учун асос бўлади;

37) ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик, раціонализаторлик, тажриба-экспериментал ишларини ўтказиш, ихтирочилик ва раціонализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ҳамда уларни синаш, ихтирочилик ва раціонализаторлик бўйича кўргазмалар ва кўриklar, танловлар ташкил этиш, ихтирочилик ва раціонализаторлик бўйича бошқа тадбирлар, муаллифлик ҳақини тўлаш, янги технологиялар яратиш ҳамда қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш, янги турдаги хом ашё ва материалларни яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш харажатлари;

38) солиқ тўловчи томонидан геологик тадқиқотлар ва табиий ресурсларни қазиб олиш бўйича тайёргарлик ишлари учун амалга оширилган, жами даромаддан кейинги йиллар мобайнида бир маромда йилига 15 фоиздан ошмаган миқдорда чегириб ташланадиган харажатлар;

39) қазиб олувчи тармоқларда харажатларни қоплашнинг белгиланган муддати мобайнида тенг равишда ишлаб чиқариш таннархига ёки қазиб олинган маҳсулотнинг ҳажмига ва миқдorigа мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариладиган тайёргарлик ишларига доир харажатлар;

40) зарарлар ва йўқотишлар:

а) бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича;

б) тара билан боғлиқ операциялар бўйича;

в) умидсиз қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, бундан шубҳали қарзлар бўйича ташкил этилган захира ҳисобига ҳисобдан чиқариш мустасно;

г) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги операциялар бўйича харажатлар ва зарарлар, бундан Солиқ Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар ва зарарлар мустасно;

д) табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ҳамда бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи оқибатидаги йўқотишлар ва бошқалар) туфайли кўрилган ўрни қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан табиий офатлар оқибатларини олдини олиш ёки уларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида мол-мулкни бепул топширишдан кўрилган зарарлар, шунингдек телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини

бепул топширишдан ҳамда улардан бепул фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишдан кўрилган зарарлар;

ж) уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситаларни реализация қилишдан кўрилган зарарлар;

з) асосий воситаларни ҳар йили амалга ошириладиган қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган илгариги қўшимча баҳолашдан (баҳонинг арзонлаштирилган суммасидан) олинадиган ўсишдан ортадиган баҳони арзонлаштириш суммаси;

и) яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар;

к) ички ишлаб чиқариш сабабларига кўра бекор туриб қолишлардан кўрилган йўқотишлар;

л) ташқи сабабларга кўра (юримдик шахсинг айбисиз) бекор туриб қолишлардан кўрилган, айбдорлар томонидан компенсация қилинмайдиган йўқотишлар;

41) кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар, бундан инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестициялар учун олинган кредитлар ва заёмлар бўйича фоизлар мустасно;

42) кредит шартномасида назарда тутилган ставкалар доирасида муддати ўтган ва узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар, бундан инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестициялар учун олинган кредитлар ва заёмлар бўйича фоизлар мустасно;

43) валюта ҳисобварақлари, шунингдек чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги салбий фарқ, бу фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳолларда жами даромаддан чегириб ташланади:

чет эл валютаси мулк ҳуқуқининг Солиқ чет эл валютасига ўтиши санасидаги ҳолатга кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан паст нархда сотилганда;

чет эл валютаси мулк ҳуқуқининг Солиқ чет эл валютасига ўтиши санасидаги ҳолатга кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан юқори нархда сотиб олинганда;

чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан тегишли ҳисобот даври учун баланснинг валюта моддалари қайта баҳоланганда.

Товарларга (ишларга, хизматларга) чет эл валютасида баҳо белгилайдиган, бироқ ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган санадан Солиқ товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувчи салбий фарқ товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўланган санадаги ҳолатга кўра жами даромаддан чегириб ташланади;

44) ўзининг қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;

45) молиявий ижара, шу жумладан лизинг бўйича ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади бўлган маблағларни

тўлашга доир харажатлар;

46) солиқ тўловчи томонидан чиқарилган облигациялар ва бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизлар тарзидаги харажатлар;

47) фавқулодда зарарлар. Фавқулодда зарарлар – солиқ тўловчиларнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқувчи воқеалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатларнинг моддаларидир. У ёки бу модда фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

юридик шахснинг одатдаги хўжалик фаолияти учун хос бўлмаслиги;

бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги;

48) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассислари (иштирокчилари) томонидан унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтирилаётган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда Солиқ маблағлар чегириб ташланадиган харажатлар сифатида қаралмайди.

6. Фойда солиғи ставкалари

Юридик шахснинг солиққа тортиш даромади (фойдаси) энг юқори ўттиз беш фоиз солиқ ставкасида солиққа тортилиши лозим.

Қуйидаги жадвал маълумотларида 2015 йилда юридик шахсларнинг фойдасига солиқ ставкалари келтирилган.

Юридик шахслар фойдасига солинадигна солиқ СТАВКАЛАРИ⁴

	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан %да солиқ ставкалари
	Юридик шахслар (2-3 бандлардагидан ташқари)	7,5
	Тижорат банклари	15
	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шунингдек, норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли қарори.

	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (иш, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспорт қилувчи корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 12 октябрдаги ПФ-1871 сони фармони билан тасдиқланган хом-ашё товарлари рўйхатидагилар бундан истисно):	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30% га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50% га пасайтирилади
	1-бандда кўрсатилган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўллаб ҳақ тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 5% га пасайтирилади

7. Солиқдан бериладиган имтиёзлар

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод қилинади:

2) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устаноналари;

3) жазони ижро этиш муассасалари;

4) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари.

Юридик шахсларнинг қуйидаги фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:

1) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси;

2) шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси;

3) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси;

4) инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган фойдаси;

5) Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси.

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун юридик шахслардан олинадиган фойда

солиғи суммаси Солиқ қисмда белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси бир фоиз камайтириладиган ҳисоб-китоб асосида камайтирилади.

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси қуйидаги суммага камайтирилади:

1) экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, ҳомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг **икки фоизидан** кўп бўлмаган миқдорда;

(159-модданинг биринчи қисми **2-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан **чиқарилган** — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)

3) ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар қилинган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинади. Ушбу имтиёз товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади;

(159-модда биринчи қисмининг **3-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

(159-модда биринчи қисмининг **4-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан **чиқарилган** — ЎР ҚХТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

5) ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда;

6) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий

партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига.

7) қўшимча фойда солиғини тўловчилар учун соф қўшимча фойда суммасига;

(159-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан 7-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

(159-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)

- ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан купрогини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидаги тарзда: белгиланган меъёрдан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи 1фоиз камайтирилади.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар учун даромад (фойда) солиғининг шартли ҳисоб-китоби

	Ходимларнинг умумий сони	25 киши
	Шу жумладан: ногиронлар	7 киши
	Ходимларнинг умумий сонидан ногиронлар фоизи	28 фоиз
	Ишга жойлаштирилган ногиронларнинг белгиланган меъёри	3 фоиз
	Белгиланган меъёрдан ошиш (28% - 3%)	25 фоиз
	Ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси	100 минг сўм
	Имтиёзни ҳисобга олганда солиқ суммаси $100 - [(100 \times 25) : 100]$	

- «Умид» жамғармаси дастурларини молиялашга йўналтириладиган маблағлар суммасига.

ВМнинг 2003 йил 12 сентябр 395-сонли Қарорига мувофиқ 2006 йил 1 январгача бўлган даврда пудрат қурилиш ташкилотларининг улар томонидан қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналар сотиб олишга йўналтириладиган маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базадан чиқарилиб ташланади.

ЎЗР Президентининг 21.05.2004 й. ПФ-3431-сонли Фармойишига мувофиқ хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар 2004-2009 йиллар давомида мақсадли равишда мактаб таълимини ривожлантириш Дастурини молиялаштириш учун бадаллар ажратса, у ҳолда улар даромад (фойда) солиғининг солиққа тортиш базаси Солиқ суммага қисқартирилади.

Даромад (фойда) солиғининг солиққа тортиш базасини қисқартириш бўйича имтиёз қўлланилиши учун корхона томонидан мактаб таълимини

ривожлантириш Дастурини молиялаштириш учун йўналтирилган бадаллар ҳақида маълумотнома тақдим этиши лозим.

Юридик шахсларнинг сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш ва уни қўллаб қувватлаш бўйича сарф қилинган инвестиция суммаси даромад (фойда) солиғининг солиққа тортиш базасини қонунда белгиланган тартибда қисқартиради (ВМнинг 22.07.2004 й. 349-сонли Қарори).

8. Фойда солиғини ҳисоблаш, ҳисобот топшириш ва тўлаш муддатлари

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекснинг 128-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳисоб-китоби, агар ушбу моддада бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари доимий муассаса жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятининг хусусияти ҳақидаги ҳисоботни (эркин шаклда), шунингдек юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳисоб-китобини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун йиллик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда

тақдим этади. Бунда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳисоб-китобида бюджетга тўланадиган соф фойдадан олинadиган солиқ суммаси алоҳида сатрда кўрсатилади. Фаолият календарь йил тугашидан аввал тугатилган тақдирда, бу ҳужжатлар фаолият тугатилганидан кейин бир ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши шарт.

Ҳисобот даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини жорий тўловларни киритиш орқали тўлайдилар, Солиқ модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчилар бундан мустасно.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойининг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми

миқдорида тўланади.

(164-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)

Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг **икки юз бараваридан кам миқдорни** ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини, шунингдек соф фойдадан олинадиган солиқни жорий тўловларни тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидадан кейин бир ой ичида тўлайди.

200__йил _____чорагига тахмин қилинаётган
даромад (фойда)дан келиб чиққан ҳолда бюджетга
солиқнинг жорий тўловлари тўғрисида
маълумотнома

	Кўрсаткич номи	Минг сўм
	Чорак учун даромад (фойда)нинг тахлил қилинаётган суммаси	
	Солиқ ставкаси	
	Бюджетга тўланадиган даромад (фойда) солига суммаси	

Даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоби
200__йил _____учун

	Кўрсаткичлар	атр	С умма
	Фойда солиғи тўланишигача молиявий натижа «Молиявий натижалар ҳисоботи» 2-шаклнинг 240-сатри)	10	
	Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга кўра солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар	20	

	(1-илова)		
	Мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган харажатлар («...харажатларнинг таркиби...» Низомининг 2-иловасига асосан 9440 ҳисобварақда ҳисобга олинган харажатлар)	30	
	Мазкур ҳисобот даври учун солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланадиган, илгари қилинган харажатлар (010-баланс орти ҳисобварақ бўйича махсус ҳисоб-китоб илова қилинади)	40	
	Солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар (сатр.030 — сатр.040)	50	
	Акциялар ва бошқа қимматли қогозлар бўйича дивидендлар	60	
	Солиқ солинадиган даромад (фойда) (сатр.ОЮ Қ сатр.020 Қ сатр.050 — сатр.060)	70	
	Солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг камайиши (имтиёз бўйича маълумот илова қилинади)	80	
	Имтиёзларни ҳисобга олганда солиқ солинадиган қаромад (фойда) (сатр.070 - сатр.080)	90	
	Даромад (фойда) солиғининг белгиланган ставкаси	00	%
	Даромад (фойда) солиғининг тузатилган ставкаси (ҳисоб-китоб илова қилинади)	10	
0	Бюджетга тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси: (сатр.090 х сатр.ПО : 100%)	20	
1	Бюджетга ҳисоблаб ёзилди	30	
2	Муддат бўйича қўшимча ҳисоблаб ёзилди	40	
3	Камайтиришга	50	

Солиқни ҳисоблаш жадвалини тўлдиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

- даромад (фойда) солиғини тўлашдан аввал молиявий натижага — 2-шакл 240-сатр — солиқ қонунчилигига асосан солиқ солиш базасидан чиқарилиб ташланмайдиган харажатларни қўшиш лозим; «...харажатларнинг таркиби...» Низомининг 1 ва 2-иловаларига асосан;

- дивиденд ва фоизларни солиқ солиш даромадидан чиқариб ташлаш лозим, чунки бундай даромадлар бўйича даромад солиғи тўлов манбаида ушлаб қолинган;

- ҳисоблаб аниқланган солиқ солиш даромадига солиқ солиш базасини камайтириш учун белгиланган имтиёзларни (хайрия ва шунга ўхшаш жамғармаларга, инвестициялар ва бошқалар) қўллаш;
- имтиёзларни ҳисобга олиб аниқланган солиқ солиш даромадига белгиланган ёки тўғриланган солиқ ставкаси қўлланилади. Тўғриланган солиқ ставкаси имтиёз сифатида қўлланилади, масалан, корхона рўйхатдан ўтганига биринчи икки йил бўлган бўлса, экспорт билан шуғулланадиган корхона бўлса ва кўпгина бошқа ҳолатлар.

Юридик шахс тугатилган таққирда солиқ органи солиқ тўловчидан камроқ бўлган давр учун ҳисоботлар, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишни ёзма хабарнома топшириш йўли билан талаб қилиши мумкин бўлади, Солиқ хабарномада бунинг сабаби ва ҳисоботлар, даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоб-китоблар қачон ва қайси давр учун тақдим этилиши лозимлиги кўрсатилади.

Белгиланган тартибда юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганида тугатиш комиссияси (тугатувчи) беш кун ичида бу ҳақда давлат солиқ хизмати органларига ёзма равишда хабар қилади.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан сўнг ўн беш кун давомида солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларига даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт.

Имтиёзлар татбиқ этилмайдиган экспорт хом ашё товарларининг РЎЙХАТИ

	Товарлар номи	ТИФ ТИ бўйича коди
	Тахта толаси	5201, 5203
	Ип калава	5205, 5206
	Тахта линти	1404 20 000
	Хом нефть, газ конденсати, нефть маҳсулотлари	270900, 270900100, 2710 (271000330, 271000350, 271000590 дан ташқари)
	Габиий газ	2711 21 000
	Электр энсргия	271600000
	Қимматбаҳо металллар	7106,7108,7110,7112
	Рангли металллар, рангли металллар прокати, эангли металллар парчалари ва синиқлари	7401, 7402, 7404-7406, 7501-7504, (7601-7603 760120900 дан ташқари), 7801-7802 (780110000 дан ташқари), 780420000, 7902-7903, 8001-8002, 810191900, 810291900, 810310-810310900, 810411000-810430000,810510-810510900, 810600100, 810710000, 810810-810810900, 810910-810910900, 811000-811000190, 811100-811100190,811211000, 811220-811220390, 811230-811230100, 811240-811240190, 811291

Қора металл, қора металл прокати ва синиқлари	7201-7213 (721310000, 721331000 дан ташқари), 7214 (721420000, 721440 дан ташқари), 7215, 7216) (721610000, 721621000, 721622000, 721650100 дан ташқари), 7217-7229
---	---

Юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга тўлаш манбаида 10 фоиз ставкаси бўйича солиқ солинади.

Даромад (фойда) солиғини тўлов манбаида ушлаб қолиш

Юридик шахслардан тўлов манбаида олинадиган фойда солиғи белгиланган ставкаларни чегирмаларни амалга оширмасдан тўланадиган даромад суммасига нисбатан қўллаш орқали ҳисоблаб чиқарилади.

Агар ушбу Кодекснинг 155¹ -моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, юридик шахслардан тўлов манбаида олинадиган фойда солиғини юридик шахслар қуйидагиларни тўлаш пайтида ушлаб қолиши шарт:

(165-модданинг иккинчи қисми биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)

дивидендлар ва фоизларни;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларига даромадларни.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун жавобгарлик даромадни тўлаш манбаи, шунингдек ушбу Кодексга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентларига даромад тўловчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари зиммасида бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган шахслар:

1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини Ўзбекистон Республикаси норезидентларига дивидендлар, фоизлар ва тўловларни тўлаш санасидан кечиктирмай бюджетга ўтказиши. Банклар Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмай бюджетга ўтказди;

(165-модда тўртинчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)

2) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органларига тўлов амалга оширилган ҳисобот даври тугагандан кейин йигирма беш кундан кечиктирмай тақдим этиши;

3) давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги, бу шахсларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақами, уларнинг номи, даромадининг умумий суммаси ва

солиқ даври учун ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани солиқ даври тугаганидан кейин ўттиз кун ичида тақдим этиши;

4) даромад олувчи шахсларга уларнинг талабига биноан, даромад суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт.

Солиққа тортиш даромадини аниқлаш

Солиққа тортиш даромадини аниқлашда 1999 йил 5 февралдага **«Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш пиринчи тўғрисида»ги Низом** асосида олиб борилади ва мазкур Низом маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларқни аниқлашнинг ягона методологак асосларини белгилайди.

Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Тафовутнинг бўлишига асосий сабаб, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигани аниқдаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади ҳисобланади. Солиқ органларини одатда, корхонанинг бухгалтерия ҳисоби натижасида олган даромади эмас, балки уларни солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқлаш қизиқтиради.

Шу билан бирга, бирламчи ҳисоб ҳужжатлари агарда улар «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида (9-модда) белгиланган шаклда ва тегишли реквизитларни ўз ичига олган бўлса ҳисобга олиниши мумкин.

Бирламчи ҳисобот ҳужжатни тузиш операция амалга оширилаётган вақшда, агарда бунинг иложи бўлмаса, унинг тамом бўлиши билан тузилиши лозим.

Ҳужжатлар билан тасдиқланмаган харажатларни маҳсулотнинг (ишлар, аазматлар) таннархига олиб бориш мумкин эмас. Яъни ҳужжатларнинг йўқлиги ёки тўғри расмийлаштирилмагани қилинган харажатларни маҳсулот таннархига олиб бориш учун етарлича асос бўла олмайди деб ҳисобланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Фойда солиғини Ўзбекистонда жорий этилиш тарихи қандай?
2. Юридик шахслар фойда солиғини тўловчилари кимлар?
3. Ўзбекистон Республикасининг резидент ва норезидентлари

кимлар ва улар қандай тартибда солиққа тортилади?

4. Солиқ объекти ва солиққа тортиш базаси қандай аниқланади?

5. Жами даромад таркиби нималардан иборат?

6. Жами даромаддан чегирмалар таркиби нималардан иборат?

7. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари қайси мезонлар асосида табақалаштирилган?

8. Маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналар учун қандай ставкалар белгиланган?

9. Қандай юридик шахслар фойда солиғидан тўлиқ озод этилади?

10.Юридик шахсларнинг қандай фойдаси юридик шахслар фойда солиғини тўлашдан озод этилади?

11.Юридик шахсларнинг қандай харажатлари солиққа тортиладиган даромаддан камайтиради?

12.Фойда солиғини ҳисоблаш, ҳисобот топшириш ва тўлаш муддатлари қандай белгиланган?

Маъруза 3. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ (2-соат)

Режа:

1. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқнинг тўловчилари
2. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база
3. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркиби
4. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқнинг ставкалари.
5. Солиқдан бериладиган имтиёзлар.
6. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби
7. Даромадлар тўғрисидаги декларация асосида солиқ солиш

1. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқнинг тўловчилари

Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

Аҳолини солиққа тортиш тизимида марказий бўлиб жисмоний шахсларни даромадларини солиққа тортиш ҳисобланади. Юртимиз ва чет давлатларининг иқтисодини тарихий ривожланишида Солиқ солиқ кўпдан буен анъанавий солиқ бўлиб келмоқда. Даромад солиғи ставкасининг пасайиши (максимал солиқ ставкаси 45%дан то 23%гача туширилди) доимий равишда солиққа тортиш базасининг кенгайиши билан олиб борилмоқда, ва бу қаторда солиқ тўлаш манбасига тўлиқ асосли равишда фақат ишчи ва хизматчилардан ундириладиган даромад солишгина эмас, балки у билан бирга мулкӣ даромадлар ва тадбиркорлик фаолияти даромадлари ҳам кирмоқда.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш ЎЗР Солиқ кодекси, бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Солиқ ҳужжатларга асосан молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни тўловчилари ҳисобланади.

Барча жисмоний шахслар **солиққа тортиш мақсадида** икки тоифага бўлинади: **Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари.**

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ехуд тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида **183 кун ёки ундан кўпроқ** муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасининг резидентиги деб қаралади.

Ўзбекистон Республикасининг резидентиги бўлган жисмоний шахсларга **уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги, шунингдек ундан ташқаридаги фаолияти** манбаларидан олинган даромадлари бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикасининг **резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромадлар** бўйича солиқ солинади.

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси ҳисобланган халқаро шартномалар билан жисмоний шахслар даромадига солиқ солишнинг Ўйриқномадагидан фарқланадиган бошқача қоидалари белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартномалар қоидалари қўлланилади.

2. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари солиқ солиш объектидир:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти бўлмайди.

Солиқ солинадиган база

Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Агар солиқ тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар амалда олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

3. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади таркиби

Жисмоний шахсларнинг жами даромадига қуйидагилар киради:

- 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;
- 2) мулкӣ даромадлар;
- 3) моддий наф тарзидаги даромадлар;
- 4) бошқа даромадлар.

Юридик шахслар амалга оширадиган қуйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди:

1) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

2) касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси

аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касба уюшмаси кўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;

3) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;

4) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

5) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари;

6) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

7) хизмат сафарларидаги қуйидаги компенсация тўловлари:

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни кўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, бироқ авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда;

уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда — қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида;

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар;

8) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга

тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар);

хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари

мустасно;

дала таъминоти;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан ушбу Кодекснинг 174 ва 178-моддаларида кўрсатилганлари мустасно;

9) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбға оид меҳнат қобилятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояға етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларға қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

ҳодимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

10) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришға ҳақли бўлган меҳнатға қобилятсиз шахсларға тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришға ҳақли бўлган шахсларға бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар;

11) талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

13) мол-мулкни суғурта қилиш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолятини амалға ошириш учун лицензияға эға бўлган юридик шахсларға тўланадиган суғурта мукофотлари. Мол-мулкни суғурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан илғари бекор қилинганда ва суғурталовчи суғурта қилинувчига суғурта мукофотининг бир қисмини ёки тўлиқ қайтарса, қайтарилган суғурта мукофоти миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади;

14) юридик шахсдан — иш берувчидан:

ёш оилалар аъзолари томонидан уй-жой олиш учун олинган маблағлар;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банклар томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган ипотека кредити бўйича бошланғич бадал сифатида қурувчи шахс томонидан олинган маблағлар.

Уй-жой олинган (мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда кўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

15) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар

Меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қуйидагилар ҳам киради:

- рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тўловлар;
- компенсация тўловлари (компенсация);
- ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш.

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) йиллик иш якунлари бўйича мукофот;
- 2) юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги қонунда назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;
- 3) касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар;
- 4) таътилга қўшимча ҳақлар;
- 5) кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;
- 6) рационализаторлик таклифи учун тўлов.
- 7) меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар.

Компенсация тўловлари (компенсация)

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жумласига қуйидагилар киради:

- 1) табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);

- 2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шaroитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шaroитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақиға устамалар;

3) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

4) кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар;

5) доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларни вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақиға қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар;

6) юридик шахс жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойига ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шaroитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдорида тўланадиган суммалар;

7) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;

9) хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

10) ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганликлари муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

11) хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;

12) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар;

13) озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш.

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлашга қуйидагилар киради:

- 1) қонун ҳужжатларига мувофиқ:
 - а) йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътилдан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;
 - б) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;
 - в) ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътиллarga ҳақ тўлаш;
 - г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;
- 2) асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;
- 3) донор ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;
- 5) қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;
- 6) бошқа юридик шахслардан аввалги иш жойида лавозим бўйича маоши миқдорлари маълум бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда ишга олинган, шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш;
- 7) юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича уларга тўланадиган иш ҳақи;
- 8) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;
- 9) меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш;
- 10) қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;
- 11) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;
- 12) юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган юқори малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;
- 15) юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар;
- 16) олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга

таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафакалар;

Мулкий даромадлар

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига қуйидагилар киради:

1) фоизлар;

2) дивидендлар;

3) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

4) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар. Мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади. Мол-мулкни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкни реализация қилиш қиймати, кўчмас мулк бўйича эса, инвентаризация қиймати ҳамда реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ даромад деб эътироф этилади;

5) саноат мулки объектларига, селекция ютуғига берилган патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромади;

6) роялти;

8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.

Моддий наф тарзидаги даромадлар

Солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар, агар ушбу Кодекс 171-моддасининг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидагилардир;

1) юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;

коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

(177-модданинг биринчи қисми 1-бандининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)

санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари;

2) солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текинга, шу жумладан ҳада шартномаси асосида берилган мол-мулк, бажарилган ишлар ва

кўрсатилган хизматлар қиймати;

3) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи ва шу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган қиймати ўртасидаги салбий тафовут;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

5) жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

6) иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Солиқ тўловчи юридик шахсдан товарлар (ишлар, хизматлар) олган тақдирда, ушбу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати уларни олиш нархидан ёки таннарихидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жисмоний шахс юридик шахсдан акциз тўланадиган товарлар ёки қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) олса, бундай товарлар (ишлар, хизматлар) қийматида акциз солиғининг ва қўшилган қиймат солиғининг тегишли суммаси ҳисобга олинади.

Бошқа даромадлар

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига қуйидагилар киради:

1) пенсиялар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар;

2) стипендиялар;

3) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

4) донорлик учун пул мукофотлари;

5) алиментлар;

6) ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, ипак қурти, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

7) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулк ёки мулкӣ ҳуқуқлар қиймати;

8) мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

9) ютуқлар;

10) грант берувчидан олинган грантлар, шу жумладан чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар;

11) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

12) яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун

жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар;

13) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

14) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

15) ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

16) моддий ёрдам тариқасида:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар;

ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар;

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган тўловлар;

мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар билан юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар.

17) қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

18) ишламайдиган пенсионерларга юридик шахс томонидан тўланадиган тўловлар;

19) суғурта товони суммалари;

20) маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пул тўловлари.

4. Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари

2015 йил январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг иш ҳақлари, мукофот пуллари ва бошқа даромадлари суммалардан солиқ (агар бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, Солиқ ҳолатларни қуйида кўриб чиқамиз) қуйидаги миқдорда ундирилади:

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоригача	Даромад суммасининг 0 фоизи
Энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан (+1 сўм) беш баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан ошадиган сумманинг 8,5 фоизи

Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ, + беш бараваридан ошадиган сумманинг 17 фоизи
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоригача (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ, + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 23 фоизи

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солинади:

- баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффициентлар бўйича қўшимча тўловлар тариқасида олинган даромадларга. Бунда чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иқлим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақиға коэффициентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммаси ҳисоблаш пайтидаги ҳолатға кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида белгиланади;

- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик кишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига бундан ушбу Кодекснинг 179-моддаси 33-бандида кўрсатилган жисмоний шахсларнинг даромадлари мустасно.

мол-мулкни ижараға беришдан олинган даромадларға;

жисмоний шахслардан текин олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадларға;

жисмоний шахсларға хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадларға.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари

Жисмоний шахснинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган, даромадларига манбада чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

дивидендлар ва фоизларға — 10 фоиз;

ушбу Кодекс 155-моддаси учинчи қисмининг 9-бандига мувофиқ белгиланадиган халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинадиган даромадларға (фрахтдан олинадиган даромадларға) — 6 фоиз;

меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича олинган даромадларға, ушбу қисмнинг иккинчи

ва учинчи хатбошиларида кўрсатилмаган бошқа даромадларга — 20 фоиз.

Тўлов манбаида солиқ солиш тўлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ҳудудидан ташқарида содир этилганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

5. Солиқдан бериладиган имтиёзлар

Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

- фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари — тўлалигича;

- вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари — энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

- бошқа ҳолларда — солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

2) йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

3) ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

6) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

7) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

8) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

10) донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар;

11) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинadиган даромадлар, бундан:

- қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав
- капиталидаги) улушларини (пайларини);
- яшаш учун мўлжалланмаган жойларни;
- кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ битим тузилган тақдирда, уй-жойларни реализация қилишдан олинadиган даромадлар мустасно.

12) уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинadиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно. Мазкур даромадлар солиқ тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади;

13) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

14) юридик шахсдан солиқ даври мобайнида энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган қийматдаги:

- ходимлар натура шаклида олган совғалар;
- илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ва бошқа турлардаги

ёрдам.

15) жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно;

16) давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар;

17) жамғарма сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклардаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар;

18) халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг ҳулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан — грант олувчидан олган грант суммаси;

19) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкани сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини олиш учун йўналтириладиган суммалари, шунингдек дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондида (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Ушбу бандда назарда тутилган имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чиқиб кетилганда), мазкур мол-мулк сотилганда ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солиниши керак;

20) меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаси) мустасно, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармаларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тусидаги тўловлар;

21) олинган алиментлар;

22) фуқароларнинг суғурта товони сифатида оладиган суммалари;

23) қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

24) уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

25) давлат пенсиялари;

27) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

28) фуқароларнинг солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари;

29) юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига — юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади;

30) қуйидаги жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммалари:

- ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартирали уйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда;

- қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришни ушбу мақсадлар учун кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банкларнинг кредитлари ҳисобидан амалга ошираётган қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

Ушбу бандда кўрсатилган мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, мазкур бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

31) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари.

32) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномаси бўйича) олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадлар, агар мазкур улушлар, пайлар ва акцияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса.

33) пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган

даромадлари.

Солиқ солишдан қуйидаги жисмоний шахслар тўлиқ озод қилинади:

1) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

2) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

3) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

4) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

5) халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари — агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

6) Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар — хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича;

7) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, умумий юрисдикция судларининг ва хўжалик судларининг судьялари, шунингдек прокуратура органларининг мансаб даражаларига эга бўлган ходимлари — уларнинг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича;

8) гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар — ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

Қуйидаги жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари

миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар. Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

(180-модданинг иккинчи қисми **3-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)

(180-модданинг иккинчи қисми **4-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)

5) болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

(180-модданинг иккинчи қисми **6-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)

7) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички

ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;

(180-модданинг иккинчи қисми **8-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)

(180-модданинг иккинчи қисми **9-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)

10) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Имтиёз ҳар бир бола учун Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

11) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади;

12) болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси, биргаликда яшашга тааллуқли қисмида — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида берилади.

180 модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади. Имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар календарь йили давомида вужудга келган тақдирда, имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан қўлланилади.

Агар жисмоний шахс ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган бир нечта асос бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуққа эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта имтиёз берилади.

180 модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзни қўллаш жисмоний шахснинг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи бўлмаган тақдирда — яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади.

Имтиёзга бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, жисмоний шахс имтиёз йўқотилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида бу ҳақда ундан солиқни ушлаб қоладиган юридик шахсга маълум қилиши керак.

180 модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган имтиёзлар жисмоний шахсларнинг фоизлар ва дивидендлар тарзида олинган даромадларига, шунингдек мол-мулкни ижарага топширишдан олинган даромадларига ҳам татбиқ этилади. Агар фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёзни қўллаш асосий иш жойи бўйича амалга оширилади, агар фоизлар ва дивидендлар асосий бўлмаган иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёз жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўлланилади. Шунга ўхшаш тартиб мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Солиқ модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар календарь йили давомида вужудга келган тақдирда, имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайдан эътиборан қўлланилади.

Агар жисмоний шахс Солиқ модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган бир нечта асос бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқга эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта имтиёз берилади.

Солиқ модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзни қўллаш жисмоний шахснинг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи бўлмаган тақдирда – яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади. Имтиёзга бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, жисмоний шахс имтиёз йўқотилган пайдан эътиборан ўн беш кун ичида бу ҳақда ундан солиқни ушлаб қоладиган юридик шахсга маълум қилиши керак.

Солиқ модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган имтиёзлар жисмоний шахсларнинг фоизлар ва дивидендлар тарзида олинган даромадларига, шунингдек мол-мулкни ижарага топширишдан олинган даромадларига ҳам татбиқ этилади. Агар фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёзни қўллаш асосий иш жойи бўйича амалга оширилади, агар фоизлар ва дивидендлар асосий бўлмаган иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёз жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўлланилади. Шунга ўхшаш тартиб мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби

Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб боровчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади.

Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш Солиқ бўлимда белгиланган солиқ солинадиган

база ҳамда ставкалардан келиб чиққан ҳолда даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб боровчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Ўз ходимларига моддий ёрдам кўрсатган ва қимматбаҳо совғалар берган солиқ агентлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ даврининг охирида амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади.

Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс даромадлар тўғрисида декларация топширган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ даврининг охирида амалда бўлган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инobatга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўлов амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Солиқ Кодекснинг 179 ва 180-моддаларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ўттиз кун ичида ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан Солиқ Кодекснинг 179 ва 180-моддаларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда,

белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб боровчи якун бўйича амалга оширилади.

Агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган жисмоний шахс бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадлар тўлаётган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини Солиқ бўлимда назарда тутилган имтиёزلарни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қоладилар.

Солиқ агентлари иш ҳақи тўлаётганда жисмоний шахснинг талабига биноан унга даромадларининг суммалари ва турлари ҳақида, шунингдек жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома беришлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг якуний суммаси олинган даромадлар, қилинган харажатлар ва ушлаб қолинган солиқ суммалари тўғрисида тақдим этилган декларациянинг маълумотлари бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

7. Даромадлар тўғрисидаги декларация асосида солиқ солиш Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари қиради:

- мулкӣ даромад, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса;
- иккита ёки ундан кўп манбадан олинган даромадлар;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда унинг аризасига кўра ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди.

Даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тартиби.

Солиқ тўловчилар Солиқ Кодекснинг 189-моддасида кўрсатилган даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни, агар Солиқ моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс ўтган солиқ даври учун даромадлар тўғрисида жорий йилнинг 1 апрелигача декларация тақдим этади.

Чет эллик жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти Солиқ бобда белгиланган тартибга мувофиқ солиқ солиниши лозим бўлган даромад келтираётган фаолиятини календарь йили ичида тугатган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда жорий солиқ даврида ҳақиқатда олган даромадлари тўғрисидаги декларация мазкур жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетишидан бир ой аввал тақдим этилиши лозим. Агар чет эллик жисмоний шахс – Ўзбекистон Республикасининг резиденти жорий йилнинг 1 февралига қадар доимий яшаш учун хорижга чиқиб кетаётган бўлса, жорий йил учун даромадлар бўйича декларация тақдим этилмайди.

Тақдим этиш тартиби Солиқ модданинг учинчи қисмида белгиланган даромадлар тўғрисидаги декларация бўйича ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқни тўлаш декларация топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида амалга оширилади.

Грант олган жисмоний шахс даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшираётганда грант бўйича олинган даромад суммасини, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи миқдорини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг тегишли ҳулосасини кўрсатади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс белгиланган тартибда даромадлар тўғрисидаги қуйидаги декларацияларни тақдим этади:

дастлабки декларацияни – шундай даромадлар юзага келган кундан эътиборан бир ой ўтгач, беш кунлик муддатда, агар бу даромадларга жисмоний шахслар даромадларига тўлов манбаида солинадиган солиқ солинмаган бўлса;

якуний декларацияни – ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 15 январига қадар.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Декларация бўйича солиқ тўлаш тартиби.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинadиган, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 15 мартигача солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ тўланган сана куйидагилардир:

юридик шахслар ёки жисмоний шахслар томонидан банкдаги ҳисобварағидан тўлангани тақдирда – уларнинг банкдаги ҳисобварағидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун;

жисмоний шахслар томонидан нақд пул маблағлари киритилган тақдирда – банк кассасига маблағлар тўланган сана.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг моҳиятини тушунтириб беринг ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджет даромадлари таркибида қандай аҳамиятга эга?

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўловчилари кимлар?

3. Жисмоний шахслар солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасига нималар киради?

4. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларига қайси даромад турлари киради?

5. Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари, солиқ ставкасининг қайси турига киради?

6. Жисмоний шахсларнинг қандай даромадларига солиқ солинмайди?

7. Қайси жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солинмайди?

8. Қайси жисмоний шахслар даромадлари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида тўлашдан озод этилади?

9. Жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қайси усулда олиб борилади?

10. Даромадлар тўғрисидаги декларация тақдим этиш ва тўлаш тартиби қандай?

Маъруза 4. ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ (2-соат)

Режа:

1. Қўшилган қиймат солиғининг солиқ тизимида жорий қилиниши ҳамда иқтисодий аҳамияти.
2. Солиқ тўловчилар.
3. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база.
4. Солиқ имтиёзлари.
5. ҚҚС солиқ ставкаси ва солиқни ҳисоблаш механизми
6. Хисобваррак фактурани тўлдириш тартиби.
7. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби.

1. Қўшилган қиймат солиғининг солиқ тизимида жорий қилиниши ҳамда иқтисодий аҳамияти

Барча билвосита солиқлар каби ҚҚС ҳам асосан солиқларнинг фискал функциясини бажаради, унинг жорий қилишдан асосий мақсад давлат бюджетини маблағ билан тўлдириш билан боғлиқ бўлган. ҚҚС солиқ тушумларини нарх-навонинг ўсиши билан тўғридан тўғри боғлаб турганлиги учун у бюджет маблаюгарини инфляция бўлишигидан сақлаб қолувчи воситалардан бири ҳисобланади.

Бундай ҳолатда солиққа солиш объекти бўлиб товарнинг ёки хизматнинг сотиш нархи хизмат қилади. ҚҚС солиққа солиш системасида ҳар бир ишлаб чиқарувчи (сотиб олувчи) ўзининг ҳаридоридан (буртмачисидан) қонунда кўзда тутилган солиқ суммасини ундиради ва аввал хом-ашё сотиб олишда солиқнинг тўланган қисми мавжуд бўлса, уни чегириб ташлаб, қолган қисмини бюджетга тўлайди. Солиқларни таснифлаш жиҳати бўйича солиққа тортиш объектини баҳолаш даражасидан келиб чиқиб, ҚҚС реал солиқлар туркумига киради. Солиқ солиқни тўлаш олди-сотди жараёнидан келиб чиқади ва солиққа тортиш субъектининг молиявий ҳолатини ҳисобга олмайди.

ҚҚС Ўзбекистонда қўллана бошлашининг асосий сабаби Солиқ солиқ бўйича дунё ҳамжамиятининг бу борадаги тажрибаси бўлди. Ривожланган давлатларнинг тажрибаси билвосита солиқлар ривожланиб бориб, ягона қўлланиладиган солиққа, яъни Солиқ давлатларда бир текисда тақсимланадиган қўшилган қиймат солиғига айланишини кўрсатди, шу билан бир вақтнинг ўзида, бирон бир товарлар гуруҳини сотилишига ҳалақит қилмайди ва халқ ҳўжалигидаги молия тақсимланишини ўзгартирмайди.

ҚҚС биринчи бор 1954 йил Францияда М.Лоре таклифига мувофиқ жорий қилинган ва қисқа муддат ичида кўпгина давлатларда қўлланила бошланди. ҚҚС Ўзбекистонда қўлланилиш даврига келиб 43 та давлатда, шу жумладан барча Европа иттифоқида давлат, қўлланилган.

1992 йилдан бошлаб ҚҚС мустақил Ўзбекистон солиқ системасида ажралмас қисмига айланди.

Қўшилган қиймат солиғининг суммаси кўрсатилган ҳисобварақ-фактурасининг мавжудлиги эса олди-сотдининг асосий ва принципиал вақтини белгилаб, фирманинг Солиқ солиқ мажбурияти ҳақида маълумотни беради. Шунинг учун ҳам ҳисобварақ-фактуранинг тўлдирилиши бўйича қатъий қоидаларга бўйсунуш талаб этилади.

Қўшилган қиймат солиғи бошқа солиқларга нисбатан жуда кўп афзалликларга эга. Улар қуйидагилардан иборат:

- ҚҚС маҳсулотнинг сотув нархиға қўшилмай унинг устиға қўйилиб, харидор томонидан тўлаб берилади, бу ўз вақтида ишлаб чиқаришнинг харажатларига ва рентабеллигига таъсир этмайди;

- солиққа тортиш объекти маҳсулотнинг бутун ишлаб чиқариш жараёнида ягона солиқ ставкасида аниқланиши «маҳсулот сотишнинг охириги босқичида солиқ суммасини йиғилиб қолишдан сақлайди ва солиққа тортиш жараёнида қайта-қайта ҳисобланишнинг олдини олади;

- солиқ ундириш системасининг соддалиги солиқ органи учун ҳамда солиқ тўловчилар учун ҳам қулайлик яратади. ҚҚСни ҳисоблаш жараёни ўз-ўзини текшириш жараёни деса ҳам бўлади, чунки кейинги сотиб олувчи аввалги таъминотчини ҳисобварақ-фактурасида тўланган солиқ суммасини белгилашда тўғри қўйилишини текшириб боради;

- қўшилган қиймат солиғи тармоқ ва корхоналарнинг иқтисодий фаолият турларидан, капитал жамғармасидан, ишлаб чиқариш туридан, катта-кичиклигидан қатъий назар бир хилда солиққа тортиш даражаси қўлланилади;

- кўпгина давлатларда корхонанинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини четга экспорт қилувчи фирма-экспортерларға уларни қўллаб қувватлаш мақсадида экспорт қилинган маҳсулот сотув нархиға кирган қўшилган қиймат солиғини бир қисмини давлат томонидан қайтариб берилади. ҚҚСнинг ҳисоблаш системаси эса экспорт қилинаётган маҳсулотни фирма томонидан ишлаб чиқариш учун кетган реал харажатларини ҳисоблаб чиқриш имкониятини беради. Маҳсулоғлар импорт қилинаётганда ҚҚС протекция сиёсатини юритиш учун қўлланилади. Демак, ҚҚСни ташқи иқтисодий муносабатларни тартибға солиб туриш учун фойдаланиш мумкин;

- қўшилган қиймат солиғининг хужжатларда алоҳида кўрсатилиб ёзилишлиги уни тўлашдан қочиш ҳолатларни қийинлаштиради;
- ҚҚС бозор иқтисодиётини солиқлар ёрдамида тартибга солишда даромад (фойда) солиғи ставкасини пасайтирилиши натижасида бюджетнинг даромад қисмидаги йўқотишларни қоплаш учун тактик восита сифатида ишлатилади.

Қўшилган қиймат солиғи камчиликлари:

- Бизнинг республикада ҚҚС базасига фақат қўшилган қийматгина эмас, балки унга умуман дахли бўлмаган элементлар ҳам киради. Масалан Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ Акциз товарларини республика ҳудудига импорт қилинганида ҚҚС солиққа тортиш базасига тўланган Акциз солиғи ва божхона божи ҳам киради. Шундай қилиб Солиқ ҳолатдан икки маротаба эмас, балки уч маротаба солиққа тортиш кўриниб турибди.
- ҚҚСнинг юқори ставкаларининг қўлланилиши аҳолининг сотиб олиш қобилиятини камайтиради ва ишлаб чиқарувчи учун эса товар сотиш бозорини қисқартиради. ҚҚСнинг юқори қийматда белгаланиши эса товар ишлаб чиқарувчи томонидан минимал фойда режалаштарган тақдирда ҳам, сотиб олувчиларнинг имкониятлари чегараланган бўлганлиги учун товарларни тез ва ўз вақтида сотиш имкониятини бермайди. ҚҚСнинг тартибга солиб турувчи имкониятлари ривожланган бозор иқтисодиёти ва бозор учун хос бўлган рақобатнинг мавжудлигида намоён бўлади.

2. Солиқ тўловчилар

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

- 1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, агар Солиқ моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;
- 2) Солиқ Кодексга мувофиқ зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;
- 3) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб қирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно;
- 4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси).

Қуйидагилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланмайди:

- нотижорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари мустасно;
- агар Солиқ Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Солиқ Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ

бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.

3. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база

Солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

солиқ солинадиган оборот;

солиқ солинадиган импорт.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан:

товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш сотиш;

устав фондига (устав капиталига) қўшилган хисса;

мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), агар ушбу модда иккинчи қисмининг 6-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарсасини бериш;

заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар ушбу Кодексга мувофиқ мустақил Солиқ тўловчилар бўлса, мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

3) мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш;

4) тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни жўнатиш;

5) мол-мулкни оператив ижарага бериш;

6) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқини ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

7) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда ушбу Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ харажатлари чегирилмайдиган Солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўзи ишлаб чиқарган товарларни бериш, ўз кучи билан ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш.

Қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди:

1) Солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарларни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, бундан 199-моддани биринчи қисми 7-бандида назарда тутилган харажатлар мустасно;

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун, агар таркибий бўлинмалар ушбу Кодексга мувофиқ мустақил Солиқ тўловчилар бўлмаса, мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

3) Солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

4) қайтариладиган тарани жўнатиш. қайтариладиган тара махсулот солиб жўнатиш, қиймати ушбу махсулот қийматида киритилмайдиган ҳамда шу махсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда махсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай тарани бериш Солиқ солинадиган оборотга киритилади;

5) юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чикиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чикиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкида бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш;

6) асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш;

7) банклар ва суғурта ташкилотлари томонидан мол-мулкни ўз филиалларига бериш;

8) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулкый ҳуқуқларни бериш;

9) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш;

10) ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш;

11) ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш;

12) объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида коплаш.

13) товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш.

Солиқ солинадиган импорт

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар солиқ солинадиган импортдир, Солиқ Кодекснинг 211-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар бундан мустасно.

Солиқ солинадиган база

Солиқ солинадиган база, агар Солиқ моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, реализация қилинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Товарлар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида, Акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида, Солиқ Кодекснинг 224-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган Акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Пудрат ёки иккиламчи пудрат ташкилотлари томонидан объектлар қуриш учун қурилиш пудрати шартномаси тузилган тақдирда, бажарилган ва тасдиқланган ишларнинг пудратчи (ёрдамчи пудратчи) ва буюртмачининг солиқ солиш мақсадида реализация қилинган деб ҳисобланадиган

материаллари қиймати киритилган, Солиқ бўлимда белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қурилиш-монтаж, таъмирлаш ва таъмирлаш-қурилиш ишларини бажариш учун шартнома тузилганда, агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш вазифаси буюртмачининг зиммасида бўлса, Солиқ материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар бўлган савдо корхоналари импорт қилган товарлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага Акциз солиғининг суммаси киритилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Мол-мулк молия ижарасига, шу жумладан лизингга берилган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Тугалланмаган қурилиш объекти реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, тугалланмаган қурилиш объектини реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Транспорт экспедиқияси шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда, экспедиторнинг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, мукофот тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизмат учун пул мукофоти (фоиз) тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномасига, топшириққа биноан ишончли шахс ёки комитент Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи қўшилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганида қўшилган қиймат

солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Гаровга қўювчи гаров мол-мулкни гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига топширган тақдирда, гаровга қўювчининг солиқ солинадиган обороти миқдори гаровга олувчи томонидан реализация қилинган мол-мулк қийматида келиб чиққан, бироқ қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда мазкур гаровга қўйилган мол-мулкка олинган заём маблағлари суммасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Гаровга топширилган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича гаровга қўювчининг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қайтариладиган тара солиқ солинадиган оборотга киритилган тақдирда, тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, солиқ солинадиган база мазкур таранинг қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров қиймати асосида белгиланади.

Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган база

Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган базага товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган Акциз солиғининг, божхона божларининг суммалари киради.

4. Солиқ имтиёзлари

Қўшилган қиймат солиғидан қуйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади:

қўшилган қиймат солиғидан, Солиқ Кодекснинг 212-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса қуйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади:

1) юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган хизматлар;

2) мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;

3) беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;

4) дафн этиш бюрolari ва кабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари;

5) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мулжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган

ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мулжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар;

6) даволаш муассасалари хўзуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг мазкур муассасалар томонидан реализация қилинадиган махсулотлари;

7) почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташкари), маркали открыткалар, конвертлар;

8) алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафакалар тўлаш бўйича хизматлари;

9) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари. Ушбу имтиёзни олиш учун тегишли молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги ҳулосаси асосдир;

10) шаҳар йуловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йуналишли таксидан ташкари), шунингдек темир йул ва умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йуналишли таксидан ташкари) шаҳар атрофидаги йуналишларда йуловчилар ташиш хизматлари. Шаҳар йуловчилар транспортининг хизматлари жумласига йуловчилар ташиш бўйича автомобиль ва электр транспорта билан шаҳар доирасида муайян йуналишлар бўйича катнов жадвалига биноан кўрсатиладиган хизматлар қиради. Ушбу банднинг қоидалари юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмаларига кура шаҳар йуловчилар ташиш транспортида ходимларни ишдан ва (ёки) ишга ташиш бўйича хизматларга, тадбирлар ўтказиш учун ташиш бўйича хизматларга, шу жумладан шаҳар ташқарисига ташишга ҳам татбиқ этилади;

11) олий, урта, урта махсус, касб-хунар укув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шугулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар;

13) тиббий (ветеринария) хизматлари (косметология хизматлари бундан мустасно), дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мулжалланган буюмлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар. Ушбу банднинг қоидаларини қўллаш мақсадларида:

-тиббий хизматлар жумласига тиббий ёрдам хизматлари ва санитария хизмати кўрсатиш, диагностика, профилактика ва даволаш хизматлари, гомеопатик, стоматологик хизматлар, тиш протезлари тайёрлаш бўлимларлари ва кабинетлари, наркология амбулаториялари, хайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш комиссиялари, дезинфекция станциялари, санитария ва эпидемияга

карши кураш йуналишидаги лабораториялар ҳамда бўлинмалар, бошқа тиббий ҳамда тиббий-санитария йуналишидаги муассасалар томонидан кўрсатиладиган хизматлар киради;

-ветеринария хизматлари жумласига ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, муйнали ва бошқа ҳайвонларни, баликлар, асалариларни, ҳайвонот боғларидаги, тажрибахоналардаги ва бошқа шу кабилардаги жониворларни) касалликлардан муҳофаза қилиш ва уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг яхши сифатли чорвачилик маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини кондиритиш, одамларнинг ҳайвонларга ва инсонга хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этиш тадбирлари киради;

14) чет эл ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бушлигида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати;

15) санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари. Ушбу бандни қўллаш мақсадида:

-санаторийлар, шифохоналар, профилакторийлар, курортлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда бошқа дам олиш ташкилотлари томонидан уларнинг асосий фаолияти доирасида кўрсатиладиган хизматлар улар юридик шахслар ёки юридик шахсларнинг таркибий бўлинмалари томонидан кўрсатилишидан катъи назар санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматлари жумласига киради;

-туристик-экскурсия хизматлари жумласига сафар таркибида назарда тутилган туристик хизматлар кўрсатиш учун йулланманинг (ваучернинг) қийматига киритилган барча туристик-экскурсия хизматлари киради. Барча туристик-экскурсия хизматлари туристик хизматлар кўрсатиш шартномасида белгиланган транспортда хизмат кўрсатишдан, яшаб туришга, овқатланишга доир хизматлардан, экскурсия хизмати, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш хизматлари ва бошқа хизматлардан иборат булади;

-жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари жумласига спорт иншоотларида спорт мусобакалари, байрамлари, спорт-томоша тадбирлари, спорт иншоотларида ўтказиладиган календарь ва матч учрашувлари, спорт турлари бўйича укув гуруҳлари ҳамда командаларида, соғломлаштириш, умумжисмоний тайёргарлик, соғломлаштириш йуналишидаги, чиникиш, сўзиш, соғломлаштириш мақсадидаги югуриш ва юриш, атлетика, ритмика ва даволаш гимнастикаси мактаблари ҳамда клубларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ўтказиш бўйича, спорт

иншоотларига катновчиларга билетларнинг (абонементларнинг) қийматида назарда тутилган спорт- техника асбоб-ускуналарини, тренажёрларни, инвентарларни, спорт уст-бошларини бериб туриш бўйича хизматлар ҳамда бошқа хизматлар киради;

17) гидрометеорология ва аэрология ишлари;

18) геология ва топография ишлари;

19) босма махсулотлар, шунингдек босма махсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ тахририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари). Ушбу бандни қўллаш мақсадида:

-босма махсулотлар жумласига китоблар, газеталар, журналлар, маълумотномалар, рисолалар, альбомлар, плакатлар, буклетлар, открыткалар, дафтарлар, расм ва чизмачилик альбомлари, бланкалар ҳамда бошқа босма махсулотлар киради;

-тахририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари) жумласига макет тайёрлаш, компьютер графикаси, саҳифалаш, оригинал макетлар тайёрлаш, муковалаш, ададларни тайёрлаш, реклама мурожаатларини қабул қилиб олиш, расмийлаштириш ва нашрларда жойлаштириш, ранг бериш, юридик ва жисмоний шахсларни ахборот билан таъминлаш, ахборот туплаш ҳамда уни қайта ишлаш, матнларни таржима қилиш ишлари, магнит ва коғоз нусхаларда почта алоқаси ҳамда Интернет орқали реализация қилиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турдаги тахририй, матбаа ва ноширлик ишлари киради. Алоҳида ва ўзил-кесил ишлар (хизматлар) тарзида амалга ошириладиган, матбаа махсулоти ишлаб чиқариш ҳамда уни реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган тахририй, матбаа ва ноширлик ишларига (хизматларига) қўшилган қиймат солиғи солинади;

20) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир махсулот ва хизматлар;

(208-модданинг **21-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги УРК- 241-сонли Қонунига асосан чиқарилган)

(208-модданинг **22-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги УРК- 359-сонли Қонунига асосан чиқарилган)

23) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар);

24) уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар. Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар жумласига лифт хужаликлари, умумий

фойдаланишдаги антенналарни урнатиш ҳамда уларни тасарруф этиш бўйича хужаликлар, ер ресурслари ва давлат кадастри, уй-жой фондидан фойдаланиш, уни саклаш ва таъмирлаш бошқармалари ҳамда БЎЛИМларининг бевосита аҳоли томонидан ҳақ тўланадиган хизматлари, шу жумладан ушбу хизматларга хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари орқали ҳақ тўлаш киради;

(208-модданинг 25-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги УРК- 241-сонли **Қонунига** асосан чиқарилган).

26) ваколатли давлат органининг ихтисослашган экспертиза бўлинмалари утказадиган экологик экспертиза хизматлари;

27) давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ургатиш хизматлари;

28) ўзи етиштирган кишлоқ хужалиги маҳсулоти;

29) ички ишлар органлари ҳўзуридаги куриклов бўлинмалари хизматлари;

(208-модданинг **30-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги УРК-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган)

31) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника ишлари;

32) давлат резервининг товар-моддий захиралари, улар янгиланаётганда;

33) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирлари тизимининг техника воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

34) инвестор ва давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи уртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида топширилаётган мол-мулк;

35) давлат мулкани ижарага бериш бўйича хизматлар.

36) оммавий ахборот воситаларини ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматлар жумласига қуйидагилар киради:

қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматлар жумласига қуйидагилар киради:

-кредитлар, заёмлар бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва ундириш, кредитлар, заёмлар бериш, кафилликлар (кафолатлар), шу жумладан банк кафолатлари бериш;

-депозитлар қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан вакил банкларда ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

тўловлар, ўтказмалар, қарз мажбуриятлари, чеклар ва тўлов воситалари билан боғлиқ операциялар, инкассо бўйича операциялар;

миллий валюта ва чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли коғозлар депо-хисобварақларини, шу жумладан вакил депозитарийларини очиш ҳамда юритиш;

қимматли коғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли коғозлар) билан боғлиқ операциялар. қимматли коғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига қимматли коғозларни саклаш, қимматли коғозларга бўлган ҳуқуқини ҳисобга олиш, қимматли коғозларни утказиш ҳамда қимматли коғозлар реестрини юритиш бўйича операциялар, қимматли коғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар киради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

қимматли коғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни (пайларни) реализация қилиш;

клиринг операциялари;

аккредитивлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;

чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;

касса операциялари (банкнот ва тангаларни қабул қилиб олиш, бериш, қайта ҳисоблаб чиқиш, майдалаб бериш, алмаштириш, саралаш ва саклаш);

молиявий ижара (лизинг) шартномасининг ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фоиз тариқасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар кўрсатиш;

форфейтинг ва факторинг операциялари;

ломбард операциялари (гаровга қуйилган мол-мулкка қисқа муддатли кредитлар бериш);

жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг обороти.

мижозларнинг ҳисоб рақамларига банклар томонидан электрон масофали хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар.

Солиқдан озод қилинадиган суғурта хизматлари

Суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш хизматлари бўйича суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган суғурта қилиш бўйича хизматлар бу хизматлар натижасида:

1) суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

а) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари;

б) қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича воситачилик хақи ва танъемалар;

в) суғурта агенти, суғурта ва қайта суғурта брокери, сюрвейер ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларининг хизматлари учун воситачилик хақи;

г) қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича суғурта тўловлари улушининг қайта суғурталовчилар томонидан тўланадиган тўловини;

д) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича учинчи шахслардан суброгация (регресс) тартибида талаб қилиш бўйича даромадлар;

е) суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари (актуарийлар, ажастерлар, сюрвейерлар, ассистанс хизматлари ва шу сингарилар) курсатган хизматлардан олинадиган даромадлар;

ж) қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича депо мукофотларига ҳисобланган ҳамда қайта суғурта килдирувчи томонидан қайта суғурталовчига ўтказилган фоизлар;

з) ҳаётни суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта килдирувчилар такдим этган заёмлардан олинадиган даромадлар;

и) суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолиятдан олинадиган даромадлар, шу жумладан суғурта резервлари ва суғурта фондлари маблағларини инвестициялашдан олинадиган даромадлар;

к) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича франшизларни коплашдан олинадиган даромадлар;

л) қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига утган, суғурта килдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинадиган даромадлар;

м) қайта суғурта қилиш шартномалари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, улар бўйича суғурта мукофотларининг қайтариб берилган қисми суммалари;

н) бевосита суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинадиган бошқа даромадлар;

2) суғурта килдирувчи (наф олувчи) қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

а) суғурта тўлови (суғурта товони);

б) превентив тадбирлар утказиш учун бериладиган маблағлар;

в) суғурта қилиш шартномаси зарарсиз амал қилиши учун суғурталовчи тулайдиган маблағлар;

г) суғурта қилиш шартномасига мувофиқ бошқа маблағлар.

Қуйидаги товарларни импорт қилиш қўшилган қиймат

солиғидан озод қилинади:

қуйидаги товарларни импорт қилиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

-жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб киришнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тасдиқланган нормалари доирасида олиб кириладиган товарлар;

-чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан уларнинг ўзлари билан бирга яшаётган оила аъзолари шахсий фойдаланиши учун мулжалланган товарлар;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда инсонпарварлик ёрдами тариқасида олиб кириладиган товарлар;

-давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кумак кўрсатиш мақсадида олиб кириладиган товарлар;

-Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) маблағлари, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кириладиган товарлар;

дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мулжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мулжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган ҳам ашё. Мазкур имтиёз олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқариладиган тайёр дори воситаларига татбиқ этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса. Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади;

инвестор билан давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли давлат органи уртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида олиб кириладиган мол-мулк;

ваколатли давлат органининг ёзма шаклдаги тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-кидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор- кидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари;

- қонун ҳужжатларида белгиланадиган руйхат бўйича ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч.

5. ҚҚС солиқ ставкаси ва солиқни ҳисоблаш механизми **Ўзбекистон ҳудудида қўшилган қиймат солиғи қуйидаги ставка** **бўйича тўланади:**

ҚҚС ставкаси	Солиқ солиш объекти
20%	Солиқ солиш айланмалари
	Импорт айланмалари
Ноль ставкаси	1) эркин алмаштириладиган валютада товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти, ҳукуматлараро битимларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларига олиб кириш қўшилган ҳолда;
	2) божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича эркин конвертация қилинадиган валютада бажариладиган ишларга (кўрсатиладиган хизматларга);
	3) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет мамлакатларининг юklarини ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш (транзит ташишлар) бўйича хизматлар. Чет мамлакатлар юklarини транзит ташишларга юklarнинг транзитини амалга ошириш учун ҳорижий шахслар билан бевосита шартномалар ёки ҳалқаро транспорт битимлари ва божхона органларининг кўрсатилган транзит юklarнинг амалда олиб келингани ва олиб чиқиб кетилиши ҳақидаги белгилари мавжуд бўганида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет мамлакатлар транзит юklarининг ташилиши ва хизмат кўрсатишга доир хизматлар киради;
	4) аҳолига сув, иссиқлик ва газ билан таъминлашда кўрсатилган коммунал хизмат;
	5) чет эл дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек, маскур ваколатхоналарнинг дипломатия ва маъмурий техник ходимларининг, улар билан бирга яшовчи оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиб ҳисобланмасалар ва Республикада доимий яшамасалар, чет эл тарафи томонидан ўзаро мувофиқлик тамойилининг

	қўлланилиши шарти билан шахсий фойдаланиш учун сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар).
--	---

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Сққс = Сай \times Н : 100;$$

бунда: **Сққс** — истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

Сай — солиққа тортиладиган айланма, **Н** — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Товарлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида — солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Сққс = Тқ \times Н : (Н + 100);$$

бунда: **Тқ**—қўшилган қиймат солиғи билан ҳисобга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ишлар, хизматларни импорт қилувчи юридик шахслар ана шу импорт қилинадиган ишлар, хизматларга қўшилган қиймат солиғи **тўловчилари ҳисобланади.**

Импорт қилинадиган ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$Сққс = С \times Н : 100,$$

бу ерда: **Сққс** — қўшилган қиймат солиғи суммаси; **С** — далолатнома, маълумотаома ёки бошқа ҳужжатларга кўра тасдиқланадиган, импорт қилинадиган ишлар, хизматлар қиймати; **Н** — қўшилган қиймат солиғининг фоизлардаги ставкаси.

6. Ҳисобварақ фактурани тўлдириш тартиби.

1998 йил 1 январдан барча корхона ва ташкилотлар учун (кичик ва ўрта бизнес, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналарига ҳам, шу билан бирга қонунда белгиланган тартибда ҚҚСдан озод бўлганлари ҳам) товарларни сотишда, хизмат кўрсатганда ва иш бажарганда ҳисобварақ-фактурасини тўлдириш шарт қилиб белгиланди.

Ҳисобварақ-фактура товарларнинг юклаб жўнатилиши, ишларнинг бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши санасидан кечиктирмасдан ёзилади.

Бунда аввалдан тўланган ортилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар учун ҳисобварақ-фактураси тўлдирилмайди.

Жадвалли шаклни тўлдиришда қуйидагиларни қайд этиш керак:

1-устунда —товарлар номи (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар баёни);

2-устунда — мазкур товар бўйича қабул қилинган ўлчов бирлиги (дона, килограмм, метр ва шу кабилар) ва ишлар, хизматлар бўйича ўлчов бирлиги;

3-устунда — ҳисобварақ бўйича юклаб жўнатиладиган товарнинг миқдори (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳажми), у юзасидан қабул қилинган ўлчов бирликларидан келиб чиқиб;

4-устунда — товарнинг шартнома (контракт) ўлчов бирлигида ҚҚСсиз нархи;

5-устунда — Солиқ иомдаги товар жами сонининг ҚҚСсиз қиймати (3-устун х 4-устун);

6-устунда — қўшилган қиймат солиғи ставкаси (20 ёки 0 фоиз); 7-устунда Солиқ товар (иш, хизмат) бўйича тегишли ставкаларга кўра ҳисобланган ҚҚС суммаси;

Ҳисобварақ-фактуранинг якунловчи сатрида 5, 7 устунлар бўйича суммалар жамланади.

Ҳисобварақ-фактура раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ва корхона муҳри билан тасдиқланади.

Бунда, агар ҳўжалик юритувчи субъектлар, товарлар етказиб беришга ҳисобварақ-фактураларни ёзишдан ташқари, «ишончнома бўйича олингани» тўғрисида белги қўйилган юкхатларни тўлдирсалар, ҳисобварақ-фактурада мазкур белгилар тўлдирилмайди. Уларнинг ҳақиқатда олинганлиги далолатномалар, маълумотномалар ёки бошқа шундай ҳужжатлар билан тасдиқланадиган бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар бўйича ҳам мазкур белгилар тўлдирилмайди.

« ____ » _____ 200 ____ йил _____ -сонли

Товарни юклаб жўнатиш хужжатларига

« ____ » _____ 200 ____ йил _____ -сонли

ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА

Етказиб берувчи _____ _____ Манзили _____ _____ Телефонии _____ Ҳисоб-китоб варағи _____ _____ да _____ шаҳри Етказиб берувчининг индентификация раками (СТИР) _____ _____ ОКОНХ буйича коди _____				Харидор _____ _____ Манзили _____ _____ Телефонии _____ Ҳисоб-китоб варағи _____ _____ да _____ шаҳри Харидорнинг индентификация раками (СТИР) _____ _____ ОКОНХ буйича коди _____			
Товар (иш, хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС ҳисобга олинган қиймати
					ставка си	сум - маси	
1	2		4	5			8
Жами тўлашга							

Раҳбар _____ Олдим _____

Бош бухгалтер _____

М.Ў.
Товарни бериб юбордим

(харидорнинг ёки ваколатли вакилнинг имзоси)
« ____ » _____ 200 ____ йил.
даги _____ -сонли ишончнома буйича

(етказиб берувчи масъул шахс имзоси)

(олувчининг Ф. И. О.)

Агар солиқ солинадиган айланма бўлмаса, яъни 4-устун суммаси 5-устунда кўрсатилган суммадан катта ёки унга тенг бўлса, 7-устун тўддирилмайди;

Ҳисобварақ-фактура қатъий ҳисобот ҳужжати бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

- 1) ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;
- 2) ҳисобварақ-фактура илова қилинадиган товар жўнатиш ҳужжатларининг ёки шартноманинг рақами ва санаси;
- 3) Солиқ тўловчининг ва товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олувчининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда идентификация рақами;
- 4) реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг номи ва улчов бирликлари (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса);
- 5) ўлчов бирлигидан (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса) келиб чиққан ҳолда реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг ҳисобварақ-фактура бўйича сони (ҳажми);
- 6) шартнома (контракт) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда, қўшилган қиймат солиғини ўз ичига оладиган давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) қўлланилган тақдирда эса, солиқ суммасини ҳисобга олган ҳолда ўлчов бирлигига тўғри келадиган нарх (тариф);
- 7) реализация қилинаётган товарлар, бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) қўшилган қиймат солиғисиз қиймати;
- 8) акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғининг ставкаси ва суммаси;
- 9) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотиб олувчисига тақдим этилаётган қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси;
- 9¹) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган Солиқ ставкаси ва суммаси;
- 10) реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган Солиқ ҳисобга олинган қиймати.

қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи шахсга ҳисобварақ-фактура тақдим этишлари шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- 1) йуловчилар ташишни йул чипталари билан расмийлаштириш;

2)товарлар (ишлар, хизматлар) аҳолига нақд пулда реализация қилинган ҳолларда сотиб олувчига фискал хотирали назорат-касса машинаси чеки, терминал чеки, квитанция бериш;

3)товарларнинг экспорт-импорт тарзида етказиб берилишини расмийлаштириш;

4) қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси расмийлаштириладиган молиявий ижара (шу жумладан лизинг) шартномаси бўйича мол-мулкни топшириш, ушбу Кодекс 204-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятлари юзага келадиган ҳоллар бундан мустасно. Бунда тегишли ҳужжатлар (молиявий ижара шартномасининг таркибий қисми бўлган ижара (лизинг) тўловлари жадвали; ҳисобварақ; ижарага (лизингга) олувчига ижара (лизинг) тўловларини тўлаш учун юборилган ёзма билдириш ва шу кабилар) билан расмийлаштирилган ҳар бир ижара (лизинг) тўловига ҳам ҳисобварақ-фактура ёзилмайди;

5) банк операцияларини миқознинг шахсий ҳисобварагидан кучирма бериш орқали расмийлаштириш;

6) суғурта хизматларини топширик шартномаси ва (ёки) суғурта полиси орқали расмийлаштириш;

7) ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ишларни (хизматларни) ҳақиқатда мазкур ишлар бажарилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштириш.

қўшилган қиймат солиғи тўловчи учун ҳисобварақ-фактура қўшилган қиймат солиғини ушбу Кодекснинг 218-моддасига мувофиқ ҳисобга олиш учун асос бўлади.

Келгусида товарларни етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун олдиндан тўланган ҳақ (бўнак) ёзилган ҳисобварақ ҳисобварақ- фактура бўлмайди.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озода қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар ҳисобварақ-фактурада қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмайдилар ҳамда «қўшилган қиймат солиғисиз» деган штамп босади (ёзиб қўяди).

Агар Солиқ моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳисобварақ-фактура товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш обороти амалга оширилган санада ёзилади.

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган электр энергияси, сув, газ, алоқа хизматлари, коммунал хизматлар, темир йўлда ташишлар, транспорт-экспедиторлик хизмати, банк операциялари, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) узлуксиз етказиб беришни амалга ошираётган солиқ тўловчилар ҳисобот даврининг охириги кунда бир марта ҳисобварақ-фактура

ёзади.

Ҳисобварақ-фактурада товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати ва қўшилган қиймат солиғи суммаси миллий валютада кўрсатилади.

Тузилган шартномаларнинг шартларига биноан товарларига, ишлари ва хизматларига нархлар (тарифлар) чет эл валютасида белгиланадиган юридик шахслар ҳисобварақ-фактураларни чет эл валютасида ёзиб, айти бир вақтда уни ҳисобварақ-фактура ёзиб берилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисоблаган ҳолда миллий валютада ифодалайди.

Товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи солиқ солинадиган базага уни кўпайтиришга (камайитиришга) қаратилган ўзгариш киритган тақдирда, мазкур товарлар (ишлар, хизматлар) олувчиси томонидан тасдиқланадиган янги ҳисобварақ-фактура ёзиб берилади. Янги ҳисобварақ-фактура «илгари ёзилган ҳисобварақ-фактура ўрнига» деган белги билан ёзиб берилади.

Солиқ тўловчилар келиб тушган ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар реестрини юритишлари шарт.

Ҳисобварақ-фактуранинг шакли ҳамда уни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

7. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Солиқ солинадиган оборотлар бўйича қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан Солиқ Кодекснинг 218-моддасига мувофиқ ҳисобга олиннадиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Товарларни импорт қилиш бўйича қўшилган қиймат солиғининг суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби

қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби Солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат Солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Солиқ тўловчилар, бундан кредит ва суғурта ташкилотлари мустасно, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда Солиқ даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрини тақдим этади. Солиқ тўловчилар, бундан кредит ва суғурта

ташкilotлари мустасно, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда Солиқ даври мобайнида олинган ва реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрларини тақдим этади.

Солиқ тўлаш тартиби

қўшилган қиймат солиғини тўлаш қуйидагича амалга оширилади: қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ушбу Кодекс 225-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган Солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Бюджетга ундирилиши лозим бўлган ҚҚС суммасини ҳисоблаш

Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоблар борувчи якун билан қуйидаги шаклда тақдим этилади:

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб китоби

Кўрсаткичлар	Сатр	Сумма
Ҳисобот даврида олинган ҳисобварақ фактуралар бўйича ҳақиқатда келиб тушган хом ашё, бутловчи буюмлар, ёқилғи, ишлар, хизматларнинг қиймати (ҚҚСни ҳисобга олмасдан)	1	
-шу жумладан импорт қилинганлари	2	
Улардан солиқ солинадиган айланма учун фойдаланилади, шу жумладан ноль ставкаси бўйича айланма, жами:	3	
-шу жумладан экспорт маҳсулоти бўйича солиқ солинадиган айланма учун	4	
Ҳисобга қабул қилинадиган ҚҚС суммаси	5	
Юклаб жўнатилган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати, ҚҚСни ҳисобга олмасдан, улардан жами:	6	
Қўшилган қиймат солиғига тортилмаганлари (имтиёзлар бўйича маълумотлар илова қилинади)	7	
-ноль ставкаси бўйича солиқ солинадиганлари	8	

-шу жумладан экспортга етказиб беришлари бўйича	9	
-қўшилган қиймат солиғига амалдаги ставкаси бўйича тортиладиганлари	10	
ҚҚС ставкаси	11	
Юклаб жўнатилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоблаб ёзилган ҚҚС суммаси (10-сатр x 11-сатр)	12	
Ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси (12-сатр - 5-сатр)	13	
Олдинги ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган қўшилган қиймат солиғи суммаси (олдинги ҳисоб-китобнинг 12-сатри)	14	
Қўшилган қиймат солиғи суммаси (13-сатр-14-сатр) қўшимча		
-тўлашга	15	
-камайтиришга	16	

Юқорида келтирилганидек, бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган айланмалар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси билан ҳисобга киритиладиган солиқ суммалари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Шунинг учун бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини ҳисоблашда иккита кўрсаткични аниқлаш лозим — солиқ солинадиган айланмалар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ва ҳисобга киритиладиган солиқ суммалари.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Қўшилган қиймат солиғининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти қандай?
2. Қўшилган қиймат солиғини тўловчилари кимлар?
3. Қўшилган қиймат солиғи объекти қандай аниқланади ва солиққа тортиладиган оборот деганда нимани тушунасиш?
4. Қўшилган қиймат солиғига солиқ солинадиган база деганда нимани тушунасиш?
5. Қўшилган қиймат солиғига имтиёзлар нималардан иборат?
6. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари ва уларни қўллаш тартиби қандай?
7. Ноллик ставка қайси товарлар (иш ва хизматлар)га нисбатан қўлланилади?
8. Ҳисобварақ-фактуралар қандай тўлдирилади ва унда қўшилган қиймат солиғи қайси пунктларда кўрсатилади?

9. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш ва ҳисоботни тақдим этиш тартиби қандай?

10. Қўшилган қиймат солиғи қайси формула орқали аниқланади?

Маъруза 5. АКЦИЗ СОЛИҒИ (2-соат)

Режа:

1. Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва вужудга келиш.
2. Солиқ тўловчилар.
3. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база.
4. Акциз солиғи ставкалари.
5. Акциз солиғини ҳисоблаш.
6. Ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби.

1. Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ва вужудга келиш

Солиқ психологияси нуқтаи назардан барча солиқлар истеъмол предмети ҳисобланади, Акцизлар ҳам шулар жумласига киради ва қуйидаги афзалликларга эга. Товарнинг нархида ўтирганлиги учун улар кўзга кўринмайди, солиқнинг катта-кичиклигини билмаган сотиб олувчи унинг нархида солиқ ўтирганлигини билмай туриб товарни сотиб олади. Бу одатда билвосита солиқ бўлиб, уни яхшиси кўринмас деб аташ мақсадга мувофиқ бўлур эди. Солиқ ундиришнинг бу усули ҳукуматнинг энг яхши кўрган усулидир. Акцизлар — товарлар учун қўйиладиган билвосита солиқларнинг бир тури бўлиб, қўшилган қиймат солиғидан фарқли маълум бир чегараланган тур ва гуруҳдаги маҳсулотларнинг нархига ёки кўрсатилаётган хизматларнинг тарифига қўшилади. «Акциз» сўзи франкуз тилидан келиб чиққан бўлиб, чопиб ташлаш маъносини билдиради. Бу ердан Солиқ тўловнинг ўзига хос хусусиятлари келиб чиқади. Акцизлар товар нархига қўшилади ва ҳукуматга унинг қийматидан бир қисмини олишга ёки кесиб олишга имкон беради. Устига қўйилган қўшимча нарх маҳсулот ишлаб чиқаришнинг унумдорлигани ёки бирон бир алоҳида хусусиятларини билдирмайди, балки Акциз товарларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг алоҳида шароитларидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистонда Акциз солиғи 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда оборот солиғи ва сотувдан олинадиган солиқлар ўрнига жорий қилинган. Унинг қўшилган қиймат солиғидан фарқли томони шундаки, у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва у бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб, фақат Акциз ости товарларга нисбатан қўлланилади.

Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ва нархда ҳисобга олинадиган юклаб жўнатиш товарлар қийматининг бир қисмини эгри солиқ сифатида бюджетга ундириш шакли ҳисобланади. Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди

Акцизларнинг асосий ажратиб турадиган хусусиятлари қуйидагилар:

- Акцизлар кўпгина ҳолатларда бирон бир товарни ишлаб чиқариш учун кетган харажатга нисбатан унга бўлган талабнинг юқорилиги ва доимийлиги натижасида, сотилиш нархи анча юқори бўлганда пайдо бўлади, масалан, ароқ, тамаки, кофе (Ўзбекистон шароитида пахта киради). Ҳукумат Акцизлар ёрдамида товар қийматида ўтирган ўзига хос ишлаб чиқариш ва реализация шароитлари бўлган, аммо товарнинг унумлилигини ва истеъмол хусусиятларини акс этгирмайдиган қисмларини ундириб олади. Агарда ҳукумат Солиқ хусусиятларини Акциз солиғи ёрдамида ундирмаса, у ҳолда Акциз товарлар ишлаб чиқарувчилар ўзлари бунга яраша хизмат кўрсатмаган ҳолда юқори даромадга эга бўладилар.

- Акцизлар жамият томонидан истеъмол қилиш кераксиз деб топилган товарларга — спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва бензинга қўйилади. Шундай қилиб, Акцизлар истеъмолни меъёрга солиб турувчи бир асбоб сифатида хизмат қилади. Улар ёрдамида ҳукумат бир томондан инсон саломатлигига, жамият ва атроф муҳитга зарар келтирадиган товарларни (тамаки, вино, ароқ маҳсулотлари ва ҳ.қ.) сотилишини ушлаб турса, иккинчи томондан, Солиқ товарларни сотиш натижасида жамиятда етказиладиган зарарларни молиявий қоплаш учун маблағ ундиради. Ҳукуматнинг бундай тутган йўли эса ўз вақтида томонидан адолатлик деб ҳисобланади, чунки алкоғол ичувчилар, чекувчилар, автомобил ёрдамида атроф-муҳитни заҳарловчилар қанчалик кўп истеъмол қилсалар, шунчалик кўп солиқ тўлайдилар, бу эса давлат бюджетини маблағ билан таъминлашига олиб келади.

- Барча билвосита солиқлар каби Акциз ҳам солиқ-фискал функциясини тўлиқ бажаради, яъни бюджетни жуда ҳам яхши маблағ билан таъминлайди. Аввал қиммабаҳо буюмлар ёки катта даромад келтирадиган турлари Акциз солиғига тортилган эди. Аҳолининг кўпгина қисмининг даромад топиш даражаси юқори яа бошлагандан буён Акциз солиғига тортиладиган товарларнинг турлари ҳам кўпайди.

- Акцизлар табиий монополистларнинг: нарх белгилашларидаги жараёнда ҳам фойдаланилади (шунинг билан жорий қонунчилигимизда Акциз товарлар қаторига ва нефт киришини тушунтириш мумкин бўлади).

2. Солиқ тўловчилар

Акциз солиғи тўловчи юридик ва жисмоний шахслар куйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Акциз солиғи солинадиган товарларни (Акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига Акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар;

оддий ширкат Акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган такдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериғи (иштирокчиси).

Акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бўйича Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи бўлмаган шахс Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Акциз солиғини тўловчи этиб белгиланиши мумкин.

3. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база

Қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган объектдир:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан:

товарни сотиш (жўнатиш);

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган Акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;

Акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;

Акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;

Акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

2) Акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

3) Акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган Акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкидаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

4) Акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан Акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган Акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган Акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

6) Акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

Акцизланадиган товарлар учун **солиқ солиш объекти бўлиб:**

— *қатъий солиқ ставкалари белгиланган маҳсулотлар бўйича* — сотилган маҳсулотлар ҳажмига нисбатан натурадаги ифодаси.

Бу гуруҳга **алкогол ичимликлари, тамаки маҳсулотлари, ўсимлик ёғи киради** киради;

— *бошқа Акцизланадиган маҳсулотлар бўйича* — келишилган нархларда (ўз ичига Акциз солиғи суммасини олган), қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда юклаб жўнатилган товарнинг қиймати ҳисобланади.

Текинга бериладиган Акцизланадиган товар ҳам солиқ солиш объекти ҳисобланади. Бунда солиққа тортиш объектига қуйидагилар киради:

—алкоголли маҳсулотлар, этил спирти, пиво, вино, материаллар бўйича — уларга нисбатан қатъий солиқ ставкалари белгиланган сотилган алкоголли маҳсулотлар ҳажмининг натурадаги ифодаси;

— бошқа Акцизланадиган маҳсулотлар бўйича — солиқ тўловчида товарни топшириш пайтида шаклланган, лекин Солиқ Акцизланадиган товарни ишлаб чиқаришда ҳақиқатда амалга оширилган харажатлардан кам бўлмаган ҳисоб-китоб (улгуржи) нархлари даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган қиймат солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудидан қайта ишлаш» божхона режимида жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида;

давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кумак кўрсатиш мақсадида;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб қилиётган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга.

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси қонун ҳужжатларида белгиланади;

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-кидирув тадбирлари тизимининг

техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор- кидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

Солиқ солинадиган база

Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база Акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган Акциз тўланадиган товарлар бўйича, агар Солиқ модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, реализация қилинган Акциз тўланадиган товарларнинг Акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган Акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган даражада белгиладиган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база Акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати асосида белгиланади.

4. Акциз солиғи ставкалари

Акциз солиғига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқариладиган ва ЎзР ҳудудига импорт қилинган таварлар тортилади. Акциз солиғи ставкалари қуйидагича:

— товар нархига нисбатан фоизларда белгиланади — **адвалор ставка;**

— товарнинг натурал кўринишидаги ҳар бир ўлчамига мутлоқ суммада белгиланади — **қатъий ставка.**

Бу ерда эслатиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда кўпгина ривожланган давлатлардан фарқли биринчи ўринда инсон ҳаётида зарур бўлган пахга ёғи, гуруч, совун ва бошқа кўпгана товарларга нисбатан ҳам Акциз солиғи қўлланилади.

Акциз солиғи ставкалари ва акцизости товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қуйи

органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади. 2014 йилда акцизости товарларга белгиланган солиқ ставкалари қуйидагилардан иборат:

**Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли
товарларга нисбатан акциз солиғи
СТАВКАЛАРИ⁵**

Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
	акциз солиғи ва ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда сотилган товарлар қийматига нисбатан фоизларда	бир улчов бирлигига сумда
1. Этил спирти (1 дал учун)		4 183
2. Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун) ¹		
табiiй равишда ачитилган натурал винолар (этил спирти кушилмаган ҳолда)		5 767
бошқа винолар		7 246
3. Коньяк, арок ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун) ¹		37 605*
4. Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун) ¹		4 106
5. Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун) ¹ :		
озик-овқат ёғи (саломас ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ ва "Ўзбекистон" ёғи дан ташқари)		875 665
техник мой (кислота миқдори 0,3 мг КОН/г дан юқори, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кушишга яроқсиз бўлган)		481 689
6. Сигареталар (1 минг дона учун) ¹ :		
Филтрли		19 196
филтрсиз, папирослар		8 423
7. Заргарлик буюмлари	25	
8. "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЕАЖ ишлаб чиқарган автомобиллар ²	29	
9. Кумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
10. Қимматбаҳо металллар ²		
11. Нефть маҳсулотлари ¹ :		
Аи-80 бензини		321 430 сум/тонна

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли қарори.

Аи-91, Аи-92, Аи-93 бензини		353 430 сум/тонна
Аи-95 бензини		408 890 сум/тонна
дизель ёқилгиси		273 400 сум/тонна
ЭКО дизель ёқилгиси		284 250 сум/тонна
авиакеросин		50 580 сум/тонна
дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи		207 000 сум/тонна

12. Табиий газ (аҳолига сотиладиган табиий газ ҳажмларидан ташқари), шу жумладан экспорт ²	25	
13. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ ("Ўзтрансгаз" АК минтакалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), шу жумладан экспорт ²	26	
14. Пахта толаси ³		

*) улушда этил спирти 40 фоиздан кўп бўлган коньяк, ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотларга Акциз солиғи 1 дал тайёр маҳсулот учун 61 963 сум миқдорида белгиланади.

Изоҳдар:

1. Қатъий миқдорларда белгиланган Акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг динамикаси маусулотнинг сотилиш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил мобайнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2. "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газ, қимматбаҳо металллар, шунингдек чакана савдо тармоғида сотиладиган тилладан ишланган заргарлик буюмларига Акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

3. Пахта толасининг ички нархлари реализация бўйича харажатларни ҳисобга олган ҳолда) ва уни реализация қилишнинг ҳақийқий нархи ўртасидаги ижобий фарқ пахта тозалаш корхоналарининг махсус ҳисоб рақамида жамланади ва 50 фоизгача бўлган миқдорда - пахтачилик фермер хужаликларига, кейинчалик уларнинг кредиторлик қарзини сундириш учун бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга йўналтирилган ҳолда, қолган қисми - "Ўзпахтасаноат" уюшмаси корхоналарининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзини сундиришга йўналтирилади.

5. Акциз солиғини ҳисоблаш

Берилган хом ашёсидан ишлаб чиқарилган маҳсулот учун Акциз солиғини ҳисоблаш маҳсулотларни реализация қилгандаги Акциз солиғи обороти қуйидагича аниқланади:

— қатъий солиқ ставкалари белгиланган маҳсулотларга — тайёр маҳсулотнинг табиий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда;

— бошқа маҳсулотлар бўйича — тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган ишларнинг ва берилган хом ашёнинг қийматларидан келиб чиқиб белгиланади.

Акциз солиғининг суммаси қуйидаги формулага асосан ҳисобланади.

1. Акциз солиғининг қатъий солиқ ставкалари белгиланган ҳолатларда, жумладан:

- Тайёр маҳсулот бирлигига Акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича (Этил спирти, ароқ, коньяк, вино, шампан виноси, пиво, ҳамда тамаки маҳсулотлари ва ўсимлик мойи)

$$\Phi \times A,$$

бунда: Φ - тегишли ўлчов бирликларида сотилган маҳсулотнинг табиий ҳажми; A — Акциз солиғининг қатъий тавкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

2. Бошқа фоиз (адвалор) кўринишидаги ставкалар белгиланган Акцизланадиган маҳсулотлар бўйича Акциз солиғи суммаси қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$AC = (O \times A) : 100,$$

бунда: O — ўз ичига Акциз солиғини оладиган нарх, ҚҚСсиз; A — акциз солиғи ставкаси, фоизларда.

Акциз солиғи суммасининг ҳисоб-китоби учун акцизни ўз ичига оладиган нарх қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O \text{ қ } (C \times 100) : 100 - A$$

бу ерда: O — ҚҚСсиз акциз солиғини ўз ичига оладиган нарх; C — корхонанинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри); A — акциз солиғи ставкаси.

Ставкалари фоизларда белгиланган Акцизланадиган маҳсулот бўйича акциз солиғининг ҳисоб-китобига шартли мисол

	Маҳсулот бирлигининг таннархи	сўм	1500
	Зарурий фойда	сўм	100
	Маҳсулотнинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (1-сатр Қ 2-сатр)	сўм	1600
	Акциз солиғи ставкаси	%	20

	Акциз солиғи билан маҳсулотнинг нархи (ҚҚСсиз) (3-сатр x 100) : (100 - 4-сатр)	сўм	2000
	Акциз солиғининг суммаси (5-сатр - 3-сатр)	сўм	400

6. Ҳисоб-китоби тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби.

Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат Солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, Солиқ давридан кейинги ойнинг 25 - кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Солиқ тўлаш тартиби

Акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўланади:

жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай – жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;

жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай – жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;

келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай – ҳисобот ойнинг қолган кунлари учун.

Импорт қилинадиган Акциз тўланадиган товарлар бўйича Акциз солиғи товарларнинг божхона расмийлаштирувига қадар ёки божхона расмийлаштируви вақтида импорт қилувчи томонидан тўланади.

Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган импорт қилинадиган Акциз тўланадиган товарлар бўйича Акциз солиғи Акциз маркалари олингунига қадар тўланади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Акциз солиғи қачон жорий этилди ва Акцизларнинг асосий ажратиб турадиган хусусиятлари нималардан иборат?
2. Акциз солиғи тўловчилари кимлар?
3. Акциз солиғининг суммаси қайси формулага асосан ҳисобланади?
4. Акциз солиғи объекти нималардан иборат?
5. Акциз солиғининг базаси қандай аниқланади?
6. Акциз солиғини тўлашдан кимлар озод этилган?
7. Акциз солиғи ставкалари ва Акцизоти товарлар рўйхати ким томонидан белгиланади?
8. Акциз солиғини ҳисобга олиш тартиби қандай?
9. Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган Акциз солиғини ҳисоблаб чиқишнинг хусусиятлари нимада?
10. Акциз солиғи ҳисобини тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатлари қандай?

Маъруза 6. ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚЛАР ВА МАХСУС ТЎЛОВЛАР. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ (2-сoат)

Режа:

1. Ер қаъридан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқлар ва махсус тўловлар.
2. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.
 - 2.1. Солиқ тўловчилар.
 - 2.2. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база.
 - 2.3. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари.
 - 2.4. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби.
3. Қўшимча фойда солиғи.
4. Бонуслар.
5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
 - 5.1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар.
 - 5.2. Солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база ва уни белгилаш тартиби.
 - 5.3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари.
 - 5.4. Солиқ имтиёзлари.
 - 5.5. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

1. Ер қаъридан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқлар ва махсус тўловлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конларни аниқлаш ва қидириш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олишни амалга ошираётган ва (ёки) фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчилардир.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қуйидаги солиқлар ва махсус тўловларни тўлайдилар:

- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- қўшимча фойда солиғи;
- бонус (имзоли ва тижоратбop топилма бонуслар).

2. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

2.1. Солиқ тўловчилар

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар;

фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қабридан фойдаланувчилар.

2.2. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база

Солиқ солинадиган объект

Кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қабридан фойдаланганлик учун **солиқ солиш объектидир**. Тайёр маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ер қабридан фойдаланганлик учун Солиқ ставкаси белгиланган ва реализация қилиш ёки топшириш, шу жумладан бепул бериш, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ўз истеъмоли ва бошқа эҳтиёжлари учун мўлжалланган фойдали қазилма (фойдали компонент) тайёр маҳсулот деб эътироф этилади.

Солиқ солиш объекти тайёр маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Углеводородлар учун солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

саноат йўсинида дастлабки қайта ишловдан ўтказилган кавлаб олинган углеводородлар, шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар;

углеводородларни қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинган, лекин олдинги кавлаб олинганда ва қайта ишланганда қайта ишланадиган фойдали қазилмалар таркибида тайёр маҳсулот сифатида солиқ солилмаган фойдали компонентлар.

қатламдаги босимни сақлаб туриш ва (ёки) углеводородларни тугал технологик жараён доирасида ажратиб олиш учун маҳсулдор қатламга қайта ҳайдаб киритиладиган табиий газ ҳажми солиқ солиш объекти бўлмайди.

Ажратиб олинган кимматбаҳо металллар ва кимматбаҳо тошлар, шу жумладан техноген минерал хосилалардан ажратиб олинган кимматбаҳо металллар ва кимматбаҳо тошлар қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар учун солиқ солиш объектидир.

Қуйидагилар қаттиқ фойдали қазилмалар бўйича Солиқ солиш объектидир:

кавлаб олинган (шу жумладан қўшилиб чиқадиган) фойдали қазилмалар; фойдали қазилмалардан, минерал хом ашёдан, техноген минерал хосилалардан ажратиб олинган фойдали компонентлар;

Солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида кавлаб олинган ҳамда ўзининг хўжалик ва рўзгор эҳтиёжлари учун фойдаланилган кенг тарқалган фойдали қазилмалар Солиқ солиш объекти бўлмайди.

Кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг кенг тарқалган фойдали қазилмалари рўйхати:

— Кум (қолиплаш, шиша, чинни-фаянс, оловга чидамли ва қемент саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

— Шағал.

— Майда шағал-тош.

— Лой (ўтга чидамли, қийин эрийдиган, қолиплаш, чинни-фаянс ва қемент саноати учун ишлатиладиган, оқартирувчи, бўёвчи, бентонит, кислотага чидамли ва каолиндан ташқари).

— Қумоқ тупроқ (қемент саноати учун қумоқ тупроқдан ташқари).

— Харсанг тошлар.

— Қумтош (битуминоз, пардозлаш, динас қумтошлари ва шиша саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

— Кварцит (динас, флюс, пардозлаш, кремний карбиди ишлаб чиқариш учун темирли, кристалли кремний ва ферроқотишмалардан ташқари).

— Доломит (арраланадиган, пардозланадиган, металлургия, кимё ва шиша саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

— Мергель (битуминоз ва қемент саноати учун ишлатиладиганларидан ташқари).

— Оҳактош (битуминоз, пардозлаш, арраланадиган, Қемент, металлургия, кимё, шиша, қеллюлоза-қоғоз ва қанд-шакар саноати, шунингдек глинозём ишлаб чиқариш учун ишлатиладиганларидан ташқари).

— Чиғаноқтош.

— Слаиеқ (иссиқ ва томга ёпиладиганларидан ташқари),

— Аргиллит ва алевролитлар (қемент саноатида ишлатиш учун яроқлиларидан ташқари).

— Магматик, вулқон ҳосил қилувчи ва метаморфик жинслар (пардозлаш, декоратив, оловга чидамли ва кислотага чидамли материаллар ишлаб чиқариш, тош қуйма ва минерал пахталар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган, шунингдек қемент саноатида ишлатиш учун яроқлиларидан ташқари).

Солиқ солинадиган база

Ер қаъридан фойдаланганлик учун Солиқни ҳисоблаб чиқариш учун, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати Солиқ солинадиган базадир.

Ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз

солиғини чегирган холда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

Хисобот даврида тайёр махсулот реализация қилинмаган бўлса, Солиқ солинадиган база реализация қилиш амалга оширилган охириги хисобот даврида тайёр махсулотни реализация қилишнинг ўртача олинган баҳосидан келиб чиққан холда аниқланади.

Тайёр махсулот умуман реализация қилинмаган тақдирда, Солиқ солинадиган база хисобот даврида мазкур фойдали қазилмаларни кавлаб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан холда аниқланади. Бўнда Солиқ тўловчи реализация қилиш амалга оширилган ўша хисобот даврида хисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун Солиқ суммасига хисобот даврида таркиб топган ўртача олинган баҳодан келиб чиққан холда кейинги тузатишни киритиши шарт.

Тайёр махсулот таннархидан паст баҳода реализация қилинган ёки топширилган тақдирда ўртача олинган баҳони хисоб-китоб қилиш учун таннарх қабул қилинади, лекин у декларация қилинаётган баҳолардан юқори бўлмаслиги керак.

Тайёр махсулот (тайёр махсулотнинг бир қисми) бошқа тайёр махсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлган ёки тайёр махсулот (қайта ишлаб ҳосил қилинган махсулот) ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган холларда бўндай махсулот учун Солиқ солинадиган база кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан холда аниқланади.

2.3. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қазиб олиннадиган хом-ашё турлари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг табақалаштирилган ставкалари белгиланган. Фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг табиий ноқулай шароитда ишлайдиган конлар давлат томонидан қўшимча равишда қўллаб қувватланади. Уларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкаларни жорий этиш орқали бундай корхоналар ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва замонавийлаштиришга қўшимча маблағлар йўналтириш имкониятига эга бўлади. Ҳозирги вақтда жами 53 турдаги фойдали қазилмаларга нисбатан табақалаштирилган тарзда солиқ ставкалари ўрнатилган.

2014 йил 1 январдан бошлаб ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари қуйидагича белгиланган.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ
СТАВКАЛАРИ⁶**

Солиққа тортиш объектининг номи	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари, фоизда
1. Асосий ва қўшимча фойдали қазилмалар олинishiга нисбатан солиқ ставкалари	
<i>Энергия ташиувчилар:</i>	
Табиий газ	30,0
Ер остидан қазиб олинган газ	2,6
Нобарқарор газ конденцати	20,0
Нефть	20,0
Кўмир	4,0
<i>Рангли ва ноёб металлар:</i>	
Тозаланган мис	8,1
Молибденли саноат маҳсулоти	4,0
Концентрантланган қўрғошин	4,0
Метал рух	4,0
Вольфрам концентрати	10,4
Уран	10
<i>Асл металлар:</i>	
Олтин	5,0
Кумуш	8,0
Қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зиб-зийнат учун тошлар хом-ашёси	24,0
<i>Қора металлар:</i>	
Темир	4,0
<i>Кон-кимё хом-ашёси:</i>	
Тош (овқатга ишлатиладиган) туз	3,5
Калий тузи	3,5
Натрит сульфат	3,5
Фосфоритлар (графитларда)	5,0
Карбонат хом-ашёси (оҳактошлар, доломитлар)	3,5
Глауконит	3,5
Минерал пигментлар	4,8
<i>Кон-руда хом-ашёси:</i>	
Плавик шпатли концентрат	21,2
Табиий графит	8,0
Иккиламчи бойитилмаган кулранг каолин	7,9
Кварц – дала штапли хом –ашёси	6,5
Шиша хом –ашёси	3,0

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли қарори.

Бентонитли лой	4,8
Тальк ва тальк тоши	4,0
Талькомагнит	4,0
Минерал бўёқлар	5,7
Воллостанит	4,0
Асбест	4,0
Минерал тола ишлаб чиқариш учун базальт	4,0
Барий концентрати	4,0
Металлургия учун норуда хом-ашёси:	
Ўтга чидамли, қийин эрувчан, қолиблаш гилмояси	4,0
Оҳактошлар, доломитлар	4,0
Кварц ва кварцитлар	6,5
Қолиплаш қумлари	4,0
Норуда қурилиш материаллари:	
Цемент хом-ашёси	3,5
Табиий безактошдан блоклар	3,5
Мармар ушоғи	3,8
Гипс тоши, ганч	5,3
Керамзит хом –ашёси	3,5
Ғишт – черепитса (қумоқсимон, лёссимон жинслар, зичловчи сифатида лёсслар, қумлар ва бошқалар)	3,5
Гипс ва ангидрит	4,0
Арраланадиган, харсангтош ва шағал учун тошлар	4,0
Қурилиш қумлари	3,5
Тош-шағал аралашмаси, шағал аралашмаси, майда тошлар, шағал	4,0
Қумтошлар	3,5
Чиғаноқ	3,5
Сланеклар	3,5
Аглопорит	3,5
Бошқа кенг тарқалган фойдали қазилмалар (маргеллар, аргелитлар, амвритлар ва бошқалар)	3,5
2. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом-ашёни қайта ишлаш жараёнида олинган техноген ҳосилалардан фойдаланганлик ҳуқуқи учун	асосий фойдали қазилма бойлигини қазиб олганлик ставкасидан 30 %

2.4. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби

Ер қаъридан фойдаланганлик учун Солиқ Солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун Солиқнинг ҳисоб-китоби Солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат Солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади: юридик шахслар томонидан — ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан

кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот такдим этиладиган муддатда;

жисмоний шахслар томонидан — йилига бир марта, Солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун Солиқ тўлаш қуйидагича амалга оширилади: микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан — ҳисоб-китоб такдим этиладиган муддатдан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25 -кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот такдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

3. Қўшимча фойда солиғи

Солиқ тўловчилар

Қўшимча фойда солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

айрим фойдали қазилмаларни (фойдали компонентларни) кавлаб олишни (ажратиб олишни) амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар;

фойдали қазилмалардан ишлаб чиқариладиган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик шахслар.

Маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича фаолиятни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар қўшимча фойда солиғини тўловчилар бўлмайд.

Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база

Солиқ тўловчининг ҳисобот давридаги даромадининг бир қисми қўшимча фойда солиғини солиш объектидир.

Солиқ солинадиган база қонун ҳужжатларида белгиланган ҳисоб-китоб баҳоси билан реализация қилиш баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Фойдали қазилмалар ва солиқ солинадиган маҳсулот рўйхати, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Қўшимча фойда солиғи солинадиган фойдали қазилмалар ва маҳсулот турлари рўйхати, шунингдек солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

4. Бонуслар

Умумий қоидалар

Бонус ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган бир марталик тўловдир.

Ер қаъридан фойдаланувчи қуйидаги турдаги бонусларни тўлайди: имзоли бонус;

тижоратбоп топилма бонуси.

Давлат бошқаруви органлари бонуслар тўламайди.

Имзоли бонус

Имзоли бонус ер қаъридан фойдаланувчининг тегишли лицензия асосида фойдали қазилмаларни аниқлаш, қидириш ва кавлаб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун бир марталик қатъий белгиланган тўловдир.

Имзоли бонус лицензия олинган кундан эътиборан солиқ тўловчи томонидан ўттиз кундан кечиктирмай бюджетга тўланади ва бу ҳақда солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ёзма шаклда хабар қилинади.

Тижоратбоп топилма бонуси

Тижоратбоп топилма бонуси тегишли лицензияда кўрсатилган ер қаъри участкасида фойдали қазилма конларининг ҳар бир тижоратбоп топилмаси учун, шу жумладан дастлабки белгиланган ажратиб олинаётган захираларни кўпайтиришга олиб келувчи конларни қўшимча қидириш ўтказиш чоғидаги фойдали қазилмалар топилмаси учун тўланадиган тўловдир.

Фойдали қазилма конларини кейинчалик уларни кавлаб олишни назарда тутмайдиган қидириш ўтказишда тижоратбоп топилма бонуси тўланмайди.

Ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган конда фойдали қазилмаларнинг қазиб олинadиган захиралари ҳажми солиқ солиш объектидир.

Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинadиган ҳажмининг қиймати солиқ солинадиган базадир. Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинadиган ҳажмининг қиймати ваколатли давлат органи белгилаган ахборот манбаларининг маълумотларига кўра халқаро биржада белгиланган биржа баҳоси бўйича ҳисоблаб чиқилади. Жаҳон бозорида нарх мавжуд бўлмаган тақдирда, қазиб олинadиган фойдали қазилмаларнинг қиймати ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Тижоратбоп топилма бонуси солиқ солинадиган базадан ва бонуснинг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тижоратбоп топилма бонусининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ваколатли давлат органи фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаган кундан эътиборан йигирма беш кундан кечиктирмай солиқ тўловчи томонидан тақдим этилади.

Тижоратбоп топилма бонусини тўлаш ваколатли давлат органи фойдали қазилмалар захираларининг кондан қазиб олинadиган ҳажмини тасдиқлаган кундан эътиборан тўқсон кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

5.1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар

Ўзбекистон шароитида сув кадрли ҳисобланади. Чунки, республикамизда қишлоқ хўжалиги асосан суғориладиган ерлардан иборат. Сув ҳар қандай давлат учун асосий бойлик ҳисобланади.

1998 йилга қадар сувдан фойдаланаётган корхоналар “сув учун тўлов” тўлашар эди. Истеъмолчиларнинг сувдан самарали, тежаб фойдаланиш мақсадида республикамиз солиқ қонунчилигига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунига кўра 1998 йил 1-январдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ жорий этилди. Ушбу солиқ умумдавлат солиқлари таркибига кириб, республика бюджетининг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. 2008 йилда Давлат бюджетига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушуми 34920 млн. сўм тушиши прогнозлаштирилган бўлиб, бу бюджет даромадларининг 0,5 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги 744-сонли қарорига асосан ушбу солиқ тушуми маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетига улушини кўпайтириш мақсадида тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилди.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни ёки сув истеъмолини амалга оширувчи қуйидаги шахслардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчидир.

қуйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, Х бўлимда назарда тутилган тартибда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи бўлади;

агар Солиқ Кодекснинг Х бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Солиқ Кодексга мувофиқ солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

5.2. Солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база ва уни белгилаш тартиби.

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари **солиқ солиш объектидир.**

Сув ресурсларининг ер усти манбаларига куйидагилар киради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ҳовузлар, ер устидаги бошқа сув хавзалари ҳамда сув манбалари.

Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан қудуклари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олинадиган сувлар киради.

Фойдаланилган сувнинг **ҳажми солиқ солинадиган базадир.**

Солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сувдан фойдаланиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритадилар. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоқларидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Сув етказиб берувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 февралига қадар тақдим этишлари керак. Давлат солиқ хизмати органлари бу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим.

Солиқ тўловчи иссиқ сув ҳамда буғ ҳосил қилиниши бўйича солиқ солинадиган базани ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ўзи фойдаланган сув ресурслари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Биоларнинг бир қисми, алоҳида жойлар ижарага топширилганда солиқ солинадиган база сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи томонидан аниқланади.

Биоларнинг бир қисмини, алоҳида жойларни ижарага олган ва сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган юридик шахслар солиқ солинадиган базани мустақил равишда аниқлайди.

Солиқ тўловчилар юридик шахслар билан сув етказиб берилиши юзасидан солиштириб кўриш жараёнида олинган сувнинг ҳажмини аниқлаштиришда сув ҳажми фарқини солиштирув амалга оширилган даврдаги ҳисоб-китобларда акс эттиради.

Юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар бу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди. Қурилиш ишлари янги қурилиш майдонида бажарилган тақдирда, қурилишда фойдаланиладиган сув ҳажми учун қурилиш ташкилоти сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ солинадиган базани солиқ даврида бир гектар суғориладиган ерларни суғориш учун сарфланадиган сувнинг бутун хўжалик бўйича ўртача ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун солиқ солинадиган база Солиқ модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан аниқланади.

5.3. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентини қарори томонидан белгиланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270 сонли қарорига асосан 2015 йилга солиқ ставкалари

Тўловчилар	1 куб. м учун ставка (сўм)	
	ер усти сув ресурслари манбалари	ер ости сув ресурслари манбалари
1. Иқтисодиётнинг барча тармоқ-иаридаги корхоналар (2, 3, 4-бандларда кўрсатилганларидан ташқари)	61,9	78,6
2. Электростанциялар	17,9	26,6
3. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	34,0	43,9
4. Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар:		
- алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда фойдаланган сув ҳажмидан	10 000	10 000
- бошқа мақсадлар учун	61,9	78,6

Сувдан кишлок хўжалик экинлари ва кўчатларини суғориш учун фойдаланадиган ёрдамчи хўжаликларга эга юридик шахслар, шунингдек илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг ўқув-тажриба хўжаликлари солиқни кишлок хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

5.4. Солиқ имтиёзлари

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

2) сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

3) бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари;

4) ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий равишда тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, Солиқ имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база қуйидаги ҳажмларга камайтирилади:

1) соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

3) атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олинadиган ер ости сувлари ҳажмига, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно;

4) шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни казиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажмига, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

5) гидроэлектр станциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;

6) кишлок хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.

5.5. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ суммаси Солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган холда тузилган дехкон хўжаликлари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ суммаси давлат Солиқ хизмати органлари томонидан Солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан холда белгиланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат Солиқ хизмати органларига қуйидагилар томонидан йилига бир марта тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан (кишлоқ хўжалиги корхоналари бундан мустасно) — йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

ягона ер солиғини тўлашга утмаган кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан — жорий Солиқ даврининг 15 декабригача;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — Солиқ давридан кейинги йилнинг 25 январигача.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган холда тузилган дехкон хўжаликларида давлат Солиқ хизмати органлари томонидан Солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай топширилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасининг ҲИСОБ-КИТОБИ

200___йил _____ учун

	Ҳажм					
	юзадаги манбалар		ер ости манбалари		жами	
	йил боши дан	ҳисобот чораги учун	йил боши дан	ҳисобот чораги учун	йил боши дан	ҳисобот чораги учун
1. Ҳисобот даври учун олинган сувнинг умумий ҳажми, куб. м						
2. Солиқ солинадиган базадан чиқариладиган сув ҳажми, куб. м						
Шу жумладан фойдаланиш турлари бўйича:						
3. Ҳисобот даври учун солиқ солинадиган сув ҳажми (1-сатр — 2-сатр), куб. м						

4. 1 куб. м, учун солиқ ставкалари, тийин						
5. Ҳисобот даври учун тўланадиган солиқ суммаси, сўм						
6. Ҳисобот даври учун бюджетга олдин тўланган солиқ суммаси						
7. Ҳисобот даври учун тўланиши керак, сўм						

Солиқ тўлаш тартиби

Солиқ даври мобайнида Солиқ тўловчилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ бўйича жорий тўловларни тўлайдилар, бундан ягона ер солиғини тўлашга утмаган кишлок хўжалиги корхоналари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган холда тузилган дехкон хўжаликлари мустасно.

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун Солиқ тўловчилар жорий Солиқ даврининг 25 январигача, янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат Солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган Солиқ солинадиган базадан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган Солиқ ставкаларидан келиб чиққан холда ҳисобланган жорий Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади:

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) — ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида;

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан камни ташкил этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар, кичик корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган Солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда, Солиқ тўловчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда Солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ тўлаш жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда Солиқ тўловчилар томонидан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади, бундан юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехкон хўжаликлари мустасно.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган Солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ миқдорга камайтирилган тақдирда, давлат Солиқ хизмати органи жорий тўловларни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехкон хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун Солиқ тўлаш йилига бир марта, Солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майигача амалга оширилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Ер қаъридан фойдаланганда солиққа тортишнинг зарурлиги нимада?
2. Бонуслар нима?
3. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар кимлар?
4. Ер қаъридан фойдаланганда солиққа тортиш объекти ва базаси қандай аниқланади?
5. Қайси мезонлар асосида солиқ ставкалари табақалаштирилади?
6. Солиқ кодексида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан имтиёзлар кўзда тутилганми?
7. Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланувчи жисмоний шахслар қандай тартибда солиқ мажбуриятларини амалга оширадilar?
8. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби қандай?
9. Қўшимча фойда солиғи деганда нимани тушунасиз?

10. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишдан кўзда тутилган мақсад нима?
11. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари кимлар?
12. Жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилари бўлаолишадими?
13. Солиққа тортиш объекти қандай тартибда аниқланади?
14. Солиқ ставкалари қайси давлат органи томонидан белгиланади ва қайси мезонлар асосида ўрнатилган?
15. Қандай юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқдан озод этилади?
16. Деҳқон хўжаликлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни бюджетга тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?
17. Солиқ қайси муддатда давлат бюджетига ўтказилади?

Маъруза 7. ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ. ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ЕР СОЛИҒИ (2-соат)

Режа:

- 1.Юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ
 - 1.1. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар.
 - 1.2. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни объекти, солиқ солинадиган база ва солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби.
 - 1.3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар.
 - 1.4. Юридик ва жисмоний шахсларни мол-мулк солиғи ставкалари.
 - 1.5. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби.
2. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи.
 - 2.1.Ер майдонларининг солиққа тортилишининг асосий сабаблари. Ер солиғининг иқтисодий моҳияти.
 - 2.2. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар.
 - 2.3. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини солиқ солиш объекти ва лик солинадиган база.
 - 2.4. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғига имтиёзлар.
 - 2.5. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаси.
 - 2.6. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби.

1.1.Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар

Ўзбекистонда корхоналар фаолиятини солиққа тортиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг жорий қилиниши бўлди. Мол-мулк солиғи дастлаб, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида” ги Қонунига асосан жорий этилди ва шу билан бирга корхоналарнинг ишлаб

чиқариш фондларига тўлов ҳамда транспорт воситаларига солинадиган солиқ бекор қилинди.

Ҳозирги вақтда ушбу солиқнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ҳамда бошқа солиқ қонунчилиги билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон солиқ тизимида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўғри солиқлар таркибига киради ва моҳиятига кўра бу солиқ асосий фондлар шаклидаги ресурсларга нисбатан белгиланган солиқ ҳисобланади. Мазкур солиқ бўйича тушумлар суммаси тўлиқ маҳаллий бюджетларга тушади ва у бюджетнинг барқарор даромад манбаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат солиқ тизимида мол-мулк солиғини жорий қилишдан кўзланган мақсад *биринчидан*, корхоналар ўзларининг хўжалик фаолиятини юритишда ортиқча ва фойдаланилмаётган мол-мулкни сотишга қизиқишини уйғотиш бўлса, *иккинчидан*, корхоналар балансидаги мол-мулкдан самарали фойдаланишни рағбатлантиришдан иборат. Чунки, корхоналарнинг маънавий ва жисмоний томондан эскирган асосий воситаларини янги, илғор технология-ускуналар билан янгиллаштириш ишлаб чиқарилаётган товарларнинг баҳосини арзонлаштиради ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг балансидаги барча мулклардан солиқ тўлашга мажбур қилиш уни ортиқча бино, иншоотлар, машина ва ускуналардан қутилишига ундайди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантиришга, маҳсулот таннархини пасайтиришга ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини яратади. Шунингдек, мол-мулк солиғи даромад ва мулк тақсимоотидаги номутоаносибликни бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг норезидентларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг фаолияти Солиқ Кодекснинг 20-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги

доимий муассаса орқали амалга ошириладиган фаолият деб эътироф этилади.

Қуйидагилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, Солиқ бўлимида назарда тутилган тартибда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилардир;

агар Солиқ Кодекснинг ХХ бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Солиқ Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир.

1.2. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни объекти, солиқ солинадиган база ва солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни объекти, солиқ солинадиган база ва солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби

Қуйидаги мол-мулк солиқ солиш объектидир:

1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;

(266-модданинг биринчи қисми **иккинчи банди** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги УРК-343-сонли Қонунига асосан чицарилган)

3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига муайян қурилиш объектига доир лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма турт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради;

4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар. Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж

килиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация килинаётган объектларда лойиха- смета хужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қуйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар киради. Лойиха-смета хужжатларида асбоб- ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш кураётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар Солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун қуйидагилар Солиқ солиш объектидир:

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ қайси асосий воситалар бўйича ҳисоб юритаётган бўлса, уша асосий воситалар;

ушбу доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, мазкур норезидентларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган қўчмас мулк.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган қўчмас мулк солиқ солиш объектидир. Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан мулк қилиб олинган (реализация қилинган) қўчмас мулк объекти тўғрисидаги маълумотларни Солиқ объектлар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

Қонун хужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ер участкалари ва (ёки) номоддий активлар таркибида ҳисобга олинadиган улардан фойдаланиш ҳуқуқи солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди.

Солиқ солинадиган база

Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

асосий воситалар бўйича — асосий воситаларнинг уртача йиллик қиймати. Асосий воситаларнинг қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан Солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича — тугалланмаган қурилишнинг ва урнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ва учинчи қисмида кўрсатилган кўчмас мулк объектларига нисбатан ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати Солиқ солинадиган базадир.

Солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охирги кундаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\begin{array}{l} \text{Ўртача} \quad \frac{1 \text{ янв.га } Q_1 \text{ фев.га } Q_2 \dots Q_{12} \text{ дек.га } Q_{12} \text{ янв.га}}{\text{йиллик қ} \quad 12} \\ \text{қолдиқ} \\ \text{қиймати} \end{array}$$

Агар мол-мулк ойнинг биринчи ярмида корхона балансига кирим қилинса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини ҳисоблашда тўлиқ ой деб қабул қилинади, агарда мол-мулк ойнинг иккинчи ярмида балансга кирим қилинган бўлса, унда мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати амалга киритиш ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади.

Масалан, юридик шахс 25 октябрда таъсис этилган. Бунда:

2014 йил учун ҳисоблаб чиқаришга юридик шахс
мол-мулки ўртача йиллик қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби

Баланс моддалари номи	Баланс коди сатри	Баланс моддалари бўйича суммалар				
		1.01		01.11	01.12	01.01
Асосий воситалар	010			950	950	935
Номоддий активлар	020					
Асосий воситаларнинг эскириши	011, 021			90	100	115

Солиқ солинадиган мол- мулкнинг қолдиқ қиймати	012, 022			860	850	820
---	----------	--	--	-----	-----	-----

$$\text{Солиқни ҳисоблаб чиқариши учун мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{860 : 2 + 850 + 820 : 2}{12} = 140,83$$

2) ҳисобот йилининг I-чораги учун:

$$\text{1-чорак учун солиқни ҳисоблаб чиқаришига мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{\frac{1 \text{ январ}}{2} + 1 \text{ феврал} + 1 \text{ март} + \frac{1 \text{ апрел}}{2}}{12}$$

3) 12 мартдан мол-мулк солиғини тўловчи бўлган юридик шахс учун:

$$\text{1-чорак учун солиқни ҳисоблаб чиқаришига мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қиймати} = \frac{\frac{1 \text{ март}}{2} + \frac{1 \text{ апрел}}{2}}{12}$$

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Солиқ Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ва учинчи қисмида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари бўйича солиқ солинадиган база мазкур объектларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган қиймат асосида аниқланади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар бир ойдан кам муддатга ижарага берилган мол-мулк бўйича солиқ солинадиган базани бу мол-мулкнинг мазкур ойнинг охирги кундаги ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқилган қолдиқ қийматини ўн иккига ва шу ойдаги календарь кунлар сонига бўлишдан олинган, мазкур мол-мулк ижарада турган кунлар сонига кўпайтирилган бўлинма сифатида аниқлайдилар. Бинонинг бир қисми ижарага берилган тақдирда, солиқ солинадиган база умумий майдони бир квадрат метрининг қолдиқ қийматини ижарага берилган майдоннинг ўлчамига кўпайтириш орқали аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олиннадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

Солиқ солинадиган база

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиладиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг қонун ҳужжатлари билан белгиладиган шартли қиймати солиқ солинадиган базадир.

Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича тўловчи бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

1.3. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига (ўртача йиллик қийматига) камайтирилади:

1) коммунал хўжалиги объектларининг. Коммунал хўжалиги объектларига қуйидагилар киради: водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни тақсимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учўн қозонхоналар (шу жумладан асбоб-ускуналар);

2) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳасига кирадиган ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;

(269-модданинг биринчи қисми **3-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги УРК-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган)

(269-модданинг биринчи қисми **4-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги УРК-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган)

5) суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объектларининг;

(269-модданинг биринчи қисми **6-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги УРК-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган)

(269-модда биринчи қисмининг **7-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги УРК-274-сонли Қонуни билан чиқарилган)

8) табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнгин хавфсизлиги учўн фойдаланиладиган объектларнинг. Объектларни табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлари ва ёнгин хавфсизлиги учўн фойдаланиладиган объектларга киритиш тегишли табиатни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнгин назорати органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади;

9) умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр ўзатиш линияларининг, шўнингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг;

10) консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

12) Солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг;

13) шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотлари транспорт воситаларининг (автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен поездлари);

14) тузилган шартномаларга мувофик юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишлар бажариш учўн касаначиларга бепул фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарнинг (фойдаланиш даврига);

15) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг;

16) кўпи билан ўн йил давомида ишлатиб келинаётган машина ва асбоб-ускуналарнинг.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

1) соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат ташкилотлари;

2) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги корхоналари. Уй-жой-коммунал ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжаликлари жумласига уй-жой фондини бевосита бошқариш, сақлаш ҳамда ўндан фойдаланишни амалга оширувчи ташкилотлар, санитария тозалаш ва йиғиштириш, ободонлаштириш

ва кукаламзорлаштириш, шаҳарлар ҳамда шаҳарчаларни ташки ёритиш, водопровод сув олиш иншоотларидан, тақсимланадиган тармоқлардан (тозаловчи иншоотлари билан) фойдаланиш ва сувни тақсимлаш, канализация тармоқларидан фойдаланиш (тозалаш иншоотлари билан), газ тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ҳамда газни тақсимлаш, козонхона, иссиқлик тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ва коммунал-маиший эҳтиёжларга ҳамда аҳолига иссиқликни тақсимлашни бевосита амалга оширувчи ташкилотлар, хизмат биноларининг хўжалик бошқармалари, ут учиретиш командалари, уй-жой-коммунал хўжалигининг хўжалик бошқармалари, уй-жой-коммунал хўжалиги ва шаҳар хўжалигининг умумфуқаровий аҳамиятга молик бошқа корхоналари киради;

(269-модданинг иккинчи қисми **3-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги УРК-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган)

4) янги ташкил этилган корхоналар — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизида ташкил этилган корхоналарга, шўнингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди;

(269-модда **иккинчи қисмининг 4-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги УРК-241-сонли Қонўни таурида — УР К%Т, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

5) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларини — юридик шахсларни давлат рўйхатидан утказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонўн ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тухтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда Солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқга имтиёзлар.

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол- мулкига солинадиган солиқ солинмайди:

1) «Ўзбекистон қаҳрамони», Совет Иттифоқи қаҳрамони, Меҳнат қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг. Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи

қахрамони, Меҳнат қахрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (атнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) ўн нафар ва ўндан ортиқ болалари бор аёлларнинг. Мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади;

(275-модданинг **биринчи қисми 4-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)

5) пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

6) I ва II гуруҳ ногиронларининг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий- меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

7) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тўзумини химоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контўзия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ота-оналарининг ва бева хотинларининг (бева эрларининг). Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса мухри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қумитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тўзумини химоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари

ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз факат улар янги никохдан утмаган тақдирда берилади.

(275-модда биринчи қисмининг **8-банди** Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган)

Ушбу модда биринчи қисмининг 3, 5 ва 6-бандларида кўрсатилган имтиёзлар қонун ҳужжатларида белгиланган Солиқ солинмайдиган майдон улчами доирасида берилади.

Ушбу моддада белгиланган имтиёзлар мулкдорнинг танлашига биноан факат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади.

Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди.

1.4. Юридик ва жисмоний шахсларни мол-мулк солиғи ставкалари.

Юридик шахсларни мол-мулк солиғи ставкалари

Корхоналарнинг мол-мулки 4 фоиз ставкаси бўйича солиқ солинади.

Солиқ ставкаси мол-мулкнинг қайта баҳолаш натижасидаги қолдиқ нархига қўлланилади.

Ташкилотларнинг асосий фондларини қайта баҳолашданасосий мақсад уларни ҳозирги кундаги қийматларга мослаштиришдир.

Ҳисобот йилининг биринчи сана ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисоботда асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий давр учун акс эттирилади. Бунда йил бошидаги маълумот аввалги йил охиридаги маълумотга тўғри келмаслиги асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши натижаси сифатида кўрилади, ва бу ҳолат молиявий давр учун берилган ҳисобот вақтида тушунтириш хати орқали кўрсатилади.

«1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартаби тўғрисида»ги Низомга (2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан АВ рўйхатдан ўтган) биноан қайта баҳолаш мақсадида ташкилотларнинг асосий фондлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- а) ўзининг асосий воситалари;
- б) ўрнатиладиган ускуналар;
- в) тугалланмаган қурилиш объектлари;
- г) узоқ муддатга ижарага олинadиган, шу жумладан узоқ муддатли лизинг бўйича олинган асосий воситалар.

Асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш ҳар йили (жорий йилнинг 1 февралигача) 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади.

Қайта баҳолаш чоғида асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати, яъни улар худди шундай янги объектларга тўлиқ алмаштирилган тақдирда ташкилот амалга ошириши керак бўлган харажатларнинг тўлиқ қиймати қайта баҳолаш санасида мавжуд бўлган бозор нархлари (тарифлари) бўйича аниқланади, бунга объектларни харид қилиш (қурилиш), ташиш, ўрнатиш (монтаж қилиш) харажатлари, импорт қилинадиган объектлар учун эса — шунингдек божхона тўловлари ва ҳоказолар киритилади.

Асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати ташкилотнинг хоҳишига қараб қайта баҳолашни ўтказиш даврида 1 январга шакллланган, баҳоланаётганларига айнан ўхшаш бўлган янги объектларга ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича алоҳида объектлар

Маҳсулот экспортини амалга оширадиган экспорт қилувчи корхоналар мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этаётганларида экспорт қилинадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га доир маълумотномани тақдим этадилар.

«ЎзР ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ товарларни экспорти деганда товарни ЎзР божхона худудидан уларни қайтадан олиб кирмаслик шарти билан олиб чиқиб кетишга айтилади, агарда қонун ҳужжатларида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса,

Бажарилган ишни, кўрсатилган хизматни чет давлат юридик ёки жисмоний шахсига Ўзбекистон Республикаси юридик ёки жисмоний шахси томонидан жойидан қатъи назар бажарилса (кўрсатилса), у ҳолда ишлар (хизматлар)нинг экспорти дейилади.

Меъёردаги муддатларда ўрнатилмаган ва ишлатилмаган ускуна учун мол-мулк солиғи корхона томонидан **икки** баравар кўпайтирилган ставка бўйича тўланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулки солиқ ставкаси

Жисмоний шахсларнинг мол-мулклари Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори томонидан белгилаб берилган ставкаларда солиққа тортилади. Солиқ ставкалар ҳар йили ЎзР Президентинингнинг «Ўзбекистон Республикасининг ... йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори билан индексацияланиб туради.

2015 йил учун жисмоний шахсларни мол-мулкига солиқ ставкалари қуйида келтирилган:

№	Солиққа тортиш объекти	Солиқ ставкаси (%)
1	Турар жойлар, квартиралар (майдон сатхи 200 кв.м.кам бўлган ҳолда), дала ҳовли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар уларнинг қийматидан келиб чиқиб*	1.3
2	Шаҳарларда жойлашган турар жойлар, квартиралар,	

	умумий майдони:	
	200 кв.м. ортиқ 500 кв. м. гача	1,6
	500 кв. м. ортиқ	2,2

1.5. Юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчи – Ўзбекистон Республикасининг резиденти томонидан Солиқ Кодекс 267-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар ҳар ойда жорий тўловларни тўлайдилар, микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно. Жорий тўловлар суммаси тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматдан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида белгиланади. Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчи солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига белгиланган шаклдаги маълумотномани жорий йилнинг 20 январигача тақдим этади.

Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Тўланиши лозим бўлган, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган кундан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Солиқ Кодекснинг 79-моддасида назарда тутилган тартибда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи сифатида Ўзбекистон

Республикаси давлат солиқ хизмати органида ҳисобда туриши шарт. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январигача доимий муассасанинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига мавжуд солиқ солинадиган мол-мулк тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади. Тақдим этилган маълумотнома асосида давлат солиқ хизмати органи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобини ўн кун ичида амалга оширади ва тўлов хабарномасини ёзади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчмас мулкка эга бўлган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказувчи органда рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўттиз кун ичида мустақил равишда ёхуд ўзининг ваколатли вакили орқали Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчи сифатида ҳисобга туришлари шарт. Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органи Ўзбекистон Республикасининг норезидентига ёки унинг вакилига солиқ тўловчидан ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органдан олинган маълумотлар асосида тўлов хабарномаси ёзади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йилда бир марта солиқ ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмасдан тўланиши керак.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар йили 1 февралгача объектнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматини ва унинг мулкдорини кўрсатган ҳолда маълумот тақдим этади.

Солиқ Кодекснинг 275-моддасида кўрсатилган имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар имтиёзларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этадилар.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бир нечта мулкдорнинг умумий улушли мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мулкдорларнинг ҳар бири томонидан уларнинг Солиқ

иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мулкига солинадиган солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошланишига қадар, янги мулкдор томонидан эса унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ улар барпо этилган йилдан кейинги йил бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ меросхўрларда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган, бузиб ташланган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тўхтатилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик, бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади.

Календарь йил мобайнида имтиёз ҳуқуқи вужудга келган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш Солиқ ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш 15 октябрга қадар амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи.

2.1. Ер майдонларининг солиққа тортилишининг асосий сабаблари. Ер солиғининг иқтисодий моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар** — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали довдарахтлар ва тоқзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

2) **аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари** — шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар;

3) **саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар** — кўрсатилган мақсадларда фойдапаниш учун юридик шахсларга берилган ерлар;

4) **табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар** — алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва **туризм** учун фойдаланиладиган ерлар;

5) **тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар** — тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар;

6) **ўрмон фонди ерлари** — ўрмон билан қопланган, шунингдек ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар;

7) **сув фонди ерлари** — сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар;

8) **захира ерлар.**

Ерлар асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлинади.

Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади — ерлардан ер-кадастр ҳужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва шартларидир.

Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади.

Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади (Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, шаҳар, туман давлат бошқарув органлари).

Ер фондининг тоифаси ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ҳужжатларида кўрсатилади.

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ғайриқонуний деб ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этишга асос бўлади.

Ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат ер кадастрида ва давлат рўйхатида олиш ҳужжатларида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир.

Юридик шахслар доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига асосан ер давлат мулки — умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиши қуйидаги ҳолатларда амалга оширилиши мумкин:

— юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади;

— дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади;

— чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг — дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Ер участкаларига доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ҳамда улардан доимий ва муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга кишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа мақсадлар учун ҳам доимий эгалик қилишга берилади.

Доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун ер участкалари тақдим этилади:

— Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига;

— саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига;

— чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга;

— чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ер участкаларига эгалик қилиш, фойдаланиш, ижарага олиш ва уларга мулк ҳуқуқини бериш (сотиш) ер участкаларини ажратиш тартибида амалга оширилади.

Ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонунда белгиланган тартибда ажратилади.

Эгалик ҳуқуқидаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва уларда мулк ҳуқуқидаги бўлган ер участкаларини ажратишдан (сотишдан) аввал ер участкаларини белгиланган тартибда олиб қўйилгандан (қайта сотиб олингандан) кейингина амалга ошириш мумкин.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва элеур узаташ линиялари қуриш, магистрал ўтказувчи қувурлар ётқизиш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигага мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади). Ўрмон фондига қарашли ерлардан мазкур мақсадлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бута ва арзонбаҳо довдарахтлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ер тузиш хизмати органлари томонидан берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегараларини натурада (жойнинг ўзида) белгилагуноларига ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар ана шу участкага эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

Ер участкаларига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қуйидагича бўлиши мумкин:

- қисқа муддатли — уч йилгача;
- узоқ муддатли — уч йилдан ўн йилгача;.

Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгача муддатга берилиши мумкин.

Корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи, ҳўжалик юритиш ҳуқуқи ёки уларни оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ана шу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда уларда фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдланиш ҳуқуқи ҳам ўтади.

Юридик ва жисмоний шахсларга ер участкасига нисбатан ҳуқук ваколат берилган органлар қарорлари асосида ер майдонининг чегараси, ернинг плани, ер участкаси тузилиши ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг берилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқукни Давлат рўйхатидан ўтказиш ваколат берилган органлар томонидан аризани (ер участкасига эгалик ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда) тақдим этилгандан сўнг **ўн кун** муддат ичида амалга оширилади (ЎзР Ер кодексининг 35-моддаси).

Ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартлари асосида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир.

Ер участкасини шартнома асосида қуйидагилар ижарага берадилар:

— Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига — туман ва шаҳар ҳокимлари;

— чет эл инвестициялари иштирокққаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси,

Ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, қонунда рухсат этилган ҳолатлар бундан истисно.

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитларни олиш учун гаровга қўйиши мумкин. Ижарачи фақат қонунда ёки ижара шартномасида назарда тутилган ҳоллардагина ер участкасига бўлган ўзининг ижара ҳуқуқларини ижарага берувчининг розилигисиз гаровга қўйишга ҳақлидир.

Ер участкалари ижарасининг шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига биноан белгиланади ва шартномада мустаҳкамлаб қўйилади.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар ижарага 50 йилгача бўлган, бироқ 30 йилдан кам бўлмаган муддатга берилиши мумкин.

Ижара ҳақи тўлаш мажбурияти фуқароликҳуқуқий характерга эга бўлган шартномалардан ва унинг бюджетга тўланиши эса ернинг давлат мулки бўлганлигидан келиб чиқади. Ижара ҳақини бюджетга (савдо-сотик корхоналаридан ташқари) ер участкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат органларининг қарорларига асосан ижарага олган шахслар

тўлайди. ВМнинг 2000 йил 242-сонли Қарорига мувофиқ савдо-сотиқ корхоналари ер учун ижара ҳақидан озод этилганлар.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хусусий мулки бўлган ер участкалари ижарага берилганда тўланадиган ижара ҳақи бюджетга эмас, балки ер участкалари эгаларига тўланади.

Ижара муносабатлари Тошкент шаҳрида жуда ҳам ривожланган. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахслар Тошкент шаҳри ҳркимияти ер муносабатларини тартибга солиб турувчи ва кўчмас мулк кадастри бош бошқармаси билан уларни ижара олиш бўйича шартнома тузадилар. Бундай ҳолатларда ер учун ижара ҳақларини тўлаш Солиқ кодекси билан эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан тартибга солинади. Юридик шахслар қанаай солиққа тортиш тизими қабул қилинганлигидан катъи назар ер участкаси бўйича шартнома тузиб, ўзларига унинг асосида ижарага олинган ер участкалари учун ҳақ тўлаш мажбуриятини оладилар.


1990 йилда Ўзбекистонда “Ер тўғрисида” қонун қабул қилинди ва Солиқ қонунга кўра ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишнинг пуллик бўлиши белгиланди ҳамда ер учун ҳақ йиллик ер солиғи сифатида ундириладиган бўлди.

1991 йилда “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”, 1993 йилда “Ер солиғи тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда ер солиғини ундиришда солиққа тортиш объекти, субъектлари, солиқ бўйича имтиёзлар, солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиблари кўрсатиб берилди. 1997 йилда “Солиқ кодекси”нинг қабул қилиниши ҳамда 1998 йилдан унинг кучга киритилиши билан ер солиғининг тўлақонли ҳукуқий асослари яратилди.

Ер солиғи Ўзбекистон солиқ тизимида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар таркибига киради ҳамда маҳаллий бюджетларнинг барқарор даромад манбаи ҳисобланади.

Ер солиғи бошқа солиқ турларидан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра у рента тўловидир ёки бошқача қилиб айтганда Солиқ солиқ ер эгалари ва ердан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятининг натижалари билан боғлиқ эмас. Демак, Солиқ солиқни жорий этилишидан мақсад – ердан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сифати турлича бўлган ерларда хўжалик юритишнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини тенглаштириш, аҳоли яшайдиган жойларда инфраструктура ривожланишини таъминлаш ҳамда ерни талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида жами ер фонди 2004 йилда 44410,3 минг гектарни ташкил этиб, шундан 57,8 фоизи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ихтиёридаги ер майдонларига тўғри келган. 2005 йилда эса 57,9 фоизи, 2006 йилда 58,2 фоизини ташкил қилган (2-диаграмма).



3.

2-диаграмма. Ўзбекистон Республикаси ер фонди ва унинг фойдаланувчилар ўртасидаги тақсимоти (минг га.)

Ер фонди ҳажмида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ер майдонларининг ўсиши фермер хўжаликлари сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги ва ўрмон хўжаликлари ихтиёридаги ер майдонларининг бир қисмининг улар тасарруфига ўтказилиши ҳамда захира ерларнинг ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

2.2. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар.

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчиларидир.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир.

Қуйидагилар ер солиғини тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган

тақдирда, нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган ер участкалари бўйича Солиқ бўлимида назарда тутилган тартибда ер солиғи тўловчилар бўлади;

Солиқ Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар, агар Солиқ Кодекснинг ХХ бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар.

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Уй-жой, яшаш учун мўлжалланмаган иморат ва иншоотлар мерос бўйича ўтиши билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи ва фойдаланиш ҳуқуқи ўтган ер участкалари учун ер солиғи мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда меросхўрлардан ундирилади.

2.3. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база.

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари **солиқ солиш объектидир.**

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари жумласига қуйидагилар киради:

майдонлар, кучалар, тор кучалар, йуллар, суғориш тармоғи, сохил бўйи ерлари ва бошқа шу каби ерлар;

аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (дафн этиш жойлари, маиший чиқиндиларни йиғиш, қайтадан ортиш ва саралаш жойлари, шунингдек

чикиндиларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар);

заҳира ерлар.

Солиқ солинадиган база.

Ер участкасининг Солиқ Кодексининг 282-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир.

Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солиш объектидир:

1) деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилга, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;

4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди.

Солиқ солинадиган база

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ер участкаларининг майдонига доир маълумотлари солиқ солинадиган базадир.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун

фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкаларининг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база Солиқ ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Хизмат юзасидан берилган чек ерларнинг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ўз ходимларига ер участкалари берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлари бўйича аниқланади.

2.4. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғига имтиёзлар

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғига имтиёзлар.

Ер солиғи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари – ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;

2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассокиацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

3) янги ташкил этилган деҳқон хўжаликлари – давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан эътиборан икки йилга;

4) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш конун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, Солиқ имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради:

1) боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги (кириш йўллари, суғориш ариқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар), жамоа гаражларининг ерлари;

2) муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари, бундан хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар мустасно. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари жумласига давлат кўрикхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма кўрикхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма кўрикхоналарининг (овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма кўрикхоналари бундан мустасно), табиий питомникларнинг ер участкалари киради;

3) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти

юритилаётган ерлар бундан мустасно) – тегишли муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари;

4) рекреация аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) – аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ерлар;

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) – тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий кўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар;

6) сув фонди ерлари. Сув фонди ерлари жумласига сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга белгиланган тартибда берилган сув ҳавзалари ҳамда бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ажратилган минтақа ерлари киради;

7) электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;

8) умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

9) маданият, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш объектлари эгаллаган ерлар;

10) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар;

11) умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўллар станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган ихота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

12) шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

13) спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

14) аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари: магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, канализация

коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва канализация тармоқларидаги кузатиш кудуқлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

15) магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, трубопроводларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, трубопроводларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

16) магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (қўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, қирқуляқия насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

17) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлчалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;

18) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, норматив қурилиш муддати даврида;

19) консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар, уларнинг консервацияси даврида;

20) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

21) юридик шахс балансида бўлган ва хўжалик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар;

22) ихота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Ихота ўрмон дарахтзорлари жумласига қуйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар, қўллар, сув омборларининг ва овланадиган қимматбаҳо балиқларнинг увилдирик сочадиган жойларини муҳофаза қиладиган бошқа сув объектларининг соҳилларидаги, темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқасидаги тақиқланган минтақалар; эрозияга қарши ўрмонлар; чўл ва ярим чўл минтақаларидаги ўрмонлар; шаҳар дарахтзорлари ва ўрмонзор боғлари; аҳоли пунктлари ҳамда саноат марказлари атрофидаги яшил минтақалар дарахтзорлари; сув таъминоти манбалари санитария муҳофазаси минтақаларининг ўрмонлари; курортларнинг санитария муҳофазаси теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмон массивлари; илмий ёки тарихий аҳамиятга молик ўрмонлар;

23) қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида;

24) мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга;

25) янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Кузда ўтказилган янги кўчатлар учун бериладиган имтиёз муддатини ҳисоблаб чиқариш кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан бошланади, баҳорда ўтказилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади;

26) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Солиқ бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинади.

Белгиланган мақсадда бевосита фойдаланилмаётган ер участкаларига Солиқ моддада белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини имтиёзлари.

Ер солиғидан қуйидагилар озод қилинадилар:

(290-модданинг биринчи қисми 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги УРК-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган)

2) «Ўзбекистон қахрамони», Совет Иттифоқи қахрамони, Мехнат қахрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз «Ўзбекистон қахрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи қахрамони ва Мехнат қахрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари БЎЛИМининг маълумотномаси асосида берилади;

3) уруш ногиронлари ва катнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (катнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари БЎЛИМининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (катнашчиларга) эса ногироннинг (катнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

4) I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-мехнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

5) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушўнилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳўзуридаги бюджетдан ташқари

Пенсия жамгармаси туман (шахар) БЎЛИМининг маълумотномаси, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади;

6) боқувчисини йукотган кўп болали оилалар. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тулмаган бешта ва ўндан ортиқ болалари бўлган оилалар Солиқ солиш мақсадида боқувчисини йукотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳўзуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамгармаси туман (шахар) БЎЛИМининг маълумотномаси асосида берилади;

7) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар. Мазкур имтиёз тиббий-мехнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

(290-модданинг биринчи қисми 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган)

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача;

10) шахслар — уларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон ҳўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича — ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган имтиёзлар, бундан 6-бандда кўрсатилгани мустасно, якка тартибдаги уй-жой қурилиши, деҳқон ҳўжалиги юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органда рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга берилади. Бўнда мазкур имтиёзлар солиқ тўловчининг танлаши бўйича фақат битта ер участкасига берилиши мумкин.

Солиқ Кодекс 282-моддаси иккинчи қисмининг солиқ солинмайдиган ер участкаларига тааллуқли қисмида назарда тутилган имтиёзлар ер солиғи тўловчилар бўлган жисмоний шахсларга ҳам татбиқ этилади.

2.5. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаси.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаси.

Ер участкаси мулкдорининг, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет балли пасайган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашгунига қадар белгиланган ставкалар бўйича юридик шахслар томонидан тўланади.

Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида тўланади.

Юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ва уларнинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ер солиғи ставкалари жаҳон амалиётида қабул қилинганидек, ер қийматидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида ернинг бозор қиймати шаклланмаганлиги сабабли, 1 гектар суғориладиган ердан олинadиган деҳқончилик ялпи маҳсулотининг ўртача қийматидан келиб чиқиб, уни шартли баҳолаш амалга оширилади.

Жаҳон солиқ амалиётида ер солиғи ставкалари турли мамлакатларда турлича белгиланади, лекин ўртача олганда ер қийматининг 5 фоизидан ошмайди. Солиқ ставкаларини белгилашда тупроқ бонитети (сифати) ҳисобга олинади. Бонитетни аниқлашда тупроқнинг генетик келиб чиқиши, механик таркиби, шўрланганлик даражаси, тупроқ қатламининг сув ўтказолиши, зичлиги каби бошқа табиий хоссалари ҳисобга олинади. Тупроқ бонитети 100 балли тизим бўйича аниқланади. 100 балл 10 та классга бўлинади, яъни 1 класс ерлар ноль баллдан 10 баллгача, 2 класс ерлар 11 баллдан 20 баллгача, 3 класс ерлар 21 баллдан 30 баллгача ва ҳ.к. 10 класс ерлар 91 баллдан 100 баллгача баҳоланади. Бунда ернинг балл бонитети қанча юқори бўлса солиқ ставкаси ҳам шунча юқори белгиланади.

Ерлардан ноқишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланadиган юридик шахслардан олинadиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ги ПҚ-2099-сонли қарорига асосан қуйидагича гуруҳланади:

1. Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалиги ерлари учун ундириладиган ер солиғи ставкалари.
2. Лалми экинзорлар, бўз ерлар ва кўп йиллик кўчатлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари.
3. Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари.

4. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари.

5. Тошкент шаҳрида ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи ставкалари.

6. Шаҳар ва посёлкалардаги ер участкаларидан олинадиган ер солиғи ставкалари.

7. Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ундириладиган ер солиғи ставкалари.

8. Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғи ставкалари.

2013 йил 1 январдан бошлаб, қарорнинг 19-илоvasи 5-жадвалига мувофиқ, Тошкент шаҳри зоналари бўйича белгиланган ер солиғи ставкалари унификация қилиниб, амалдаги 14 та зона ўрнига 5 та зона белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳам ўзларининг ҳудудий территориясига қараб қарор чиқаришади ва унда тегишли коэффициентлар ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

Шаҳарлар ва шаҳар кўрғонларининг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерларига белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундирилади.

Юридик шахслар фойдаланадиган (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган), давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари учун ер солиғи юридик шахслар учун 2,0 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча фойдаланиладиган ерлар учун юқорида кўрсатилган коэффициентни қўллаган ҳолда ер солиғи тўланмаган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланади.

Маъмурий ва саноат марказларига нисбатан олганда ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ ҳолда қишлоқ жойлари учун белгиланган ер солиғи ставкаларига қуйидаги коэффициентлар қўлланади:

-Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада - 1.30;

-Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада - 1.20;

-туман марказлари атрофида 10 км лик айланада - 1,15;

-бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланада - 1,10.

Ер участкаларигача масофа шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб автомобиль йўллари бўйлаб белгиланади. Ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган тақдирда шаҳарнинг юқорида функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффициент қабул қилинади.

Бир қишлоқ аҳоли пункти доирасида ягона ставкаларни белгилаш мақсадида солиқ тўловчиларга берилган ерлар, ерларнинг қандай қисми солиқ зонага киришига боғлиқ ҳолда, бутунлай шаҳар атрофи зонасига киритилади ёки солиқ зонадан бутунлай чиқарилади.

Дехқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида ер солиғи ставкаларига, ер сифатига боғлиқ ҳолда қуйидаги коэффициентлар қўлланилади:

- тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75;
- тупроқ бонитети 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0;
- тупроқ бонитети 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.

Шаҳар ва қўрғонларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун белгиланган ставкаларга 0,1 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади.

Ўрмон хўжаликларида молларни ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган яйлов ерлар учун ер солиғи бошқа ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

Ер участкаси мулкдорининг, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет балли пасайган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашгувига қадар белгиланган ставкалар бўйича юридик шахслар томонидан тўланади.

Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги аҳолиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг **икки баравари** миқдорида тўланади.

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президент қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда хабар қилинади.

Берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаган жисмоний шахслардан ер солиғи уч барабар миқдорида ундирилади.

Жисмоний шахслар фойдаланадиган (шу жумладан, ер солиғини тўлашдан озод этилган), давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслар учун 1,5 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади. Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган майдонлардан ортиқча фойдаланиладиган ерлар учун юқорида кўрсатилган коэффициентни қўллаган ҳолда ер солиғи

тўланмаган тақдирда солиқ тўловчиларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо чоралари қўлланади.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ажратилган ер участкалари майдони ер бериш тўғрисида давлат ҳокимияти органларининг қарори, ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқи учун давлат далолатномаси, ерни ижарага олиш шартномаси, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларга кўра белгиланади.

Ер участкасига нисбатан мулк, эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, солиқ бутун майдон учун юқорида кўрсатилган ошириш коэффициентларини қўллаган ҳолда тўланади.

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади. Жисмоний шахслар учун ер солиғини ҳисоблаб чиқариш дўконлар, ошхоналар, устахоналар ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган бошқа объектлар учун фойдаланиладиган ер участкалари учун амалга оширилади.

2.6. Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби.

Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш Солиқ Кодекснинг 281-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Йил мобайнида юридик шахсларда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, улардан фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи вужудга келганида (бекор қилинганда), шунингдек улар фойдаланаётган ер майдони кўпайган (камайган) ёки ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳуқуқлари бекор қилинган (вужудга келган) тақдирда, юридик шахслар давлат солиқ хизмати органига ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини ер участкаси ажратилган (олиб қўйилган) ёки имтиёз ҳуқуқлари бекор қилинган (вужудга келган) кундан эътиборан бир ойлик муддатдан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

Солиқ даври мобайнида қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органига жорий йилнинг 1 декабрга

кадар тақдим этади.

Солиқ тўлаш тартиби.

Ер солиғини тўлаш, агар Солиқ моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.

Солиқ даври мобайнида ер солиғи тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади.

Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғини тўлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 70 фоизи;

Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва солиқ тўлаш тартиби

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Йил мобайнида ер участкаси майдони ўзгарганда ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганида (бекор қилинганда) давлат солиқ хизмати органлари мазкур ўзгаришлардан кейин бир ой ичида ер солиғини қайта ҳисоб-китоб қилишлари ҳамда солиқ тўловчига ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари керак.

Ер солиғи ер участкасининг мулкдори, ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади.

Йил мобайнида ажратилган ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслар томонидан ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади.

Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, ер солиғини тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади).

Ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёз ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланмайди. Ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар бекор қилинган тақдирда, бу солиқ мазкур ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан тўлана бошлайди.

Белгиланган тартибда берилган ер участкалари учун ер солиғи ер участкасидан фойдаланиш фактидан қатъи назар, жисмоний шахслар

томонидан тўланади.

Солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан 15 октябрга қадар амалга оширилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Мол-мулк солиғи қачон жорий этилган ва уни жорий этишдан кўзланган мақсад нима?
2. Мол-мулк солиғини давлат бюджети даромадлари таркибидаги аҳамияти қандай?
3. Юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғини тўловчилари кимлар?
4. Солиққа тортишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган корхоналар асосий фаолиятидан ташқари бошқа фаолият билан шуғулланганларида мол-мулк солиғини тўлашадими?
5. Юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғининг объекти ва базаси қандай аниқланади?
6. Корхона мол-мулкининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати қандай тартибда топилади?
7. Юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи ставкалари кимнинг қарори билан белгиланади ва қандай белгиланган?
8. Маҳсулотини экспорт қилаётган корхоналарга мол-мулк солиғини ҳисобланиши қандай тартибда амалга оширилади, агарда экспорт ҳажми маҳсулотни сотишда 31 фоизни ташкил этган бўлса?
9. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғидан кимлар имтиёзга эга?
10. Солиқ идораларига қайси муддатларда мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китоб топширилади?
11. Жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғининг тўловчилари кимлар?
12. Жисмоний шахсларнинг қандай мол-мулклари солиқ солиш объекти ва базаси ҳисобланади?
13. Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари кимнинг қарори билан белгиланади?
14. Жисмоний шахслар мол-мулк солиғидан кимлар имтиёзга эга?
15. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби қандай?
16. Ер солиғини юридик шахслардан ундиришнинг иқтисодий моҳияти нимадан иборат?
17. Ўзбекистонда ер фонди қандай таркиб топган?
18. Юридик шахсларни ер солиғини тўловчилари бўлиб кимлар ҳисобланишади?

19. Алоҳида солиқ режимиға ўтган юридик шахслар ер солиғини тўловчилари бўлиб ҳисобланишадими?
20. Юридик шахсларни ер солиғини ундириш объекти ва базаси нима?
21. Юридик шахсларни солиқ ставкалари қандай мезонлар асосида белгиланади?
22. Қандай ерлар солиқ солинмайдиган ер участкалари ҳисобланади?
23. Қандай юридик шахслар ер солиғидан озод қилинади?
24. Юридик шахсларни ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш муддатлари қандай белгиланган?
25. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғининг тўловчилари кимлар?
26. Жисмоний шахсларнинг қандай ерлари солиқ солиш объекти бўлаолади?
27. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари қандай белгиланади?
28. Жисмоний шахслар берилган ерлардан фойдланмаган ҳолатда қандай тартибда улардан солиқ ундирилади?
29. Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан қандай тартибда солиқ ундирилади?
30. Қандай тоифадаги фуқаролар ер солиғидан озод этилади?
31. Жисмоний шахсларнинг ер солиғи қайси давлат органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади?
32. Ер солиғи бўйича тўлов хабарномалари солиқ тўловчи жисмоний шахсларга қайси муддатгача етказилади ва ер солиғи қайси муддатда маҳаллий бюджетга тўланади?

Маъруза 8. СОЛИҚ СОЛИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ (2 соат)

Режа:

1. Солиқ тўловчилар.
2. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база
3. Микрофирма ва кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими
 - 3.1. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳақида тушунча
 - 3.2. Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.
 - 3.3. Имтиёзлар.
 - 3.4. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари
4. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш
 - 4.1. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун умумий тартиб
 - 4.2. Солиқ ставкаси
 - 4.3. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари
5. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш, унинг ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва уни тўлаш тартиби

1. Солиқ тўловчилар

Ягона солиқ тўловини тўловчилар қуйидагилардир:

- 1) микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно;
- 2) ходимларнинг сонидан катъи назар:
 - савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;
 - лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар.
- 3) оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — якка тартибдаги тадбиркор.

Ягона солиқ тўлови қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

акциз солиғи тўланадиган махсулот ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун Солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни казиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга, бундан махсус печлардан фойдаланган холда энергия тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно;

Солиқ Кодекснинг 57-бобига мувофиқ ягона ер солиғи ва ушбу Кодекснинг 58- бобига мувофиқ катъий белгиланган солиқ тўлаш назарда тутилган фаолият доирасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга;

махсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига ходимларининг сони бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мезонга мос келадиган юридик шахслар киради. Бунда:

ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек ўнитар (шуъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади;

юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига киритишда юридик шахснинг асосий фаолият (ихтисослиги) турига тўғри келадиган ходимлар сонининг мезони қабул қилинади.

Солиқ солиш мақсадида савдо ва умумий овкатланиш корхоналари жумласига савдо фаолияти, умумий овкатланиш соҳасидаги фаолият ўтган ҳисобот йили якунлари бўйича асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар киради.

қуйидагиларга савдо фаолияти сифатида қаралмайди:

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот бўлган товарларни реализация қилиш, шу жумладан уларни мустақил юридик шахс бўлмаган фирма дуконлари орқали реализация қилиш;

воситачи, ишончли вакил томонидан воситачилик, топширик шартномаси бўйича товарларни реализация қилиш, шу жумладан давлат даромадига утказиладиган мол- мулкни реализация қилиш;

тайёрлов фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан товарларни реализация қилиш.

Умумий овкатланиш соҳасидаги фаолият деганда қўлинария, шунингдек бошқа озик-овкат маҳсулотини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларни истеъмол қилишни ташкил этиш бўйича фаолият тушунилади.

2. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база

Ялпи тушум солиқ солиш объектидир.

Солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум деганда қуйидагилар тушунилади:

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун – ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан тушган тушум;

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун – товар обороти;

мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун – молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун – кўрсатилган хизматлар учун пул мукофоти суммаси;

тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари учун – реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад;

лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун – ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум;

Узоқ муддатли контрактларни бажаришда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушадиган тушум.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқиётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк хуқуқлар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериғи (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк хуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулк хуқуқлар);

5) мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закат тарзида

олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкый ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар;

9) акциядор – юридик шахснинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси устав фондини (устав капитални) кўпайтиришга йўналтирилганда кўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тариқасида олинган даромадлари;

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик ва топширик шартномалари ёки воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан комитент ёхуд ўзга ишончли шахс учун амалга оширилган харажатларни қоплаш ҳисобига тушган мол-мулк (пул мукофоти бундан мустасно);

12) объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

13) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

14) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) уларнинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда Солиқ маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим;

15) инвестор билан давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Солиқ солинадиган база

Қуйидагилар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солинадиган базадир:

1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

2) тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;

3) дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқиладиганда (чиқиб кетганда) ёхуд тугатиладиган юридик шахснинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солиқ солинади;

4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;

5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатиш (ҳисобдан чиқариш) натижасида олинган бошқа даромадлар.

Солиқ солинадиган база Солиқ Кодекси модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чегирмалардан ташқари қуйидагилар учун камайтирилади:

1) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган Солиқ тўловчилар — юридик шахслар учун — транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган Солиқ суммасига.

2) лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун — ютуқ (мукофот) фондининг суммасига, бироқ тарқатилган чипталарга чиққан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорига;

3) брокерлик ташкилотлари учун — битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

4) воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — реализация қилинган товар улушида товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига.

Солиқ модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база қуйидагиларга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади:

янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга, бироқ солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш юқорида кўрсатилган харажатлар амалга оширилган Солиқ давридан бошлаб,

технологик асбоб-ускуна бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайдан бошлаб беш йил ичида амалга оширилади;

ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

3. Микрофирма ва кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими

3.1. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳақида тушунча

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими умумдават солиқлари йиғиндиси, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жорий этадиган, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига, юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим бундан мустасно, ягона солиқнинг тўловини тўланишини назарда тўтади.

Солиққа тортиш тизимини танлаш ҳуқуқи микрофирма ва кичик корхоналар ихтиёрига қўйиб қўйилган қўйида келтирилган микрофирма ва кичик корхоналар бундан мустасно:

— қатъий солиқ тўлаш белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари;

— ягона ер солиғи тўловчиси бўлган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар;

— маҳсулотни бўлиш шартномаси бўйича ишларни бажараётган катнашувчилар;

— лотерея ўйинларини, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этувчилар.

Иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида кичик бизнесни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, бозорларни товарлар билан тўлдириш, рақобат муҳитини яратиш, ишсизликка барҳам бериш мамлакат олдида турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

Солиққа тортиш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон “Кичик корхоналар учун ихчамлашган солиққа тортиш тизимига ўтишни қўллаш тўғрисида” ги қарорига асосан микрофирма ва кичик корхоналар солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартибидан соддалаштирилган, яъни ихчамлаштирилган солиқ режимига ўтказилди. Бунда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш ёки умумбелгиланган тартибда солиқ мажбуриятларини бажариш ихтиёрий эканлиги қатъий белгиланди. Кичик корхоналар учун ягона солиқнинг ўрнатилиши солиқ

ҳисоб-китобини тузишни осонлаштиради ҳамда улар бир нечта солиқ тури ўрнига фақатгина битта ягона солиқ бўйича солиқ идораларига солиқ ҳисоб-китобини топшириш имкониятига эга бўлдилар. Натижада корхона ҳисобчиларининг иши бирмунча осонлашди.

Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимига фаолият турига қараб ўртача ***ҳодимлар сони маълум мезонга*** жавоб берадиган барча кўринишдаги эгалик ҳуқуқидаги юридик шахслар ўтиши мумкин, бунда ***солиққа тортишининг соддалаштирилган тизими учун фаолият тури Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси белгилаган код бўйича аниқланади.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги «1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида»ги ПФ-3305-сонли Фармонига мувофиқ:

2004 йилнинг 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуйидагилар киради:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ҳодимларининг ўртача йиллик сони банд бўлган *микрофирмалар*:

— ишлаб чиқариш тармоқларида — 20 кишидан;

— хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда — 10 кишидан;

— улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида — 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

қуйидаги тармоқдарнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

— енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати — 100 кишидан;

— машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари — 50 кишидан;

— фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар — 25 кишидан ошмаган **кичик корхоналар**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли Фармонига мувофиқ 2014 йил 1 июлдан қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат саноатида **кичик корхоналарда** ўртача йиллик ходимлари сони икки баробарга оширилди ва қуйидагини ташкил этади:

қурилиш материаллари саноати — 200 кишидан;

озиқ-овқат саноати — 200 кишидан;

енгил саноати — 200 кишидан ошмаган.

Ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат

шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар (шўъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига киритишда юридик шахснинг асосий фаолият (ихтисослиги) турига тўғри келадиган ходимлар сонининг мезони қабул қилинади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган микрофирма ва кичик корхоналарга амалдаги қонунчилик билан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялари татбиқ этилади.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар юқорида санаб ўтилган тижорат ташкилотларига улар томонидан ваколатли ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органлари, давлат статистика органлари, банклар ва бошқаларга) имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар хусусиятидан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик субъектлари эканлиги ҳақида хабарнома тақдим этган ҳолда қилинган мурожаатлар асосида берилади. Хабарноманинг тўғрилиги учун жавобгарлик хабарномани тақдим этган субъектлар зиммасига юклатилади.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўртача йиллик ходимлари сонини аниқлашда шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчи ходимлар сони ҳам ҳисобга олинади.

Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимини қўллайдиган микрофирма ва кичик корхоналар импорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ундириладиган божларини, Акциз солиғини ва қўшилган қиймат солиғини, ҳамда давлат божларини, лицензия йиғимларини, бюджетдан ташқари жамғармаларга ундириладиган ажратмаларни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги учун компенсация тўловларини тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади. Ягона солиқ тўловини тўловчи бўлган корхоналар сотиб олинган товар ва хом- ашё (материаллар) қийматидаги тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини бу товарлар (консигнацион товардан ташқари, бунда келтирилган материаллар, кўрсатилган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи давр харажатларига киритилади) ва хом ашё (материал) қийматига киритади. Етказиб берувчига иш ва хизматлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммаси бажарилган ишлар, хизматлар қиймати билан бирга харажатларга киритилади.

Акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар белгиланган тартибда Акциз солиғини солиқни тўлаган тақдирда ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин.

Бундай ҳолатда ягона солиқнинг солиқ базасига Акциз товарларини сотишдан тушган (Акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда) тушум ҳам киритилади.

2004 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаган тақдирда ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин.

Агар ягона солиқни тўловчи бўлган корхоналар асосий воситалар ва номоддий активларни ижарага берсалар, унда улар ижарага берилган (молиявий лизингдан ташқари) бу активлар қийматидан мол-мулк солиғини умумбелгиланган тартибда тўлайдилар.

Бунда Солиқ корхоналарга экспорт қилувчи корхоналар учун мол-мулк солиғи бўйича берилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

3.2. Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу Кодекснинг 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилганлар ҳамда оилавий корхона мустасно, ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

Фаолият курсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга утиш учун кейинги ҳисобот даври бошланишига камида бир ой колганда, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига такдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ҳисобот йили тугаши билан ушбу Кодекснинг 350-моддаси учинчи қисмига мувофиқ белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўловини тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот такдим этиш муддатидан кечиктирмай такдим этиладиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан махрум бўлган ўтган

хисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан қайта ҳисоб-китобни амалга оширади. Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган тўловчилар томонидан, агар улар ҳисобот йили тугаши билан ушбу Кодекснинг 350-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ҳисобланган, белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмаган бўлса, ягона солиқ тўловини тулаган ҳисобот даври учун амалга оширилади.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш учун ягона солиқ тўловини тўловчилар йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

ушбу Кодекста назарда тутилган шаклда ва тартибда умумбелгиланган солиқларнинг ҳар бир тури бўйича ҳисоб-китобларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ҳисоблаб чиқарилган умумбелгиланган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотномани.

Умумбелгиланган солиқлар суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан ошиб кетган тақдирда ошган сумма бюджетга тўланиши лозим.

Ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси умумбелгиланган солиқлар суммасидан ошиб кетган тақдирда, бюджет билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчилар билан тегишли қайта ҳисоб-китобларсиз амалга оширилади.

Агар ушбу модда олтинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳисоб-китоблар ва маълумотнома:

йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этилса, молиявий санкциялар қўлланилмайди;

йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктириб тақдим этилса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий санкциялар қўлланилади.

3.3. Имтиёзлар

Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно.

Солиқ имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

3.4. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўлови СТАВКАЛАРИ

*) Мол-мулкани молиявий ижара (лнзннг)га берадиган корхоналар учун - молиявий

N	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-11-бандларда кўрсатиб ўтилганларидан ташқари	6*
2.	Саноат соҳасидаги корхоналар	5
3.	Қурилиш ташкилотлари	5
4.	Оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, матбаа ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари	5
5.	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар	5
6.	Божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари)	6
7.	Ломбардлар	30
8.	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30
9.	Тайёрлов ташкилотлари, брокерлик идоралари (9-бандда курсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик, топшириқ ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар	33**
10.	Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13**
11.	Озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларини реализация қилиш учун турғун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган корхоналар (ижарага беришдан олинган даромадлар 60%дан кўпни ташкил этади)	30
12.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни курсатиш жойидан катъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги микдорларни ташкил этадиган корхоналар учун (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё товарлари бундан мустасно):	
	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади
13.	Хизматлар курсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 5%га пасайтирилади

ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

**) Ҳақ суммасига (ялпи даромадга) нисбатан фоизларда.

4. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш

4.1. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун умумий тартиб

ЎЗР ВМнинг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги 2002 йил 26 ноябрдаги Қарорига мувофиқ 2002 йил 1 декабрдан тартиб ўрнатилган бўлиб, унга асосан *улгуржи савдо билан юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар* улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси олган тақдирдагина шуғулланишлари мумкин бўлади.

Рухсат гувоҳномаси юридик шахсларга фақат улгуржи савдони амалга ошириш учун моддий-техник базаси (товарларнинг сақланишини, туркумланишини, навларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи ўз омборхоналари ва асбоб-анжомлари) мавжуд бўлганида ва рўйхатдан ўтиш вақтида энг кам ойлик иш ҳақининг камида 4600 баравари, шундан пул маблағлари — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1530 баравари миқдоридаги устав жамғармасини шакллантирганларга берилиши мумкин.

Рухсат гувоҳномаси улгуржи савдо билан шуғулланувчи субъект томонидан берилган аризада кўрсатилган, бироқ уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан улгуржи савдони амалга ошириш қоидалари бузилганлиги аниқланган тақдирда рухсат гувоҳномаси давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра уни берган туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан қайтариб олиниши мумкин.

Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ой мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаганда давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра, хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида тўхтатиб турилиши мумкин, Рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлиги корхонанинг товарлар сотиб олиш ва сотиш юзасидан шартномалар, шунингдек Солиқ товарларни сотиб олиш учун пул маблағлари манбаи мавжуд бўлган тақдирда рухсат гувоҳномасининг амал қилишини тиклаши мумкин.

Товарлар фақат тузилган шартномалар асосида ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида қуйида келтирилганларга улгуржи сотилиши мумкин:

— назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо тармоғига эга бўлган юридик шахсларга;

— махсус истеъмолчиларга, давлат таъминоти муассасаларига, давлат таъминоти муассасаларини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган савдо фирмаларига;

— юридик шахсларга ўзининг хўжалик фаолиятида ишлаб чиқаришлари учун;

— юридик шахс бўлмасдан тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун чакана савдо учун

шарт-шарошплари мавжуд бўлган жисмоний шахсларга — фақат кичик туркумлар билан.

Чакана савдо билан шуғулланувчи юридик шахслар улгуржи савдо килсалар, у ҳолда шартномага рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг турғун саадо шохобчаси мавжудлиги ва назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотнома илова қилиниши шарт.

Товарларни кичик туркумларда турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга сотилган тақдирда шартномага сотиб олувчи рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг турғун савдо шохобчаси мавжудлиги ва назорат-касса машинаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси илова қилиниши шарт.

Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар чакана савдо билан фақат турғун чакана савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимликларида чакана савдони амалга оширишга *рухсат гувоҳномаси* олган тақдирда шуғулланидш мумкин.

Рухсат гувоҳномаси юридик шахсларга фақат товарларнинг сақланишини, туркумланишини, навларга ажратилишини ва чакана сотиш учун қадокланишини таъминловчи савдо асбоб-анжомлари, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган ўзининг ёки бошқа юридик шахслардан ижарага олинган чакана савдо объектлари мавжуд бўлганда берилиши мумкин. Бунда рухсат гувоҳномаси ҳар бир турғун чакана савдо шохобчасига аризада кўрсатилган, бироқ икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари ва вилоятта бўйсунувчи шаҳарларнинг турғун савдо шохобчаларида чакана савдо билан шуғулланувчиларга **рухсат** гувоҳномаси берилишда савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ошиқ бўлса, у ҳолда улар тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш терминаллари билан жиҳозланган бўлиши шарт (ВМнинг 24.09.2004 йилдаги қарори).

Чакана савдони амалга ошириш қоидалари хўжалик юритувчи субъект томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда рухсат гувоҳномаси уни берган туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан давлат солиқ хизмати органлари тақдимномасига кўра қайтариб олиниши мумкин.

Рухсат гувоҳномасининг амал қилиши ҳафта мобайнида савдо айланмаси мавжуд бўлмаган ёки нақд пул тушумини инкассақия қилиш қоидалари бузилган тақдирда давлат солиқ хизмати органи тақдимномасига кўра, хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида тўхтатиб турилиши мумкин. Рухсатномани берган туман (шаҳар) ҳокимлиги рухсат гувоҳномасининг амал қилишини, товарларни сотиб олиш ва сотиш: юзасидан шартномалар, шунингдек Солиқ товарларми сотиб олишга пул маблағлари манбалари мавжуд бўлган тақдирда тиклаши мумкин.

Таъмирлаш ишлари ўтказилиши муносабати билан, шунингдек бошқа шунга ўхшаш ҳолларда фаолият вақтинчалик тўхтатиб турилган тақдирда,

юримдик шахс рухсат гувоҳномаси берган тегишли органни ва давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Товарларни *чакана сотувчи* юримдик шахслар томонидан *фақат турғун савдо шохобчалари орқали, назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланган ҳолда амалга оширилиши мумкин*. Чакана савдони кўчма равишда (дўкончаларда) амалга оширишга йўл қўйилмайди, салқин ичимликлар ва музқаймоқлар сотиш бундан мустасно.

Кўчма савдони фақат юримдик шахслар томонидан жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг савдони амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва жойлари кўрсатилган ҳолдаги рухсатномалари асосида, шунингдек тантаналар кунларида, савдо хизмати кўрсатиш юзасидан юримдик шахслар билан тузилган шартномалар асосида, шартномада кўчма савдога қўйиладиган товарлар турлари ва миқдорини кўрсатган ҳолда амалга оширишга йўл қўйилади.

Чакана савдони амалга оширувчи юримдик шахслар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолда сотиш жойларида сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари шарт (агарда қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса). Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиққан мамлакати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроқлилик муддатига эга бўлган товарларни сотиш чоғида нархномаларда яроқлилик муддати ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

Ҳозирги кундаги қонун ҳужжатларида савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиққа тортиш тизимини танлаш ҳуқуқи кўзда тутилмаган; улар **корхонада неча ишчи ишлашидан қатъи назар** фақат ялпи тушум солиғи тўловчиси бўладилар.

2003 йил 1 январдан бошлаб умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият фақат юримдик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан, қонун ҳужжатларида белгаланган тартибда амалга оширилади. *Хусусий тадбиркорлар Солиқ фаолият тури билан шугулланиш ҳуқуқига эга эмаслар*. Солиқ тартиб умумий овқатланиш соҳасида уй шароитларида ёки давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш бўйича хизматлар кўрсатишда татбиқ этилмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, халқ истеъмол товарларини сотиш ЎЗР ВМнинг 1999 йил 19 март «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 125-сонли Қарорига мувофиқ тартибга солинади, унинг асосий қоидалари қуйида келтирилган.

«1999 йил 1 апрелдан белгилансин:

улгуржи савдо билан шугулланиш ҳуқуқига моддий-техника базасига эга бўлган, товарларни чакана савдо корхоналарига бериш учун уларнинг

туркумлари сақланиши, танланиши, навларга ажратилиши ва туркумланишини таъминлайдиган юридик шахслар эга бўладилар;

юридик шахслар (ишлаб чиқарувчи ва улгуржи-таъминотчи корхоналар) томонидан товарларни улгуржи савдо қилиш белгиланган намунадаги назорат-касса машиналари билан жиҳозланган, турғун улгуржи ёки чакана савдо қилиш шохобчаларига эга бўлган юридик шахсларга, шунингдек махсус истеъмолчиларга, давлат таъминоти муассасаларига, давлат таъминоти муассасаларини таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган савдо фирмаларига ва улардан ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланувчи корхоналарга **фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича** амалга оширилади;

жисмоний шахсларга товарлар улар юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик сифатида рўйхатдан ўтган ва турғун чакана савдо қилиш учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда, майда туркумлар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилган ҳолда сотилади;

товарларни улгуржи савдо корхоналаридан, шунингдек, улгуржи-чакана савдо корхоналарининг бевосита улгуржи савдо базалари ва омборларидан чакана сотишга йўл қўйилмайди;

улгуржи-чакана савдо корхоналари товарларни белгиланган намунадаги касса аппаратлари билан жиҳозланган ўзларининг турғун чакана савдо шохобчалари орқали сотиш ҳуқуқига эга бўладилар;

мулкчилик шаклларида қатъи назар, чакана савдо корхоналари товарларни улгуржи сотиш, шу жумладан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилган ҳолда сотиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Аммо, ВМнинг 24.09.2004 йилдаги 445-сонли Қарорига мувофиқ «чакана савдо корхоналарига юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни ойлик товар айланиши ҳажмида сотувлар улуши чекланмаган ҳолда сотишга рухсат берилди»;

истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарларни ўз дўконлари орқали фақат белгиланган намунадаги назорат-касса аппаратларидан фойдаланган ҳолда чакана сотишлари мумкин.

Юридик шахслар томонққан улгуржи савдони амалга ошириш тартиби бузилса, юқорида номи келтирилган 125-сонли ВМнинг Қарорига мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектларнинг шу фаолиятдан топган барча даромад (фойда)лари, худди шунча микдорда жарима ундирилади ва мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Солиқ жавобгарлик чоралари ЎзР ВМнинг 2002 йил 5 август «Пул маблағларининг банкдан ташқарида муомаласини қисқартириш чоратадбирлари тўғрисидаги»ги 280-сонли Қарорида келтирилган.

Бундан ташқари, Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг (АВда 2003 йил 21 июлда 1260-сон билан рўйхатга олинган) 2-банд 7 сўз бошида ўрнатилган тартибни келтириш мумкин. Бунга асосан агар, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги корхоналар (яъни савдо

фаолиятидаги соҳада бўлмасалар) асосий фаолият зуридан ташқари чакана ёки улгуржи савдо билан шуғуллансалар, улар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисобот юритишлари, солиқ ва йиғимларни тўлашлари шарт, бундан ташқари белгиланган тартибда савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишлари учун рухсат гувоҳномасига ва савдо қоидаларига риоя қилишлари лозим.

Агарда юридик шахслар асосий фаолиятларидан ташқари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини юридик шахснинг балансида турган **фирма дўконлари** орқали сотишни амалга оширсалар, у ҳолда бундай юридик шахслар Солиқ тоифадаги солиқ тўловчилар тўлайдиган барча солиқ, йиғим ва мажбурий тўловларни тўлашлари лозим.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда қонун ҳужжатларининг юқорида келтирилган тартибларидан келиб чиқиб, асосий фаолият тури бўлмаган, масалан лойиҳалаш, лойиҳа-изланиш, изланиш ишлари билан шуғулланувчи юридик шахслар улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини олишлари учун ЎзР ВМ 407-сонли қарорида келтирилган ва Солиқ савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга ўрнатилган қуйида келтирилган талабларига жавоб бериши лозим:

1) энг кам ойлик иш ҳақининг камида 4600 баравари, шундан пул маблағлари — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1530 баравари миқдоридаги устав жамғармасига эга бўлишлари лозим;

2) товарларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини таъминловчи моддий-техник базаси (ўз омборхоналари ва асбоб-анжомлари) мавжуд бўлиши;

3) юридик шахслар солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказишдан жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур;

— ариза;

— юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

— уставнинг «улгуржи савдо» фаолият тури кўрсатилган, нотариал тасдиқланган нусхаси;

— юридик шахсда тегишли моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

— аризада кўрсатилган муддат мобайнида улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси;

— устав жамғармасининг 407-сонли қарорда талаб қилинган пул маблағлари тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси.

Рухсат гувоҳномасиз улгуржи савдо фаолиятини юритиш тақиқланади, рухсатномасиз фаолият юритиш эса ҳуқуқбузарлик деб қаралади ва субъектга нисбатан белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари кўрилади.

Маълумки, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари 2007 йил 1 январга қадар бюджетга тўлаб келган ялпи даромадидан ялпи даромад

солиғи, мол-мулк солиғи, товарлар айланмасидан Пенсия жамғармасига, Республика Йўл жамғармасига ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлар тўлаш ўрнига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида» ги ПҚ-532-сонли қарорига мувофиқ 2007 йил 1 январдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказилди.

2006 йил якуни бўйича асосий (профил) фаолият тури савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият) ҳисобланган юридик шахслар белгиланган тартибда ҳисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловларини тўлашлари шарт қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1668-сон билан рўйхатга олинган “Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун солиққа тортишнинг қуйидаги тартиби белгиланган. Жумладан, Низомда савдо фаолияти (умумий овқатланиш соҳасидан фаолият) ҳисобланган юридик шахслар учун 2007 йилдан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлаш тартиби белгиланган.

Шу билан бирга савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун:

- божхона тўловлари (божхона божлари ва йиғимлари, Акциз солиғи ва товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи);
- давлат божлари;
- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жойлаштирганлик учун компенсация тўловларини тўлаш тартиби сақлаб қолинган.

Агар юридик шахслар ҳисобот йили якуни бўйича савдо (умумий овқатланиш) корхонасига мансуб бўлмаса, келгуси йил бошидан бошлаб умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтишлари шарт, солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

Ягона солиқ тўлови тўлашга ўтиш савдо (умумий овқатланиш) корхоналари умумбелгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашга ўтган биринчи ҳисобот чораги учун фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни тўламайдилар.

Ишчилар сонидан қатъий назар улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар) ягона солиқ тўловини тўловчилари ҳисобланади.

Ягона солиқ тўлови тўловчисини аниқлашда асосий мезон бўлиб, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган корхона фаолиятининг коди ҳисобланади.

Бунда корхонанинг ихтисослашиши ХХТУТ асосий кодга тўғри келиши керак. Агар корхонанинг фаолияти ХХТУТ кодига тўғри келмаса, ўз фаолияти кодини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика органларида қайта рўйхатдан ўтказишга ва ушбу тоифадаги корхоналар (фаолияти турлари) учун белгиланган тегишли солиқларни тўлашга мажбур.

Ягона солиқ тўловида реализация (товароборот) умумий йиллик ҳажмида тушум улуши аксарият қисмини ташкил этган фаолият тури, асосий (профил) фаолияти тури ҳисобланади.

4.2. Солиқ ставкаси.

Қуйидаги жадвал маълумотларида 2014 йилда Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун солиқ ставкалари келтирилган

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкалари

	Тўловчилар	Ялпи тушумга нисбатан солиқ ставкалари, фоизларда
	Умумий овқатланиш корхоналари	10
	Улардан:	
	Умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатларга, ўрта-махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	8
	Чакана савдо корхоналари (5-бандда кўрсатилганларидан ташқари):	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда жойлашган	1
	Улгуржи савдо корхоналари (5-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	5
	Чакана ва улгуржи товар обороти бўйича “Шаробсавдо” ихтисослашган ҳудудий базалар	5

	Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш кийин бўлган ва тоғли туманларда жойлашган	1
	1,2 ва 4-бандларда кўрсатилган корхоналар учун, пластик карталарни қўллаган ҳолда ҳақи тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	Белгиланган ставка 5% га пасайтирилади

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган товар айланмаси бўйича ялпи тушумдан амалдаги ставкадан 20 фоизга пасайтирилган ставка бўйича ягона солиғ тўловини тўлайдилар.

Мазкур имтиёзни қўллаш учун чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳисобот даври учун ялпи тушум солиғи бўйича ҳисоб-китобга қуйида келтирилган шаклга мувофиқ хизмат қилувчи тижорат банки томонидан тасдиқланган Маълумотномани илова қиладилар.

**Товар айланмаси ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган ялпи даромад ҳажмлари бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

Т/Р	Кўрсаткичлар	Сумма
1	Умумий товар айланмаси	
	Шу жумладан:	
1.1	Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган	
2	Ялпи даромад — жами	
	Шу жумладан:	
2.1	Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган	

Масалан, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда товар айланмаси 15%ни, ялпи даромад умуман корхона бўйича— 120 минг сўмни ташкил этган. Бундай ҳолатда пластик карточкани фойдаланиб олинган ялпи даромад айланмаси 18 минг сўмни (120 x 15 x 100) ташкил этади.

Ялпи даромад солиғи суммаси корхоналар томонидан ҳисобланган ялпи даромад миқдоридан ва белгиланган ставкалардан келиб чиқиб аниқланади. Бунда ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ўсиб боровчи якун билан олиб борилади.

Ялпи даромад солиғи бўйича ҳисоб-китоб корхоналар томонидан улар рўйхатдан ўтган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15 кунидан кечикмасдан тақдим этилади.

Ялпи даромад солиғини ҳисоб-китоб тақдим этиладигая муддатдан кечиктирмасдан тўлайдилар.

4.3. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўтган йил якунлари бўйича асосий (соҳа) фаолият тури савдо фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият бўлган юридик шахслар Солиқ Кодексида белгиланган тартибда ҳисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлаши керак.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари сифатида рўйхатдан ўтказилган янги ташкил этилган юридик шахслар ягона солиқ тўловини давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан жорий йил тугагунига қадар, 1 октябрдан кейин рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар эса кейинги йил тугагунига қадар тўлайди.

Агар юридик шахслар ҳисобот йили якунлари бўйича Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари шартларга жавоб бермасалар, улар келгуси йил бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтишлари керак, солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар шартларга жавоб бермай қолинган ҳисобот йили тугаганидан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартиби танлаганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда ёзма билдириш тақдим этишлари шарт. Солиқ тўловчи томонидан ёзма билдиришнинг белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга берилган розилиги деб ҳисобланади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғининг ҲИСОБ-КИТОБИ

минг сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	
1	Солиқ солинадиган ялпи даромад — жами	
	Шу жумладан:	
1.1	Белгиланган ставка бўйича солиққа тортиладиган	
1.2	Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка бўйича солиққа тортиладиган	
2	Ялпи даромад белгиланган солиқ ставкаси, %	

3	Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун олинган товар айланмасига боғлиқ ҳолда ялпи даромадга тузатилган солиқ ставкаси, % (2-сатр x 20 : 100)	
4	Ҳисобот даври учун ялпи даромад солиғи — жами:	
4.1	Белгиланган ставка бўйича (1.1-сатр x 2-сатр : 100)	
4.2	Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка бўйича (1.2-сатр x 3-сатр : 100)	
5	Олдинги ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ялпи даромад солиғи	
6	Бюджетга тўлаш лозим бўлган яли даромад солиғи суммаси (4-сатр - 5-сатр)	

Пластик карточкалардан фойдаланганлик учун имтиёзли ставка қўлланилганда ҳисоб-китобга товар айланмаси ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олинган ялпи даромад ҳажмлари бўйича маълумотнома илова қилинади.

5. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш, унинг ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва уни тўлаш тартиби

Ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йил бошидан эътиборан ўтмаган тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ҳисобот даврига тўғри келадиган суммага камайтиради.

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ортиб борувчи якун билан:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган

корхоналар томонидан – ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатида кечиктирмай амалга оширилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини татбиқ этишнинг аҳамияти нимада?
2. Солиқ амалиётида илк бор қачон соддалаштирилган солиқ режими жорий қилинган ва қайси меъёрий ҳужжат асосида?
3. Кичик бизнес субъектлари таркиби қайси мезонлар асосида белгиланади ва қайси меъёрий ҳужжат асосида белгиланган?
4. Ягона солиқ тўлови қачон жорий этилди ва ягона солиқ билан ягона солиқ тўловининг фарқи нимада?
5. Ягона солиқ тўловини тўловчилари кимлар?
6. Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база таркиби нималардан иборат?
7. Ягона солиқ тўловига солиқ ставкалари қайси мезон асосида белгиланади?
8. Қандай юридик шахслар ягона солиқ тўловидан имтиёзга эга?
9. Ягона солиқ тўлови бўйича ҳисобот қайси муддатда топширилади?
10. Ягона солиқ тўлови бюджетга қайси муддатларда тўланади?
11. Ягона солиқ тўловига ўтишнинг тартиби қандай?

МАВЗУ 9. МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР. ИЖТИМОИЙ ЖАМҒАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР

Режа:

1. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
 - 1.1. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ
 - 1.1.1. Солиқ тўловчилар.
 - 1.1.2. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база.
 - 1.1.3. Солиқ ставкалари.
 - 1.1.4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби.
 - 1.2. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ
 - 1.2.1. Солиқ тўловчилар
 - 1.2.2. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база
 - 1.2.3. Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар томонидан солиқ солинадиган базани аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари
 - 1.2.4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби/
2. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар
 - 2.1. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари.
 - 2.2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар

1. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

1.1. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ

1.1.1. Солиқ тўловчилар

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган Солиқни тўловчилар охирги истеъмолчиларга:

бензин ва дизель ёқилғисини реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар;

газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар.

Ушбу БЎЛИМни қўллаш мақсадида:

автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари деганда автомобилларга компрессор воситасида газ тулдириш, автомобилларга ёқилғи қуйиш ва автомобилларга газ қуйиш шохобчалари тушунилади;

охирги истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ оловчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

1.1.2. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш солиқ солиш объектидир.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натура холидаги реализация қилинган ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳажми солиқ солинадиган базадир.

1.1.3. Солиқ ставкалари

Солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади, унинг миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил
4 декабрдаги ПҚ-2270 сонли қарорига асосан 2015 йилга ёқилғи
истеъмоли солиғи ставкаси

Истеъмол (ёқилғи) солиғи		
Транспорт воситаси учун бензин ёқилғиси	сўм	1 литр учун 290 / 1 тоннага 385 200
Транспорт воситаси учун дизель ёқилғиси	сўм	1 литр учун 290 / 1 тоннага 352 400
Транспорт воситаси учун суюлтирилган газ	сўм	1 л учун 200
Транспорт воситаси учун сиқилган газ	сўм	1 куб метр учун 240

1.1.4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган Солиқ Солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган Солиқ суммаси транспорт воситалари учун реализация қилинадиган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг нархида ҳисобга олинади. Бензин, дизель ёқилғиси ва газдан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилганда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун

олинадиган Солиқнинг ҳисобланган суммаси Солиқ тўловчининг харажатларига киритилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган Солиқнинг ҳисоб-китоби жорий ўн кўнлик тўловлар ҳисобга олинган ҳолда ҳар чоракда, Солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Ҳисоб- китоб бензин, дизель ёкилгиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахс жойлашган ердаги давлат Солиқ хизмати органларига тақдим этилади, бундан автомобилларга ёкилги қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёкилгиси ва газни реализация қилиш ҳоллари мустасно. Автомобилларга ёкилги қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёкилгиси ва газ реализация қилинганда ҳисоб-китоб автомобилларга ёкилги қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат Солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёкилгиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган Солиқни тўлаш транспорт воситалари учун бензин, дизель ёкилгиси ва газ реализация қилинган ойнинг ўн кўнлиги тугаганидан кейинги учинчи кундан кечиктирмай, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган ерда ҳар ўн кўнда амалга оширилади.

1.2. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ

1.2.1.Солиқ тўловчилар

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилардир.

Қуйидагилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдаси мустасно;

Солиқ Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

1.2.2.Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда **солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир**. Бунда солиқ солинадиган база қуйидаги суммаларга камайтирилади: олинган лозим бўлган (олинган) дивидендлар суммасига; қўшимча фойда солиғи тўловчилар учун — соф қўшимча фойда суммасига; текин олинган пул маблағлари суммасига, агар уларни ўтказиб бериш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса;

жорий солиқ даврида фойдаланилганда харажатлар вужудга келмайдиган бюджетдан ажратиладиган субсидиялар суммасига.

1.2.3. Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар томонидан солиқ солинадиган базани аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар солиқ солинадиган базани фойда солиғи тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойдани ва ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг мазкур харажатлар суммасидан ҳисоблаб чиқилган фойда солиғи суммасига камайтирилган суммасини қўшиш орқали аниқлайди.

Ушбу моддани қўллаш мақсадида ижтимоий инфратузилма объектларига соғлиқни сақлаш объектлари, халқ таълими объектлари ва болалар дам олиш оромгоҳлари киради.

1.2.4. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ тўловчилар, бундан 300 модданинг бешинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно, ҳисобот даври мобайнида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар тўлайди.

Жорий тўловлар тахмин қилинаётган соф фойда суммасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича ҳисобот даврининг биринчи ойи 10-кунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жорий тўловлар 300 модданинг учинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

қуйидагилар жорий тўловларни тўламайди:

хисобот даврида солиқ солинадиган базаси энг кам иш хақининг икки юз бараваригача микдорда бўлган солиқ тўловчилар;

ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 -кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш мазкур солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатида кечиктирмай амалга оширилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҲИСОБ-КИТОБИ

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
1	Бюджетдан молиялашнинг белгиланган ҳиссасидан келиб чиқиб, топширилаётган ижтимоий инфратузилма объектларини ўз маблағлари ҳисобига тутиб туриш харажатлари	
2	Солиқ солинадиган база — жами	
	шу жумладан:	
	а) барча солиқлар тўлангандан сўнг корхоналар тасарруфида қоладиган фойда	
	б) ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини тутиб туриш харажатлари (1-сатр)	
	в) белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган фойда солиғининг ҳисоб-китоб қилинган суммаси (6-сатр х солиқ ставкаси) : 100*	
3	Белпманган солиқ ставкаси (%да)	
4	Белгаланган ставка бўйича ҳисобланган солиқ суммаси (2-сатр х 3-сатр)	
5	Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси (4-сатр - 1-сатр)	
6	Ҳисобланган (жамланган) солиқ ставкаси (5-сатр : 2-сатр) : 100 (%да)	
7	Бюджетга ҳисоблаб ёзилди	
8	Қўшимча қилиб ёзишга	
9	Камайтиришга	

* Агарда харажатлар (1 -сатр) солиқ суммасидан кўп бўлса (4-сатр), у ҳолда корхона ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламайди.

2. ИЖТИМОЙ ЖАМГАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР

2.1. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташкари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари

2.1.1. Солиқ тўловчилар

Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилардир:

юримдик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентилари;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юримдик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентилари.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташкари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини (бундан буён матнда суғурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади, бундан Солиқ Кодекснинг 311-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ суғурта бадаллари тўловчи айрим тоифадаги жисмоний шахслар мустасно.

(305-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги УРК-359-сонли Қонуни)

2.1.2. Солиқ солиш объекти

Ушбу Кодекснинг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юримдик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари ҳам ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объектидир.

2.1.3. Солиқ солинадиган база

Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун Солиқ солинадиган база ушбу Кодекснинг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади, Солиқ Кодекснинг 308-моддасида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно.

Солиқ Кодекс 306-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бўйича ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база чет эллик ходимларга тўланадиган даромадлар суммаси

сифатида аниқланади, бироқ бу сумма Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига доир харажатлар умумий суммасининг 90 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

2.1.4. Имтиёзлар

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

1) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун Солиқ Кодекс 171-моддаси иккинчи қисмининг 9- бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар.

(308-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313- сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)

(308-модданинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ -313- сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)

(308-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ -241- сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

(308-модданинг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ -196- сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)

5) ёш мутахассисларга олий ўқув юртини тамомлаганларидан сўнг таътил вақти учун юридик шахслар ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

(308-модданинг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313- сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2011й., 52-сон, 556-модда)

7) қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик

хизматининг харбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловларга ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб чиқарилмайди.

2.1.5. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир.

2.1.6. Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб боровчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25 - кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини тўлаш ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

2.1.6. Айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, яқка тартибдаги тадбиркорлар суғурта бадалларини мажбурий тартибда ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар қуйидаги миқдорларда суғурта бадалларини тўлайди:

яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси — ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

оиланинг бошқа аъзолари (ўн саккиз ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) — ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган оила аъзолари учун суғурта бадалининг миқдори унинг белгиланган миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади. Календарь йил давомида имтиёзга бўлган ҳуқуқ вужудга келган ёки бекор бўлган тақдирда, суғурта бадалларини қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган ёки бекор бўлган ойдан эътиборан амалга оширилади.

Суғурта бадалларини тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан — ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари — ҳисобот йилининг 1 октябригача. Бунда суғурта бадалларининг миқдори тўлов кунига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган оила аъзоларининг суғурта бадалларини тўлаш мажбурияти оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг зиммасига юклатилади.

Тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, идентификация раками ва тўлов тўланаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Бунда оила аъзолари — оилавий тадбиркорлик иштирокчилари бўйича тўлов топшириқномаси (кирим ордери) ҳар бир оила аъзоси учун алоҳида ёзилади. Агар тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой (деҳқон хўжаликлари аъзолари учун — йил) учун тўланган деб ҳисобланади.

қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахслар жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган суғурта бадалларини ихтиёрий тўлаш тўғрисидаги ариза асосида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда

кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар суммасидан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий асосда суғурта бадаллари тўлайди.

Ушбу модданинг саккизинчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан суғурта бадалларини тўлаш жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация маълумотлари бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш муддатларида амалга оширилади.

(311-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359- сонли Қонуни тахририда — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)

2.2. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар

2.2.1. Солиқ тўловчилар

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс;

қуйидагилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

ягона Солиқ тўловини ва (ёки) ягона ер солиғини тўловчи юридик шахслар. (312-модданинг иккинчи қисми учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни тахририда)

умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз тўланадиган махсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

(312-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан хатбоши билан тўлдирилган)

2.2.2. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, соф тушум бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг Солиқ солиш объекти ва Солиқ солинадиган базасидир.

Солиқ солиш объекти ва Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

1) коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун — махсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик кувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган холда реализация қилинган хажми;

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиха-кидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиха-кидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган холдаги қиймати. Бўнда, агар юкорида кайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган холдаги қиймати сифатида белгиланади;

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари курсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган холдаги ҳақ суммаси;

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун — товар обороти;

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун — агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Солиқ Кодекснинг 148 ва 150- моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад;

6) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар;

хаётни суғурталаш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари), қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари, шунингдек ушбу Кодекс 150-моддасининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган даромадлар.

(313-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни тахририда)

Солиқ тўловчилар турли хил Солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар Солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

2.2.3. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир.

(314-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги УРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда)

2.2.4. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, уларнинг ҳисоб- китобларини тақдим этиш ва уларни тўлаш тартиби

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб- китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб боровчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар қуйидагича тўланади:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб- китобни тақдим этиш муддатида кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25 -кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

(315-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда)

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

1. Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига ундириладиган солиқни тўловчилар, солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган базани ва солиқ ставкасини тушунтириб беринг?

2. Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига ундириладиган солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби қандай амалга оширилади?

3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган базани ва солиқ имтиёзларини тушунтириб беринг?

4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби?

5. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари?

6. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. -Т.: “Норма”, МЖЧ. 2008. -416 б.
2. Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.12.2013 йилдаги ЎРҚ-359-сон, кучга кириш санаси 01.01.2014. Манба: «Халқ сўзи», 2013 й., 253 (5927)-сон; ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни. //Халқ сўзи, 29 август 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2007.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619-сонли Фармони (14 06.2 0020005 й.).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2270-сонли Қарори (2014 йил 4 декабр).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2099-сонли Қарори (2013 йил 25 декабр).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1887-сонли Қарори (2012 йил 25 декабр).
9. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш - Т.: Ўзбекистон, 2013 йил.
10. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // Халқ сўзи, 20.01.2012 й. №14 (5434).
11. Каримов И.А. Юсак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад. // Халқ сўзи, 18.02.2012 й. №35 (5455).
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
13. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги нутқидан. “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш”газетаси. 2008 йил 12-18 февраль. №6 (574).

14. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й. -525 б.
15. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч - қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. –Т.: “Ўзбекистон”, 2004 й.
16. Ваҳобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. –Т.: Шарқ, 2003. – 400 б.
17. Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ғ. Солиқ назарияси -Т.: ТМИ, 2004. - 210 б.
18. Жўраев А., Аманов А. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанидан ўқув-услубий комплекс. ТМИ, 2007 йил. -526 б.
19. Завалишина И.А. «Солиқлар: назария ва амалиёт» Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи. Тошкент 2005
20. Т.С.Маликов, Н.Ҳ.Ҳайдаров. “Давлат бюджети”. Ўқув қўлланма. “IQTISOD-MOLIYA” - Тошкент. ТМИ. 2007 й.
21. Т.С.Маликов, Н.Ҳ.Ҳайдаров. “Бюджет даромадлари ва харажатлари”. Ўқув қўлланма. “IQTISOD-MOLIYA” - Тошкент. ТМИ. 2007 й.
22. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: Академия, 2002. – 204 б.
23. Маманазаров А. Солиқ сиёсати. –Т: Молия, 2003. – 148 б.
24. “Солиқ назарияси” фанидан маъруза матнлари тўплами. /А.Жўраев ва бошқ. –Т.: ТМИ, 2008. -246 б.
25. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанидан маъруза матнлари тўплами. /А.Жўраев ва бошқ. –Т.: ТМИ, 2008. -396 б.
26. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. /Монография.–Т.: “Янги аср авлоди”, 2002.–127 б.
27. Тошмуродова Б. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. -Т.: ТМИ, 2005. – 203 б.
28. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
29. Xusainov R.R., Isxaqov a.K., Urmanova D.T., Djurayev X.Z. “Moliya va soliqlar” (II qism. Soliqlar). O’quv qo’llanma. –T “Vorish-nashriyot”, 2014. – 334 b.
30. Солиқ тўловчининг журнали 2014-2015 й.
31. Бозор, пул ва кредит журнали 2014-2015 й.
32. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 2014-2015 й.
33. «Norma» ахборот ҳуқуқий тизими
34. Интернет сайтлари:
<http://www.soliq.uz//>
<http://www.nalog.ru//>
<http://www.mf.uz//>
<http://www.cer.uz//>
<http://www.Lex.uz//>
<http://www.gov.uz//>